

1168
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ

Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор -
тергов ходимлари малакасини ошириш

МАРКАЗИ

Рўстам Мухамедов
юримдик фанлари номзоди

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИ

Ўқув қўлланмаси

ТОШКЕНТ - 1999 й.
«Қонун ҳимоясида»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ

Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор
тергов ходимлари малакасини ошириш

МАРКАЗИ

Рустам Муҳамедов,
юридик фанлар номзоди

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИ

Ўқув қўлланмаси

ТОШКЕНТ - 1999 й.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси
Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов
ходимлари малакасини ошириш Марказининг
Илмий Кенгаши қарори билан тавсия этилган

Муаллиф: Рустам Мухамедов - Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос, юридик фанлар номзоди.
3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.
Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири,
доцент.

Тақризчилар: Ҳожиакбар Раҳмонқулов - юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси мухбир-аъзоси

Бахтиёр Пўлатов - юридик фанлар номзоди,
3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси,
Республика прокуратурасининг судларда
жиноят ишларини кўришда прокурор
ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи.

Фуқаролик процесси. Ўқув қўлланмаси.

Ушбу ўқув қўлланмаси мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик-процессуал кодекси асосида ёзилган бўлиб, унда Фуқаролик иш юритиш турлари бўйича процесс босқичларида ишларни кўриш тартиби, процесс иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда қонунларга риоя қилиш суднинг ҳатти-ҳаракатларида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар баён этилган.

Ўқув қўлланмасидан фуқаролик процессуал ҳуқуқ билан шуғулланувчи суд, прокуратура, адвокатура ходимлари фуқароларнинг процессуал ҳуқуқларини ҳимоя қилишда амалиётда фойдаланишлари мумкин.

I - БОБ. ФУҚАРОЛИК - ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ

1. Фуқаролик-процессуал ҳуқуқнинг предмети ҳамда вазифалари

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

«Ҳар қандай манфаатдор шахс, - дейилади Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 1-моддасида, - бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас».

Фуқароларнинг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун маълум бир тартибнинг белгиланиш зарурияти ижтимоий муносабатларнинг алоҳида бир шакли бўлган фуқаролик-процессуал муносабатнинг мавжуд бўлишини тақоза этади.

Демак, фуқароларнинг Конституция билан белгиланган шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилиш заруратига боғлиқ ҳолда вужудга келадиган ижтимоий муносабат фуқаролик-процессуал ҳуқуқнинг предмети ташкил қилади.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ нормаларига биноан суд органлари томонидан фуқаролик ишларини кўриш тартиби белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ нормалари фуқаролик, меҳнат, оила ва бошқа бир қатор ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қонунчиликка риоя қилишни таъминлайди.

Шу билан бирга, у қонунбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни қонунларни сўзсиз бажариш ва уни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга имкон беради.

Фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан одил судловни амалга ошириш чоғида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар фуқаролик процессуал ҳуқуқнинг предметига айланади.

Фуқаролик, оилавий, меҳнат ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан шунингдек бир қатор маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан ва алоҳида тартибда кўриладиган ишлардан келиб чиқадиган низолар бўйича фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш тартиби фуқаролик-процессуал ҳуқуқ нормаларида белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишни кураётган суд билан процессда иштирок этаётган шахслар ўртасидаги муносабатлар ҳам фуқаролик-процессуал ҳуқуқ билан тартибга солинади. Процессуал нормалар таъсири остида бу муносабатлар фуқаролик-процессуал ҳуқуқий муносабатлар шаклини ва характерини олади.

Фуқаролик-процессуал нормаларнинг суд ва процесс иштирокчилари фаолиятини тартибга солишдаги таъсири ва бу ҳуқуқ нормаларининг ҳар бир ҳуқуқий муносабат иштирокчилари учун мажбурий ёки эҳтимол тугилган ҳаракатлари меъёрини белгилайди.

Ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг суд процессидаги маъқеи уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларида белгилаб қўйилган бўлади.

Ҳар бир ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳаракат қилиш доираси, бирининг талаб қилиши, иккинчисининг бу талабни бажариши уларнинг мажбуриятида ифода этилади.

ФПКдаги процессуал ҳуқуқ нормаларининг аксарият моддаларида йўл қўйилган процессуал ҳаракатлар белгилаб қўйилган.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилиш зарурати билан боғлиқ ҳолда вужудга келган ижтимоий муносабат фуқаролик-процессуал ҳуқуқни тартибга солиш предмети бўлиб ҳисобланади.

ФКнинг 10-моддасига асосан - «фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки ҳолислар суди (бундан кейин - суд) томонидан ҳимоя қилинади.

Қонунда назарда тугилган ҳоллардагина фуқаролик ҳуқуқлари маъмурий тартибда ҳимоя қилинади. Маъмурий тартибда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин».

Демак, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, пировард натижада, фақат суд томонидан узил-кесил ҳал қилинади.

2. Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ тизими

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ тизимини аниқлаш учун, биринчидан, унинг бир бутунлиги, иккинчидан, унинг элементлари орасида ўзаро қонуний боғланиш мавжудлиги ва ниҳоят, учинчидан, ҳуқуқнинг умумий тизимидаги ўрнини характерлаш лозим бўлади.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқнинг бир бутунлигини унинг элементларининг ўзаро мустаҳкам боғлиқлиги белгилайди.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ негизида, қоида тариқасида, фуқаролик-процессуал муносабатнинг процесс босқичлари бўйича табақаланиши ётади.

Ҳал қилиниши лозим бўлган вазифанинг хилма-хиллиги ва мураккаблигига қараб процессуал босқич бир ҳуқуқ институти билан ёки комплекс институтлар ёрдамида амалга оширилади.

Масалан, фуқаролик ишини қўзғатиш (5-модда), ишни судда кўришга тайёрлаш (16-боб) ва ҳоказо масалалар фақат бир институтни ўз ичига олади.

Биринчи инстанция судида иш юритиш босқичи (ФПКнинг 17-боби), кассация ва назорат тартибида иш юритиш босқичида ҳал қилинадиган масалалар комплекс институтларни ўз ичига олади.

Мустақил институтларни кўпроқ судда иш кўриш босқичи ўз ичига олади.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқда суд процессининг ҳамма босқичлари учун ягона аҳамиятга эга бўлган институтлар мавжудлигини кўрамиз. Масалан, далиллар, (6-боб) судловлилик, суд харажатлари (10-боб) ва бошқаларга тегишли ҳуқуқий нормалар суд процессининг барча босқичлари ва судда иш юритиш турларига тааллуқлидир.

3. Фуқаролик - процессуал ҳуқуқ манбалари

Моддий маънода ҳуқуқ манбаи жамиятнинг турмуш шароити билан белгиланадиган умумхалқ эрки ҳисобланади.

Расмий маънода эса, фуқаролик-процессуал қоидаларда акс эттирилган ва мустақкамланган шакл-форма ҳисобланади.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ манбаларининг тизими кенг бўлиб, анчагина норматив ҳужжатларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси энг асоси норматив - ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Конституция барча норматив ҳужжатларга нисбатан энг олий юридик кучга эга бўлиб, бошқа ҳамма қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар шунга асосан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқаролик-процессуал ҳуқуқнинг манбаи ҳисобланиб, ундаги бир қатор қоидалар асосан фуқаролик-процессуал ҳуқуқнинг асосий тамойилларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси янги Фуқаролик-процессуал кодексни вужудга келтиришда асосий манба ҳисобланади. Бундан ташқари кўп процессуал қонун-қоидалар янгиланди. Булар жумласига фуқаролик-процессуал ҳуқуқ манбаи сифатида куйидагилар киради:

1. Олий Мажлис томонидан 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги қонун (Олий Мажлис Ахборотлари, 1993 й. 10-сон, 367-модда);

2. «Хўжалик-процессуал кодекси» тўғрисидаги 1993 й. 2 сентябрь қонуни, (Олий Мажлис Ахборотномаси, 1993 й. 10-сон, 371-модда).

3. «Прокуратура тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь қонуни (Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й. 1-сон, 29-модда);

4. «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги 1995 йил 30 август қонуни (Олий Мажлис Ахборотномаси, 1995 й. 9-сон, 183-модда);

5. «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида» 1995 й. 22 декабрь қонуни (Олий Мажлис Ахборотномаси, 1995 й. 12-сон, 267-модда);

6. «Давлат божи тўғрисида»ги 1992 й. 9 декабр қонуни (Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й. 1-сон, 22-модда);

7. «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида» 1992 й. 3 июль (1994 й. 9 ноябрда ўзгариш ва қўшимчалар) қонуни (Олий Кенгаш. Ахборотномаси, 1992 й. 9-сон, 359-модда).

ФПК Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 30 августда тасдиқланиб, 1998 йил 1 январдан амалга киритилган.

Бу қонун - 5 бўлим, 40 боб ва 391-моддадан иборат.

ФПК мустақилликнинг ўтган олти йили даврида қонунчиликда қўлга киритилган муваффақиятлар асосида ишлаб чиқилди. Унинг тузилиш тизими, судда иш юритиш тартиб-қоидалари амалиётда анча қулай ва фойдаланиш учун енгилдир.

Фуқаролик-процессуал кодексининг биринчи бўлими «Умумий қоидалар»ни ўз ичига олиб, унда суд процессининг барча босқичларида ягона бўлган, суд иш юритилишида ҳаракат қилиш тартиби, процесснинг конституциявий тамойиллари бир текис тизимда ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, унда суд қарорлари ва баённомалари, судья ва процесснинг бошқа иштирокчиларини рад қилиш, судга тааллуқли ишлар, процесс иштирокчилари, далиллар, иш юритишни тўхтатиб туриш, аризани кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш, суд харажатлари, суд ажримлари, процессуал муддатлар, суд хабарномалари ва чақирувларига тааллуқли ҳуқуқий қоидалар ёритилган.

ФПК нинг иккинчи бўлими «биринчи инстанция судида иш юритиш»га бағишланган бўлиб, у тўрт кичик бўлимдан иборат.

Биринчи кичик бўлим умумий қоидаларни судловга тегишлилик, иш қўзғатиш, фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш, судда иш кўриш, суднинг ҳал қилув қарори, сиртдан ҳал

қилув қарорини чиқариш (19-боб) ва биринчи инстанция судининг ажримлари (20-боб) ни тартибга солувчи ҳуқуқий қоидаларни ўз ичига олади.

Иккинчи кичик бўлим. «даъво ишларини юритиш»га бағишланган бўлиб, унга умумий қоидалар (21-боб), даъво ишларини юритишнинг судловга тегишлилиги (22-боб), қарши даъво (23-боб), даъвони таъминлаш (24-боб), даъво ишларини кўришнинг хусусиятлари (25-боб)га тегишли қоидалар киритилган

Учинчи кичик бўлим «давлат органлари ва бошқа органлар шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш»га бағишланган - умумий қоидалар (26-боб), фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоятлар (27-боб), нотариуснинг, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органининг муайян ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги ёки нотўғри бажарганлиги устидан шикоятлар (28-боб), прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси (29-боб) га тааллуқли ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олади.

Тўртинчи кичик бўлим - «алоҳида тартибда иш юритиш»га бағишланган. Бунда умумий қоидалар (30-боб) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш (31-боб), фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш (32-боб), фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш (33-боб), мол-мулкни (ашёларни) эгасиз деб топиш (34-боб), тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш (чақириб иш юритиш) (35-боб) каби масалаларни кўриш тартибини белгиловчи ҳуқуқий нормалар берилган.

Фуқаролик - процессуал кодекснинг III-бўлими «Суд қарорлари устидан шикоят бериш ва уларни қайта кўриш», деб аталади.

Бунда умумий қоидалар (36-боб), суднинг ҳал қилув қарорлари устидан кассация шикояти бериш (протест келтириш) (37-боб), биринчи инстанция судининг ажримлари устидан шикоят бериш (протест келтириш) (38-боб), қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш (39-боб) ва қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлар, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш (40-боб) га оид ҳуқуқий қоидалар берилган.

Фуқаролик-процессуал кодекснинг IV - бўлими - «Суд қарорларининг ижроси»га бағишланган (370-385-моддалар).

Охириги бешинчи бўлимда фуқаролик процессида чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг иштироки баён қилинган.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ нормалари моддий ҳуқуқий қоидаларнинг амалда ҳаракат қилишини таъминлайди, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, фуқароларни қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялайди.

4. Процессуал ҳуқуқ субъектлари

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқнинг субъектлари бўлиб, бир томондан суд, иккинчи томондан фуқаролар, хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек турли шаклдаги мулк эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланадилар.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқдан, шунингдек, хорижий давлатларнинг юридик шахслари ва фуқаролари ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан баббаравар фойдаланадилар.

Суд билан фуқаролик-процессуал муносабатга киргач, юридик ёки жисмоний шахслар фуқаролик-процессуал муносабат субъектлари бўладилар ва суд процессида ўз олдига қўйилган мақсад ҳамда вазифаларни амалга оширишда ФПКда белгиланган алоҳида ҳолатни эгаллайдилар.

Барча жисмоний ва юридик шахслар процессуал ҳуқуқ субъектлари бўла оладилар. Суд билан процессуал муносабатда бўлиб, суд жараёнида тараф, учинчи шахс, гувоҳ ёки эксперт сифатида иштирок этган шахсларгина процессуал ҳуқуқ муносабатининг субъекти бўладилар. Суд одил судловни амалга оширувчи орган сифатида фуқаролик ҳуқуқ муносабатининг субъекти бўлади. Процесс иштирокчилари ишда ўзларининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қиладилар ва процесснинг боришига ўз таъсирларини ўтказадилар. Шунинг учун улар ҳам фуқаролик процессуал муносабатлар субъектлари бўладилар.

Бундан ташқари одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва бошқалар ҳам фуқаролик-процессуал муносабат субъектлари ҳисобланадилар.

5. Фуқаролик-процессуал ҳуқуқнинг асосий тамойиллари

1. Асосий тамойиллар ҳақида тушунча ва унинг аҳамияти. Фуқаролик процессининг мақсади одил судловни амалга оширишдан иборатдир. Бу мақсад олдиндан фуқаролик процессининг умумий қоидалари ёки унинг асосий тамойилларига асосланган жараёни, шунингдек, унинг алоҳида босқичларини, алоҳида процессуал ҳаракатлар ва муносабатларни белгилайди.

Процесснинг асосий тамойиллари Конституция талабларига асосланган бўлиб, «Судлар тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябр қонунинда¹ белгиланган мақсад ҳамда вазифаларни бажариш одил судловни таъминлайди.

«Тамойил» (принцип) сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, у «асос-бошланиш»ни англатади ва юридик фанда бошланиш дастуруламали, маълум бир ҳуқуқ соҳаларининг асосий қондасини ифода этади. Шу жумладан улар процессуал ҳуқуқнинг ҳам асосий қондаларидир.

Процессуал ҳуқуқ тамойиллари ҳаётдан, ижтимоий муносабатларнинг мазмунидан келиб чиқади. Шунинг учун у амалда бўлган жамият қурилишининг ўзига хос хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Ҳуқуқ тамойиллари ижтимоий муносабатлар характери билан белгиланар экан, халқнинг давлат ва жамият тузилиши билан белгиланувчи ҳуқуқий қарашлари фуқаролик-процессуал ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланади.

Бузилган ҳуқуқ ёки низолашилаётган ҳуқуқ, шунингдек қонун билан қўриқланадиган манфаатни ҳимоя қилишни талаб қилишда алоҳида қондалар қабул қилинган бўлиб, улар фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, эркинликларини ҳимоя қилиш ва ташкилотларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган суднинг фаолияти маълум бир тамойилга асосланган.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ тамойилларининг аҳамияти айниқса иқтисодийнинг бозор муносабатларига ўтиш даври шароитида ошиб боради. Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топган бу тамойиллар судда фуқаролик иш юритишининг тизимини, унинг турлари ва босқичлари моҳиятини, умумий мақсадни ва уни қўлга киритиш услубларини белгилайди. Шу билан бирга унда одил судловнинг демократик асосларини такомиллаштириш ва ривожлантириш талаблари мустаҳкамланган.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ тамойиллари бир-бири билан чамбарчас боғланган. Бу тамойилларнинг мазмун бўйича бир-бирлари билан боғланиши ва бирга ҳаракат қилиши тамойиллар тизимини ташкил қилади. Ҳар бир тамойил ўзича мустақил, ammo ўзича алоҳида ҳаракат қилмайди.

Ҳар бир тамойил умумий тизимга киради ва у бир тизим бўлиб, бир бутун соҳани, процессуал ҳуқуқ қондаларига амал қилувчи суд

¹ Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 9-сон 1995 й. "Адолат" 115-бет.

фаолиятини, шу билан бирга фуқаролик-процессуал ҳуқуқ ҳамда суд фаолиятининг барча босқичларини қамраб олади.

Ҳар бир тамойил фуқаролик-процессуал ҳуқуқ нормаларида ўз ифодасини топган.

2. Тамойилларнинг турлари. Ҳуқуқ фанида, одатда, тамойиллар уч турга бўлинади.

Биринчидан, умумий, яъни ҳуқуқнинг барча соҳаларига тааллуқли тамойиллар;

Иккинчидан, соҳалараро, яъни бир неча ҳуқуқ соҳаларига доир тамойиллар;

Учинчидан, ҳуқуқнинг бир соҳасига доир тамойиллар².

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ тизими умумий ва соҳалараро тамойиллар моҳиятини ўзининг мазмунида ифода этадиган қоидаларни белгилайди.

Масалан: Қонунийлик тамойили умуман ҳуқуқнинг ҳамма соҳалари бўйича асосий тамойиллардан бўлиб, давлатнинг барча соҳаларини тартибга солишда амал қилади.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ тамойиллари суд ва процесс иштирокчиларининг фаолиятини тартибга солувчи умумий қоидалар сифатида шу соҳа бўйича мустақил тамойиллар тизимини ташкил қилади.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқнинг ҳар бир тамойили Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган қонунийлик тамойилининг аниқлаб берилишидан вужудга келади.

Масалан, Конституцияда белгилаб қўйилганидек, фуқароларнинг қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги фуқаролик процессида тарафларнинг тенг ҳуқуқлилигида ўз ифодасини топган (ФПК нинг 6-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни - қонунчилик тизимининг бош йўналиши бўйича ҳуқуқий нормаларни, шу жумладан фуқаролик-процессуал қонунчиликка тааллуқли нормаларни ҳам ўз ичига олади.

Конституцияда фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари, шунингдек бурчлари белгиланиб, ҳуқуқий томондан кафолатланган.

Ҳуқуқий кафолатлар ўртасида, айниқса, фуқароларнинг шаъни ва обрўсига, шахсий ҳаёти ва соғлиғига, эркинлиги ва мулкый ҳуқуқига қаратилган ҳар қандай тажовузлардан суд тартибида ҳимоя қилиниши алоҳида аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан давлат ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан

² С.С.Алексеев. Проблемы теории права. Свердловск. 1972 г. стр - 106.

судга шикоят бериш ҳуқуқи Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ нормасида ўзининг ифодасини топган. (ФПК-П-бўлимнинг III-кичик бўлими)

Одил судловни фақат суд томонидан амалга ошириш тамойили. Фуқаролик ишлари бўйича одил судлов, - дейилади ФПК нинг 6-моддасида, - фақат суд томонидан ҳамда барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъий назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

Одил судловни амалга ошириш жараёнида процессуал шакл ва тартибга риоя қилиш мажбурий талаблардан ҳисобланиб, суд фаолиятининг ажралмас қисмидир. Процессуал ҳуқуқ нормаларини, шу жумладан ўрнатилган шаклни бузиш, тартиб-қоидага риоя қилмаслик алоҳида ҳолларда қонунга хилоф қарорлар қабул қилинишига олиб келади.

Фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги тамойили конституциявий талаблардан келиб чиққандир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига асосан республикада барча фуқаролар бир ҳил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ҳар қандай имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ва у ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Одил судлов барча фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади, у кишиларнинг ижтимоий ва мулкий аҳволи, эгаллаган мансаби, касби ва машғулоти ҳамда жамиятдаги туганган ўрнига боғлиқ эмас.

Ҳар бир инсон ҳуқуқий жиҳатдан жамиятнинг барча аъзолари билан тенглигини ҳис қилиши, англаши, ўзига нисбатан одилона ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш, давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватланишига ишонч ҳосил қилиши керак.

Бу тамойилнинг янада кенгроқ татбиқ қилиниши суд процессида тарафларга берилган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тенглигида намоён бўлади.

«Тарафлар процессуал ҳуқуқлардан тенг фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар», - дейилади ФПК нинг 40-моддасида.

Даъвогарга суд процессининг барча босқичларида қандай ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи берилган бўлса, жавобгарга ҳам худди шундай ҳуқуқлар берилади.

Ҳар бир шахс даъво ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига, яъни даъвогар бўлиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга иш бўйича жавобгар шахс даъво иши қўзғатилган вақтдан бошлаб, қарши даъво қўзғатиш ҳуқуқига ҳам эга, даъвога қарши ўзининг норозилигини билдириб, далиллар келтиришга ҳақли.

Ҳар икки томон ҳам ўзининг талабларини ва норозилиklarини исботлаш учун далиллар тақдим қилишда тенг ҳуқуқдан фойдаланадилар. Ҳар икки томон иш бўйича суд процессида шахсан ўзи иштирок этиши ёки ўзининг вакиллари орқали тушунтириш бериши, процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни яқунлашга ҳақлидирлар.

Шунингдек, фуқаролик процессида иштирок этган шахслар, шу жумладан одил судловни амалга оширишга қўмаклашувчи шахслар ҳам, қонун бўйича берилган ҳуқуқлардан фойдаланиш ва зиммаларига юклатилган процессуал мажбуриятларни бажаришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида белгилаб қўйилганидек, «судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.»

Бу принципга асосан, судьялар фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишда фақат қонунга амал қилиб, қонун асосида иш юритишлари керак. Судьянинг ҳар бир ҳаракати қонун билан белгилаб қўйилган тартиб ва қоидаларга асосланган бўлиши шарт.

Судьянинг мустақиллиги давлатнинг иқтисодиёти, сиёсати ва ҳуқуқ-тартиботи билан кафолатланади.

Судьяларнинг хизмат мустақиллиги қоидалари Ўзбекистон фуқароси учун белгиланган шахсий мустақилликдан келиб чиқади.

Фуқаролик ишини ҳал қилишда судья тўпланган далилларга мустақил равишда баҳо беради, қонунни татбиқ қилиш йўли билан ҳар қандай масала, умумий ёки хусусий, алоҳида талаб ва илтимослар, низони мазмунан тўғри ҳал қилишда фақат қонунга асосланади.

Демак, низони ҳал қилишда қонун ва ишнинг ҳақиқий ҳолати судьянинг эркини белгилайди.

Давлат ҳокимияти органлари вакилларининг, жамоат ташкилотларининг ҳеч қандай тарзда судларнинг фаолиятига аралашилари йўл қўйилмайди.

Юқори турган судлар пастки судларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишда фақатгина иш кўришдаги фаолиятида

йўл қўйилган қонун бузилишини, текширилган далилларнинг асосли эмаслигини кўрсатиш билан чегараланадилар.

Судьяларни мустақиллик кафолати уларнинг интизомий жавобгарлигини алоҳида тартибда, махсус Низом билан белгилаш орқали таъминланади.

Ваколат муддати тугагунга қадар судьяларни мансабидан озод қилишга, фақат қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Бу ҳолат Конституция билан кафолатланган.

Судьялар сиёсий партиялар ва ҳаракатлар аъзоси бўлишлари, ҳақ тўланадиган бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас.

Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги. Бу принцип - ишда ҳақиқий аҳволни тўла аниқлаш ва етарли далилларни тўлигича тўплашни таъминлайди. Бу эса иш бўйича ҳақиқатни аниқлашдаги муҳим шарт-шароит бўлиб ҳисобланади.

Иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашга қаратилган қоидалардан иборат бўлган бу принцип асосида суд фаолият кўрсатади, яъни ҳақиқатни аниқлайди.

Бу принципга асосан 1) ҳар бир тараф ўзининг талаб ёки эътирозини ва асосларини далиллаб бериш ҳуқуқига эга; 2) Иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш учун далиллар етарли бўлмаса, суд тарафлардан қўшимча далиллар тақдим қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга; 3) далилларни судда иштирок этувчи шахслар тақдим қилишлари, шунингдек суднинг ўзи ўз ташаббуси билан талаб қилиб олиши мумкин. 4) тарафлар уларнинг талаб ёки эътирозларига асос бўладиган ҳар қандай юридик фактни, судга ҳавола қилишлари мумкин. 5) тарафларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатларини аниқлаш учун суд тақдим этилган юридик фактлар билан чегараланмасдан, иш учун муҳим бўлган бошқа фактларни ҳам талаб қилиши мумкин.

Шундай қилиб, тортишув ва бу соҳадаги тенг ҳуқуқлилиқ принципи, биринчидан, ишда иштирок этган тарафларнинг тегишли ҳужжат ва далилларни тақдим қилиш билан ўзининг процессуал мавқеини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларидан, иккинчидан, иш ҳолатларини аниқлаш учун етарли далилни тўплашда суд ва прокуратуранинг фаол кўмаклашишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлардан иборат бўлади.

Судда иш юритишда тил. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 115-моддасига асосан, «Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, Қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашаётган тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимои орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади».

Конституцияда белгилаб қўйилганидек, судларда иш юритиш, нафақат давлат тили бўлган ўзбек тилида, шу билан бир қаторда қорақалпоқ тилида ва муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда ҳам олиб борилиши ФПКнинг 9-моддасида ўз ифодасини топган.

Суд ишларини юритишда тилни билмайдиган шахсларга ишга тааллуқли материаллар билан ўз она тилида тўлиқ танишиб чиқиш, она тилида кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, судда ўз она тилида гапириш ва арз билан мурожаат қилиш ҳамда илтимослар қилиш, қонунда белгиланган тартибда таржимон хизматидан фойдаланиш имконияти яратиб берилади.

Суд ишларини юритишда тилга риоя қилиш тамойилига асосан учта қоида амалга оширилиши керак.

Биринчидан, судда иш юритишни судья, албатта, муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда ташкил қилиши шарт.

Иккинчидан, ишда иштирок этаётган шахслар ўз она тилида сўзлашишга, таржимон талаб қилмасдан суд ҳаракатларида шахсан ўзи иштирок этишга ёки таржимон орқали иш материаллари билан танишишга ҳақлидирлар;

Учинчидан, иш олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларга судда ўз она тилида сўзлаш, илтимос қилиш, тушунтириш ва кўрсатув бериш, шунингдек таржимон хизматидан фойдаланиш таъминланади.

Суд ҳужжатлари ишда иштирок этаётганларга унинг ўз она тилида ёки у билладиган бошқа тилга таржима қилинган ҳолда берилади.

Миллий тилни амалга ошириш тамойили, биринчидан, фуқароларни қонунларни бажариш ҳуқуқ-тартиботларга риоя қилиш руҳида тарбиялайди;

Иккинчидан, ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлашга ва тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлашга ёрдам беради.

Учинчидан, фуқароларнинг суд процессида тараф сифатида иштирок этишини кафолатлайди.

Судда иш кўриш ошкоралиги. ФПК нинг 10-моддасида кўрсатилганидек, барча судларда ишлар ошкора кўрилади.

Ишда иштирок этаётган шахсларнинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар ошкор бўлишига йўл қўйилмайди.

Айрим ҳолларда яъни давлат ёки тижорат сирларини сақлаш манфаатларига зид бўлган ҳолларда³, шунингдек фарзандликка олиш сири ва ёзишмалар сири сақланишини таъминлаш мақсадида суднинг асослангирилган ажримига биноан иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилишига йўл қўйилади.

³ . Давлат сирини сақлашда Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган рўйхати бўйича.

Иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилганда ҳам судлов ишлари юритишнинг барча қоидаларига риоя қилиниши керак. Зарур ҳолларда суднинг ёпиқ мажлисида ишда иштирок этаётган шахслардан ташқари, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар ҳам қатнашишлари мумкин.

Барча ҳолларда ҳам суднинг ҳал қилув қарори ошкора эълон қилинади. Ошкора қилиш мумкин бўлмаган давлат сирларига тааллуқли ахборотларни ўз ичига олган суднинг ҳал қилув қарорлари, албатта, сир сақланиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасида кўрсатилганидек, «ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади».

Суднинг ёпиқ мажлисида иш ҳолатининг ҳаммаси ёпиқ ҳолда муҳокама қилинмасдан, балки унинг айрим процессуал ҳаракатлари, эксперт ёки гувоҳнинг сўроқлари, ёпиқ мажлисда кўрилиши мумкин.

Судда иш кўриш ошкоралиги тамойилига биноан 16-ёшга тўлган барча фуқаролар суд мажлисида ҳозир бўлишга ва суднинг ҳаракатларидан, ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг ҳаракатларидан хабардор бўлиб туриш мақсадида суд мажлисининг бошидан охиригача иштирок этишга ҳақлидирлар.

Суд процессининг ошкоралиги фуқароларни қонунларга риоя қилиш, ҳуқуқ - тартиботларни сақлаш ва уни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялайди.

Ошкоралик принципини амалга оширишда очиқ суд процессини ўтказишни тўғри ташкил қилиш алоҳида ўрин тутати.

Ҳуқуқ - тартиботни бузувчи жавобгарларнинг иш жойларида, яшаш жойларида ёки жамоат жойларида фуқаролик иш бўйича ўтказилган очиқ суд процесси фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш билан бирга, фуқаролик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни ҳам таъминлайди.

Айниқса, меҳнат низолари, оилавий жанжаллар, нафақа ундириш, бола тарбияси ва уй-жой жанжаллари бўйича фуқаролик ишларини очиқ суд мажлисида кўриш қонунчиликни мустақкамлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Судда иш юритишнинг бевоситалиги, оғзакилиги ва уздуксизлиги. ФПК нинг 11-моддасида белгиланганидек, «биринчи инстанция суди фуқаролик ишини кўраётганида ишга оид далилларни бевосита текшириши: ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтириш-ларини, гувоҳларнинг кўрсатмаларини, экспертлар ва мутахассис-ларнинг хулосаларини эшитиши, ёзма далиллар билан танишиши, ашёвий далилларни кўздан кечириши шарт».

Бевоситалик принципнинг афзаллиги шундаки, иш бўйича ҳамма ҳолатларда судьянинг ўзи фактларни бевосита асосий ва биринчи манбадан эшитади.

Ҳақиқатни аниқлаш, ҳар бир иш бўйича тўғри, адолатли, асосли ва қонуний ҳал қилув қарори чиқариш учун иш бўйича барча фактлар ва ҳужжатлар судья томонидан бевосита кўриб чиқилиши керак. Айрим ҳолларда судьянинг алоҳида топшириқ билан бошқа судьялардан олган баённомаларини кўриб чиқишига тўғри келади. Бундай ҳолларда гувоҳ кўрсатмалари бевосита судья томонидан қабул қилинмасдан баённома орқали қабул қилинади ва судья албатта, баённомани ҳамма учун ошкора суд мажлисида ўқиб эшиттириши керак.

Бевоситалик принципдан мақсад иш материалларини яхшилаб ўрганиш ва ҳақиқатни аниқлашдан иборат. Шу сабабдан ҳам фуқаролик ишининг кўрилиши бир судьядан иккинчи судьяга ўтказилганда, албатта, қарор чиқарувчи судьянинг ўзи ишни бошидан охиригача шахсан кўриши ва далилларни текшириши шарт.

Бир фуқаролик ишини охиригача етказмасдан иккинчи бир фуқаролик ишини кўришга киришиш судда иш юритиш узлуксизлиги принципини бузиш бўлиб ҳисобланади.

Оғзакилик, бевоситалик ва узлуксизлик бир-бирлари билан чамбарчас боғланган. Иш материаллари суд мажлисида, албатта, оғзаки кўрилиб, текшириб чиқилиши керак. Суд мажлисининг оғзаки олиб борилиши, биринчи навбатда, ошкоралик принципини амалга оширишнинг зарур шартларидан ҳисобланади. Бу ўз навбатида, судья томонидан ва суд мажлисида иштирок этаётган бошқа шахслар томонидан текширилаётган ҳужжатларни, иш материалларини, гувоҳ кўрсатмалари ва эксперт хулосаларини бевосита қабул қилиш имкониятини беради.

Суд ўзининг қарорини фақат суд мажлисида ошкора текширилган ва кўриб чиқилган далилларга асосланиб чиқаради. Бу эса оғзакилик принцигига асосланади.

Ишни амалдаги қонун асосида кўриш ва ҳал қилиш ФПК нинг 12-моддасида - «суд ишларни Ўзбекистон Республикасининг қонунлари асосида ҳал қилиши шарт», дейилган.

Суд бошқа норматив ҳужжатларни ҳам, агар улар Конституцияга ва қонунларга зид бўлмаса, қўллаши мумкин.

Бундан ташқари, суд фуқаролик ишларини кўришда, агар қонунда ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган бўлса, чет давлатнинг ҳуқуқ нормаларини ҳам қўллайди.


Низоли муносабатни тартибга соладиган қонун бўлмаган тақдирда, суд шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган

қонунни татбиқ этади. Борди-ю бундай қонун ҳам бўлмаса, республика қонун ҳужжатларининг умумий асослари ва мазмунига гаянади.

«Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида, дейилади ФПК нинг 3-моддасида, - Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади».

Хақиқий ҳолатни аниқлаш тамойили. Фуқаролик процесси суднинг ҳал қилув қарорида баён этилган хулоса, албатта, иш ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклигини назарда тутати. Ҳақиқий ҳолатни аниқлаш учун суд тақдим этилган далиллар билан чекланмасдан ўз ташаббуси билан қўшимча далиллар тўплаши гарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва қолисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда тегишли чоралар кўриши керак. Ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи барча фуқаролик-процессуал қоидалар процесснинг бошланишидан эҳиригача иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашни маълум бир шаклда таъминлаш имкониятини беради.

Диспозитив тамойил. Бу тамойил суд процессининг барча босқичларида қўлланиладиган қоидаларни ифода этади. Бу тамойил фуқаролик-процессуал ҳуқуқ субъектлари томонидан ўзларига тегишли бўлган процессуал ва моддий ҳуқуқларни суд, прокуратура ва бошқа давлат, жамоат ташкилотларининг фаол ёрдами билан суд ҳимояси воситасида эркин тасарруф этишдан иборат қоидаларни ўз ичига олади. Масалан: ФПКнинг 5-моддаси асосан суд фуқаролик ишини фақат: 1) ўз ҳуқуқи ёки қонуний манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг аризаси бўйича; 2) прокурорнинг аризаси бўйича; 3) қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли бўлган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг берган аризалари бўйича қўзғатиб, кўришга киришади. Диспозитив тамойилга асосан судга мурожаат қилувчи ўзининг талабида унинг нарсасини, ҳажмини мустақил ўзи белгилайди; Суднинг чиқарган ҳал қилув қарорини шикоят қилиш ёки қилмаслик ҳам процесс тарафларига боглиқ ва ҳоказолар.



II-БОБ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИ

1. Фуқаролик-процессуда одил судловнинг вазифалари

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ тушунчаси ва унинг моҳиятини аниқлаш одилсудловнинг моҳияти тўғрисида тўғри тасаввур қилгандагина мумкин бўлади. Одил судлов фуқароларнинг қонун ҳамда Конституция билан кафолатланган ва муҳофаза қилинадиган ҳуқуқларини ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган давлат фаолиятининг турларидан бири ҳисобланади. Давлат фаолиятининг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, одилсудлов суд органлари томонидан Конституцияда назарда тутилган шаклда, процессуал қонун билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Одилсудлов давлат томонидан жамият ҳаётига раҳбарлик қилишнинг бир тури сифатида судлар томонидан конкрет ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш ва ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қилган алоҳида шахсларга нисбатан қонунга асосан давлатнинг мажбурлаш чораларини кўришдан иборат.

Одилсудлов асосан икки йўл билан амалга оширилади.

Биринчидан, жамият учун хавфли қилмиш-жиноят ишларини суд мажлисида кўриш ва қонунда белгиланган жазо чораларини айбдорларга нисбатан татбиқ қилиш бўйича иш юритишда суд фаолияти тартибини аниқловчи жиноят-процессуал ҳуқуқи ёрдамида амалга оширилади;

Иккинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзаро ва ташкилотлар билан келиб чиққан низоларни суд мажлисида кўриб, ҳал қилиш йўли билан амалга оширилади.

Суднинг бу фаолияти фуқаролик - процессуал ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

Суд давлат ҳокимияти органи сифатида, одилсудловни амалга оширишда унинг вазифаларини кўзда тутган ҳолда фаолият кўрсатиши керак.

Одилсудловнинг вазифаси Ўзбекистон Республикаси Конституция-сида назарда тутилган. У биринчидан, фуқароларнинг шахсий, ҳуқуқ ва эркинликлари, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқлари ва манфаат-ларини, иккинчидан, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, учинчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат тузилиши, ижтимоий тузум, унинг

мустақиллиги, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий негизларини муҳофаза қилишга қаратилган бўлиши керак.

Одилсудловнинг вазифаси фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари сифатида ФПКнинг 4-моддасида ифодаланганидек, ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал қилишдан иборатдир. Фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга қўмаклашиши лозим.

Бу вазифалар суд томонидан ҳуқуқи бузилган фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш йўли билан амалга оширилади. Фуқаролик процессида одилсудловни амалга ошириш учун суд иш бўйича далилларни тўплайди, уни текширади, таҳлил қилади ва унга баҳо беради, ҳуқуқий томондан, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлайди, тегишли ҳуқуқий нормаларни татбиқ қилиш йўли билан тарафларни маълум бир ҳаракатни амалга оширишга мажбур қилади ёки маълум бир ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийишга даъват этади. Шу билан суд ўз фаолияти орқали фуқароларни қонунга ҳурмат, уни аниқ ва тўғри бажариш руҳида тарбиялайди.

Суд мажлисида низоларни кўриш ва ҳал қилиш, ҳуқуқ нормаларини татбиқ қилиш, шунингдек мажбурлов чораларини қўллаш ҳам қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бу тартиб процессуал тартиб ёки процесс деб аталади.

Суд фаолиятининг мутлақ белгиларидан бири шундан иборатки, бу фаолият олдиндан қонун билан белгилаб қўйилган тартибда ва шаклда амалга оширилади.

Демак, суд фаолиятининг мутлақ белгилари процессуал шакл ҳисобланади.

Процессуал шаклнинг ўзига хос алоҳида белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Суд мажлисида иш кўриш ва ҳал қилиш тартиби қонун билан белгилаб қўйилган;

2. Суд мажлисида ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаати ҳал қилиниши лозим бўлган шахс ишни кўриш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга;

3. Судда иш кўриладиганда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга қонун маълум ҳуқуқларни беради ва уни кафолатлайди.

Бу процессуал ҳуқуқ дейилади.

4. Суднинг низоли ҳуқуқий масала юзасидан, шунингдек мажбурлов чоралари тўғрисидаги қарори, қонунда кўрсатилган

воситалар билангина ва белгиланган тартибда суд мажлисида аниқланиб, тасдиқланган фактларга асосланган бўлиши керак.

Суд қарорларининг ижро этилиши ҳам маълум процессуал шаклда, маълум ҳуқуқларга эга бўлган тарафлар иштирокида амалга оширилади.

Демак, фуқаролик процесси суд қарорларининг ижро этилишини ҳам ўз ичига олади. Фуқаролик процесси ва унинг моҳияти нимадан иборат, деган саволга жавоб бериш учун фуқаролик процессининг мақсади нимадан иборатлигини аниқлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 4-моддасига асосан, «фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборатдир».

Фуқаролик процессининг мақсади фуқаролик ҳуқуқи тўғрисидаги низолар бўйича одилсудловни амалга оширишдан иборат.

Бу мақсадга нафақат суд фаолияти натижасида, шунинг билан бирга, суд процессининг бошқа барча субъектлари, шу жумладан суд қарорларини ижро этувчи органлар фаолияти натижасида эришилади.

Демак, фуқаролик процесси биринчидан, суднинг фуқаролик ҳуқуқ тўғрисидаги низоларни кўриш ва ҳал қилиш бўйича фаолиятдан, иккинчидан, тарафлар (даъвогар ва жавобгар) ва бошқа жисмоний ҳамда юридик шахслар, шунингдек одилсудловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар фаолиятдан ва учинчидан, суднинг чиқарган қарорларини мажбурий ижро этишни амалга оширувчи органлар фаолиятдан иборатдир.

Суднинг юқорида кўрсатилган одилсудловни амалга ошириш фаолияти давлат томонидан белгиланади, маълум бир юридик ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади ва муайян юридик оқибатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун бундай фаолият юридик фаолият бўлиб, уни тартибга солувчи нормалар процессуал нормалар ҳисобланади, фаолиятнинг ўзини эса, процессуал фаолият деса бўлади.

Юридик адабиётларда фуқаролик процессидаги низоларнинг предмети ҳақида гап борганда, кўпинча фақатгина фуқаролик ҳуқуқи борасидаги низолар тўғрисида гапирилади. Ваҳоланки, фуқаролик процессида, нафақат фуқаролик ҳуқуқ борасидаги, шунингдек, оила ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, молия ҳуқуқи ва бошқа кўпгина моддий ҳуқуқлар борасидаги низолар ҳам кўрилади.

Демак, фуқароларнинг ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тааллуқли ҳамма низолар суд фаолиятига тегишлидир. Улар ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қайси моддий ҳуқуқ соҳасига тегишли бўлмасин, фуқаролик процессида қўриладиган бўлса, унинг предмети бўлади.

Суд билан унинг қарорини ижро этувчи органлар, тарафлар ва одилсудловни амалга оширишга кўмаклашувчи ҳамда процесс иштирокчилари фаолиятлари ўртасида маълум муносабат вужудга келади. Бу муносабат ижтимоий муносабат бўлиб, юридик процессуал нормалар билан тартибга солинади ва шу сабабдан ҳам улар юридик процессуал муносабат ҳисобланади.

Бундан фуқаролик процесси тушунчаси ҳам келиб чиқади.

Демак, фуқаролик процесси суднинг фаолиятдан, суд қарорларини ижро этувчи органлар фаолиятдан, тарафлар ва суд томонидан фуқаролар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий низоларни ҳал қилишда иштирок этувчи бошқа шахслар ўртасидаги муносабатларни ҳал қилиш жараёни ҳисобланади.

Мустақилликка эришилгандан кейин жамиятда янги давлат тузуми, ҳокимиятнинг уч тизими ўзининг янги қонунчилигини, янги тартиб қоидаларини вужудга келтирди. Бу қонунларнинг мақсади, биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, шунингдек ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Шунинг учун янги ҳокимият томонидан белгиланган фуқаролик-процессуал қонунлари, эски, шўролар давридаги процессуал қонунлардан фарқли ўлароқ, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳаммадан ҳам юқори қўяди. Давлат ҳамма вақт процессуал муносабатларда фуқароларнинг, процесс иштирокчиларининг ўзаро муносабатларига, уларнинг процессуал фаолиятларининг моҳиятига қўпроқ аҳамият беради.

Фуқаролик процесси билан фуқаролик - процессуал ҳуқуқни бир-бири билан аралаштириб юбормаслик керак. Уларнинг ҳар қайсиси алоҳида бўлиб, шу билан бирга, бир-бирлари билан узвий боғлангандир.

Процесс - бу процесс субъектлари фаолияти билан улар ўртасида вужудга келган муносабатлар бўйича қонунда белгиланган тартибда одилсудловни амалга оширишдан иборат.

Фуқаролик - процессуал ҳуқуқ эса, суд органларининг ва бошқа суд процесси иштирокчиларининг, фуқароларнинг ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат.

2. Фуқаролик иш юритиш босқичлари ва турлари

Фуқаролик иш юритиш босқичлари. Фуқаролик процесси - процессуал ҳаракат ва процессуал муносабатлардан иборат.

Бинобарин, бир-бирига яқин процессуал мақсад билан бирлашган алоҳида процессуал ҳаракат ва муносабатлар процесснинг алоҳида босқичларини ташкил этади.

Масалан, суд мажлисигача бўлган тайёргарлик билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракат ва муносабатлар процесснинг алоҳида босқичини ташкил этади. Суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш ва уларни кассация тартибда кўриш билан боғлиқ барча ҳаракат ва Муносабатлар ҳам алоҳида босқични ташкил қилади.

Процесснинг ривожланиши ва бир-бири билан боғланиш йўли асосида бирлашган процесснинг алоҳида босқичлари фуқаролик процессининг тизимини ташкил қилади.

Фуқаролик процессида қуйидаги босқичлар мавжуд;

1. Фуқаролик ишини қўзғатиш (даъво иши қўзғатиш);
2. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш;
3. Биринчи инстанция судида иш кўриш;
4. Кассация тартибда иш кўриш;
5. Суд қарорларини ижро этиш;
6. Суднинг қонуний кучга кирган қарорларини назорат тартибда кўриш;
7. Қонуний кучга кирган суд қарорларини янги очилган ҳолатлар бўйича назорат тартибда кўриш;

Суд процессининг барча босқичлари ҳамма ишлар бўйича бўлмаслиги мумкин.

Биринчи икки босқич фуқаролик ишини қўзғатиш ва ишни судда кўришга тайёрлаш барча ишлар бўйича ўтиши мумкин. Масалан, ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида тарафларнинг ўзаро келишуви билан битим тузилиб, иш тугатилиши, айрим ҳолларда даъвони кўрмасдан қолдириб, иш юритиш тамомланиши, суд ҳал қилув қарори қабул қилиши билан, кассация шикояти ёки протест бўлмаса, процесс тамом бўлиши мумкин.

Бундай ҳолларда иккинчи инстанция судида иш юритиш талаб этилмайди. Фақатгина шикоят ёки протест келтирилган суднинг қарорини қайта кўриш учун кассация босқичи иш юритишни ташкил қилади.

Назорат тартибида иш юритиш фақат назорат тартибидаги протест мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

Суд процесси иштирокчиларининг ҳаракати фуқаролик-процессуал қонунларда назарда тутилган доирада ва шаклда амалга оширилади. Ҳар бир процессуал ҳаракат фуқаролик-процессуал ҳуқуқий муносабатни юзага келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи маълум бир юридик фактни ёки ҳуқуқий муносабат иштирокчиси томонидан ўзининг процессуал ҳуқуқини амалга ошириш ёки процессуал мажбуриятини бажаришдан иборат.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ эса процесс иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмунини белгилайди ва ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши ҳамда ривожланишининг маълум бир тартибини ўрнатади. Масалан, даъво қўзғатиш ёки ариза бериш юридик ҳаракат бўлиб, у юридик фактни белгилайди. Чунки у суд билан судга мурожаат қилган шахс ўртасида биринчи ҳуқуқий муносабатни юзага келтиради.

Агар суд аризани ёки даъвони қабул қилиб олса, суд билан даъво қўзғатган ёки ариза берган шахс ўртасида узвий боғланган ҳуқуқий муносабат юзага келиб, ҳар иккала томонда маълум бир ҳуқуқ ва мажбурият пайдо бўлади.

Иш қўзғатганда эса, судда ҳуқуқ ва мажбурият, яъни ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш мажбурияти тугилади. Бу ваколатни амалга оширишда яна бошқа ҳуқуқий муносабат, яъни ишни суд мажлисида моҳиятан кўриш, ҳал қилиш ва қарор чиқариш келиб чиқади. Мана шу бир ҳуқуқий муносабатга иккинчи ҳуқуқий муносабатнинг боғланиши ва ўтишининг маълум бир тартибда бўлиши олдиндан белгилаб қўйилган фуқаролик - процессуал ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқий муносабат тизимини вужудга келтиради. Бу фуқаролик процессини ташкил қилади.

Демак, фуқаролик процесси фуқаролик-процессуал ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган тартибни, фуқаролик-процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши ва ривожланиши, судда фуқаролик ишининг тез ва тўғри кўрилиши ва ҳал этилишини англатади.

Фуқаролик процесси босқичларга бўлиниб ривожланади. Босқич деганда бир-бирига яқин бир мақсад билан бирлашган бир қатор процессуал ҳуқуқий муносабатлар йиғиндисини тушунамиз.

Суд процессининг биринчи босқичи судда иш қўзғатиш бўлиб ҳисобланади. Судьянинг даъво аризани олгач иш қўзғатишга қаратилган ҳаракати ФПК нинг 5-моддасига биноан ва 15-606 қоидалари тартибида амалга оширилади.

Процесснинг иккинчи босқичи фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашдир (16-606). Бу босқичнинг вазифаси ишни бир

суд мажлисида ўз вақтида кўриш ва тўғри ҳал қилишни таъминлашдан иборат бўлиб, бу босқич ФПКнинг 158-161-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Фуқаролик процессининг учинчи босқичи. биринчи инстанция судида иш юритишдан иборат бўлиб, ФПКнинг 162-238-моддалар билан тартибга солинади.

Процесснинг тўртинчи босқичи суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлари устидан берилган шикоят ёки протестга асосан ишни кўриб чиқишдан иборат. Бу босқичда (ФПК нинг 37-60б 320-348-моддалари) юқори турган суд биринчи инстанция суди чиқарган қарор ва ажримнинг қонуний, адолатли ва асослилигини текширади.

Бешинчи босқич суд қарорларини ижро эттиришдир (IV - бўлим, 370-385-моддалар).

Олтинчи босқич қонуний кучга кирган суд ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг қонуний асосли ва адолатли эканлигини текширишдан иборат (ФПКнинг 39-60б, 349-361-моддалар).

Еттинчи босқичда - қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилади (40-60б, 362-369-моддалар).

Суд процессининг бу босқичи суднинг ҳал қилув қарори кучга киргандан кейин аниқланган айрим ҳолатлар, иш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлса ҳамда олдин судга маълум бўлмаган ва маълум бўлиши ҳам мумкин бўлмаган ҳолатларнинг аниқланиши муносабати билан вужудга келади.

Ҳар қандай ишлар ҳам кўрсатилган барча босқичлардан ўтиши шарт эмас. Одатда аксарият ишлар биринчи, иккинчи ва учинчи босқичларда тамом бўлади. Ҳал қилув қарорининг чиқарилиши ва эълон қилиниши билан, одатда, суд процесси тамом бўлади. Айрим вақтларда, суднинг ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти берилган ёки протест келтирилганда, тўртинчи босқич ҳам юзага келади. Олтинчи босқич суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини назорат тартибда кўриш суд фаолиятининг кўпгина қисмини эгаллайди. Чунки суд ҳал қилув қарорларини кассация муддатларида, текширишга унча эътибор берилмайди. Янгитдан очилган ҳолатлар бўйича ишни қайта кўриш босқичи жуда кам учрайди.

Судда фуқаролик иш юритиш турлари. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 январда амалга киритилган ФПК да судда иш юритишнинг қуйидаги турлари белгиланган (ФПК нинг 2-моддаси).

- 1) даъво тартибдаги ишлар бўйича иш юритиш;
- 2) органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича иш юритиш;
- 3) алоҳида тартибда юритиладиган ишларни кўриш бўйича иш юритиш;

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ ҳар хил моддий ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларни суд йўли билан ҳимоя қилишни тартибга солади. Моддий ҳуқуқларнинг мазмуни айрим ишларни кўришда алоҳида процессуал ўзига хосликнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Масалан, меҳнат, оила ва бошқа муносабатларни тартибга солувчи моддий ҳуқуқларнинг бузилиши бўйича иш юритишда уларнинг ҳар бири мазмунан алоҳида процессуал ўзига хосликни талаб қилади. Аммо бу процессуал алоҳида ўзига хослик иш юритишнинг алоҳида турини ташкил қилиш заруратини келтириб чиқармайди.

Ўзининг моддий - ҳуқуқий ўзига хослиги бўйича фуқаролик ишларининг кўрилиши ва бунинг учун суднинг алоҳида ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиши фуқаролик суд процессининг алоҳида турларга бўлинишини тақоза этади. Масалан, фуқаролик ҳуқуқи тўғрисида низолар, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида низолар, юридик фактни ёки шахснинг маълум бир мақомини белгилаш шулар жумласидандир. Бу ҳол фуқаролик ишларини кўриш тартиби сифатида фуқаролик иш юритишнинг турини белгилаш асосларини яратади.

Фуқаролик ишларини кўриш тартиби, уларнинг моддий - ҳуқуқий келиб чиқиши ва манфаатлари, мустақил ҳимоя воситалари, ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланади.

3. Суд қарорлари ва баённомалари

Суд қарорлари. Биринчи инстанция суди одил судловни амалга ошириш жараёнида ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ бўлган бир қанча процессуал ҳаракатларни бажаради.

Суднинг бу ҳаракатлари процессуал ҳуқуқ қоидалари бўйича амалга оширилади. Ҳар бир ҳаракат маълум бир ҳуқуқ нормаларини татбиқ қилиш бўйича суднинг эркини ифодалаш билан бирга унинг олдига қўйилган масалалар бўйича ёки суд жараёнида иштирок этувчи шахсларнинг ҳаракати билан боғлиқ талабларни моҳиятан бажаришдан иборат.

Масалан, иш қўзғатиш, иш кўришга киришиш, далилий ашёни талаб қилиб олиш ва ишга қўшиш, даъвони таъминлаш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Суднинг бу ҳаракатлари ёзма равишда процессуал ҳужжат сифатида расмийлаштирилади.

Суд кўрилаётган иш бўйича ёки ҳал этилаётган ҳар бир масала бўйича ўзининг хулосасини ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор шаклида ифода этади.

Суд ҳал қилув қарорлари, ажримлар, қарорларни фақат суд мажлисида текширилган далиллар билан асослайди.

Суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини қонун талаб қилади.

Биринчи инстанция судининг қарорлари ўз мазмунига кўра икки турга, яъни ҳал қилув қарори ва ажримларга бўлинади.

Биринчи инстанция судининг моддий-ҳуқуқ тўғрисидаги низоларни мазмунан-моҳиятан ҳал қиладиган қарори ҳал қилув қарори шаклида чиқарилади.

Суд процессида юзага келган бошқа масалалар бўйича жавобни ўз ичига олган суднинг қарори ажрим ҳисобланади.

Мазмунан ҳал қилинмаган масалалар бўйича суднинг алоҳида чиқарган қарорлари ҳам ажрим шаклида чиқарилади.

Суд ажрим ёрдамида фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш муносабати билан ва унга боғлиқ ҳолда вужудга келган алоҳида моддий ва процессуал масалаларни ҳал қилади.

Шунинг билан бирга, ажрим суд фаолияти жараёнида вужудга келган айрим муайян муносабатларга нисбатан суд томонидан процессуал ҳуқуқ нормалари татбиқ этилган шакли ҳисобланади.

Суд фуқаролик ишини кўраётганида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлигини аниқласа, хусусий ажрим (қарор) чиқариб, уни тегишли органлар ва мансабдор шахсларга юборadi.

Иш бўйича татбиқ этилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқлар асосида процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя этилган ҳолда қабул қилинган суднинг ҳал қилув қарори қонуний ҳисобланади.

ФПК нинг 313-моддасига асосан, татбиқ қилиниши лозим бўлган қонун қўлланилмасдан ёки татбиқ қилинмаслиги лозим бўлган қонун қўлланилиб, чиқарилган ҳар қандай қарор қонуний эмас, деб топилади.

Биринчи инстанция суди томонидан чиқариладиган ажримлар мазмун жиҳатидан хилмаҳил бўлади. Улар ишда иштирок этаётган шахсларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш бўйича ҳаракатларини расмийлаштиради, ҳар қандай илтимос ва талабларга бўлган жавобни ўзида акс этдиради.

Шунинг билан бирга, судьянинг аризани қабул қилишни рад этиши, (152-модда), иш юритишни тўхтатиб туриши (92-модда), аризани кўрмасдан қолдириши (97-модда), иш юритишни тугатиши (100-модда) ва бошқа ҳаракатларини расмийлаштиради.

Демак, суд иш юритишига процессуал таъсир кўрсатиш характери бўйича ажримларни уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчидан, фуқаролик ишларини кўриш жараёнида вужудга келган айрим процессуал масалалар ҳал қилинади ва суднинг ва

процесс иштирокчиларнинг ҳаракати процесс жараёнида ўзгартирилмасдан тегишлича расмийлаштирилади.

Бундай ажримлар жумласига даврони таъминлаш тўғрисида ажрим, далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ажрим, суд ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ва ҳоказолар тўғрисидаги ажримлар киради.

Иккинчи гурӯҳ ажримлар қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда, яъни аризани қабул қилишни рад қилиш тўғрисида, иш бўйича иш юритишни тўхтатиш тўғрисида, аризани кўрмай қолдириш тўғрисида, иш бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида чиқарилади.

Бу ажримлар ишни ҳаракат қилиши учун вақтинча ёки бутунлай йўлни тўсади. Масалан, иш бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим билан судда иш кўриш бекор бўлади.

Учинчи гурӯҳ ажримлар хусусий ажрим, деб аталади. Бундай ажримлар ёрдамида суд иш мазмуни бўйича масалаларни ҳал қилмайди, хусусий ажрим муайян иш бўйича низодан ташқари ҳолатларга тааллуқли ғайриқонуний ҳаракатлар тўғрисида чиқарилади.

Масалан, фуқаролик ишини кўриш жараёнида муайян давлат ташкилотларида, жамоат бирлашмаларида ёки алоҳида мансабдор шахслар ёки фуқаролар фаолиятида аниқланган ғайриқонуний ҳаракатлар бўйича суд хусусий ажрим чиқариши мумкин.

Хусусий ажрим фуқароларни ҳуқуқ-тартиботга риоя қилиш руҳида тарбиялашда катта роль ўйнайди.

Суднинг баённомалари. Суднинг ҳар бир мажлиси тўғрисида, шунингдек, суд мажлисидан ташқари қилинган ҳар бир алоҳида процессуал ҳаракат тўғрисида баённома тузилади.

Суд мажлисининг баённомаси процессуал ҳужжат ҳисобланиб, унда биринчи инстанция суд мажлисида вужудга келган барча ҳаракатлар акс этдирилади.

Суд ҳал қилув қарорининг қонунийлиги суд мажлисида текширилиб, аниқланган ҳақиқий ҳолатларга тўғри келиши суд мажлисининг баённомасига асосан текширилади.

Суд мажлисининг баённомасига асосан тарафларнинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, экспертнинг хулосалари ва бошқа масалалар бўйича тўпланган ҳамда мажлис жараёнида текширилган ҳолатлар мазмуни билан танишиш мумкин.

Баённома суд мажлисининг бутун жараёнини кўрсатувчи ва гувоҳлантирувчи процессуал ҳужжат ҳисобланади.

«Суд мажлисининг баённомасида, - дейилади ФПК нинг 21-моддасида, - ишни кўришнинг ёки алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг барча муҳим жиҳатлари акс этдирилиши лозим. Суд мажлисининг баённомасида, хусусан, қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) Суд мажлиси бўлиб ўтган йил, ой, кун ва жой;
- 2) Суд мажлиси бошланган ва тамомланган вақт;
- 3) Ишни кўраётган суднинг номи, суд таркиби ва суд мажлисининг котиби;
- 4) Ишнинг номи;
- 5) Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва одил судловга кўмаклашаётган шахсларнинг келган-келмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- 6) Суднинг тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирганлиги;
- 7) Ишда иштирок этадиган шахсларга ва одил судловга кўмаклашувчи шахсларга чақирув қоғози топширилганлиги тўғрисидаги ва улар суд мажлисига келмаганлигининг сабаблари ҳақидаги маълумотлар;
- 8) Раислик қилувчининг барча фармойишлари ва суднинг алоҳида хонага (маслаҳатхонага) чиқмасдан чиқарган ажримлари;
- 9) Ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари;
- 10) Судга тақдим этилган ҳамма ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг ёзма хулосалари тўғрисидаги маълумотлар;
- 11) Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг ўз хулосаларини оғзаки тушунтиришлари, мутахассисларнинг фикрлари, ашёвий ва ёзма далилларни кўздан кечиришга тааллуқли маълумотлар;
- 12) Суд музокараларининг мазмуни ва прокурорнинг фикри;
- 13) Суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори ўқиб эшитдирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар».

Баённома суд мажлисининг котиби томонидан суд мажлисининг ўзида тузилади. Алоҳида процессуал ҳаракатлар суддан ташқарида амалга оширилганда баённома мажлисдан ташқарида тузилиши мумкин.

Ишда иштирок этган шахслар ўзларининг иш учун аҳамиятли, деб ҳисоблаган фикрларини баённомага киритишни илтимос қилишга ҳақлидирлар.

«Тарафларнинг, учинчи шахсларнинг, - дейилади ФПК нинг 22-моддасида, - ўзлари қўйган талаблардан бутунлай ёки қисман воз кечганлиги, қўйилган талабларга иқдорлиги, ишни келишув битими билан тамомлаш тўғрисидаги аризалари баённомага киритилиб, тегишли бўлишига қараб, тарафларнинг бири ёки иккаласи томонидан имзоланади».

Баённома суд мажлиси тамом бўлганидан ёки алоҳида процессуал ҳаракат амалга оширилгандан кейин кечи билан уч кунда раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзоланиши керак. Қиритилган барча ўзгаришлар, тузатишлар, қўшимчалар ҳақида баённомада изоҳ берилиши лозим.

Баённома юзасидан ишда иштирок этаётган шахслар у имзоланган кундан эътиборан беш кун ичида йўл қўйилган хатолар ёки унинг тўлиқ эмаслиги ҳақида ёзма мулоҳаза беришга ҳақлидирлар. Билдирилган мулоҳазалар етти кун ичида судья томонидан кўриб чиқилиши керак.

4. Судья ва процесснинг бошқа иштирокчиларини рад этиш

Ишда иштирок этаётган шахсларнинг асосий ҳуқуқларидан бири, судда раислик қилувчига ва суд процессининг бошқа иштирокчиларига нисбатан рад этиш тўғрисида арз қилишдан иборат.

ФПК нинг 25-моддасида судьянинг ишни кўриши мумкин бўлмаган айрим ҳолларда у, албатта, рад қилиниши кераклиги белгилаб қўйилган.

Судьяни рад қилиш асослари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ишнинг пировард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлиши ёки унинг ҳолислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлганда судда раислик қилувчи судья рад этилиши шарт.

Иккинчидан, кўрилаётган фуқаролик иши илгари кўрилганда гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, вакил, прокурор ёки суд мажлисининг котиби сифатида қатнашган шахс ишда суд раислигини олиб бориши мумкин эмас. У албатта рад қилиниши керак.

Учинчидан, ишда иштирок этаётган тарафлардан бирининг ёки бошқа суд иштирокчиларининг қариндоши бўлган шахс ишни кўришда суд раиси бўлишга ҳақли эмас. Шу сабабдан у рад қилиниши лозим.

Судда раислик қилувчининг рад қилиниши учун кўрсатилган асослардан атиги биттаси мавжуд бўлган тақдирда суд иштирокчиларининг талаби билан масала суд таркиби томонидан ҳал қилинади.

Шунингдек, ишнинг пировард натижасидан шахсан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган, ишда иштирок этаётган тарафлардан бирининг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлган прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлисининг котиби, уларнинг ҳолислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда иш кўрилаётган суд мажлисида иштирок этишдан рад қилинишлари керак.

«Агар эксперт, мутахассис ва таржимон, - дейилади ФПКнинг 26-моддасида, - ишда иштирок этувчи тарафларга ёки бошқа шахсларга хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда қарам бўлса, эксперт ва мутахассис эса, шунингдек тафтиш ўтказган ёки хулоса ҳам берган бўлиб, уларнинг материаллари мазкур фуқаролик ишини қўзғатишга асос бўлиб хизмат қилган бўлса, уларни рад қилиш тўғрисида арз қилиниши мумкин».

Бундан ташқари, ФПКнинг 25-моддаси талаби бўйича: а) фуқаролик ишини биринчи инстанция судида кўришда қатнашган судьянинг чиқарган ҳал қилув қарори кассация инстанциясида ёки назорат тартибида бекор қилинган тақдирда, бу судья ишни такрор кўришда қатнашиши мумкин эмас;

б) фуқаролик ишини биринчи инстанция судида кўришда қатнашган судья шу ишни кассация инстанцияси судида ёки назорат тартибида кўришда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади;

в) худди шу каби ишни кассация инстанциясида кўришда қатнашган судья ишни биринчи инстанция судида ёки назорат тартибида кўришда қатнашиши мумкин эмас. Назорат тартибида кўрилган ишда иштирок этган судья, шу ишни биринчи инстанция судида ёки кассация инстанцияси судида кўриш жараёнида иштирок этишга ҳақли эмас.

Демак, судья бир фуқаролик иши бўйича фақат бир марта қатнашиш ҳуқуқига эга. Кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда судья, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлисининг котиби бу ҳақда судга арз қилиши, яъни ўзини ўзи рад қилиши шарт. Бундай асослар аниқланган ҳолларда ишда иштирок этаётган бошқа шахслар ҳам рад қилиш ҳақида арз қилишлари мумкин.

Рад қилиш ҳақидаги арз, албатта, асосланган бўлиши ва ишни мазмунан кўриш бошлангунгача маълум қилиниши лозим. Суднинг бошланишида асослар маълум бўлмасдан кейинчалик суд мажлиси жараёнида маълум бўлиб қолган ҳолларда, рад қилиш ҳақида кечикиб арз қилишга йўл қўйилади.

Рад этиш тўғрисида қилинган арз бўйича суд ишда иштирок этаётган шахсларнинг фикрларини эшитиб, рад қилиниши талаб этилган судьянинг иштирокисиз қолган судьялар томонидан ҳал қилинади.

Суднинг бутун таркибини ёки судьяларнинг иккисини рад қилиш талаб қилинганда масала шу суднинг тўлиқ таркибида оддий кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

«Ишни якка тартибда кўрадиган судьяни рад қилиш масаласи, - дейилади ФПК нинг 29-моддасида, - суд раиси томонидан, суд таркиби бир кишидан иборат бўлса, шу судьянинг ўзи томонидан ҳал этилади.

Прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлисининг котибини рад қилиш масаласини ишни кўриб чиқаётган суд ҳал қилади».

Рад қилиш масаласи судья (суд) томонидан маслаҳатхонада кўрилиб, талабни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик ҳақида ажрим чиқариш орқали амалга оширилади.

Судья рад қилинган ҳолларда кўрилаётган фуқаролик иши шу туман (шаҳар) судида, лекин бошқа судья томонидан кўрилади ёки иш кўриш учун бошқа туман (шаҳар) судига ўтказилади.

Иш Ўзбекистон Республикаси Олий судида, Қорақалпоғистон Республикаси Олий судида, вилоят ва Тошкент шаҳар судида кўрилаётганда судьялар ёки суднинг бутун таркиби рад қилинган ҳолда, иш шу суднинг бошқа таркибида кўрилади.

Агар Қорақалпоғистон Республикаси Олий судида, вилоят суди ёки Тошкент шаҳар судида, ФПК нинг 25-моддасида назарда тутилган асосларда рад қилиш тўғрисидаги арз қаноатлантирилган ҳолда, ишни кўриш учун суднинг янги таркибини ташкил қилишга имкон бўлмаса, иш Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилиши лозим. Бундай ҳолда иш Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўрилади ёки Олий суд раиси ёхуд раис ўринбосарларининг фармойишига биноан бошқа тегишли судга кўриш учун юборилиши мумкин.

5. Фуқаролик ишларининг судга тааллуқлилиги

Судга тааллуқлилик тушунчаси ва турлари. Ҳуқуқ тўғрисидаги низолар ҳамда бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар давлат тизимининг турли органлари томонидан кўрилиб, ҳал қилиниши қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган.

Қонун ҳужжатларига кўра, маълум бир тоифадаги ишлар бу органларнинг ҳар бирининг ваколатига қараб ҳал қилишга берилади.

Ҳуқуқ тўғрисидаги ва ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар суд органлари, хўжалик суди, давлат ва жамоат ташкилотлари, бошқарув ва назорат органлари томонидан кўрилиб, ҳал қилинади.

Ҳар бир орган ёки ташкилот фақат ўзининг ваколати доирасида унга кўриш учун берилган масалаларнигина ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Шу жумладан, суд ҳам қонунга биноан унинг иш юритишига берилган фуқаролик ишларинигина кўришга ҳақлидир.

Судлар ваколатига берилган ишларнинг тоифалари фуқаролик ишларининг судга тааллуқлигини ташкил этади. ФПКнинг 31-моддасида фуқаролик ишларини судлар тааллуқлилиги қуйидагича белгиланган:

Биринчидан, тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир фуқаролик ишлари агар қонунда бундай низоларни ҳал қилиш хўжалик суди ёки бошқа органларга топширилган бўлмаса;

Иккинчидан, ФПК нинг 279-моддасида назарда тутилган алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган фуқаролик ишлари;

Учинчидан, қонун билан судларнинг ваколатига берилган бошқа тоифадаги фуқаролик, оилавий, меҳнат, уй-жой муносабатларидан келиб чиққан ишлар.

Судга тааллуқлилиқ мутлақ, шартли, аралаш ва альтернатив, яъни муқобил турда бўлиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида фуқаролик, оилавий, ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар бўйича аксарият фуқаролик ишлари фақатгина суд томонидан кўрилиб, ҳал қилинади. Бундай судловга тааллуқлилиқ мутлақ ҳисобланади.

Низоларни тарафлар томонидан судгача ўзаро келишув йўли билан ҳал қилишнинг қонун ҳужжатлари бўйича белгиланган тартиби судга тааллуқлилиқнинг шартли тури дейилади.

Айрим ҳуқуқий низоларнинг судгача бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кўриб чиқилиши ва ундан кейин суднинг кўриш тартиби фуқаролик ишлари судга тааллуқлигининг аралаш турига киради.

Агар ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низони суд ёки бошқа орган томонидан кўриб чиқиши тарафларнинг келишуви ёки даъвогарнинг хоҳишига боғлиқ қилиб қўйилса, судга тааллуқлилиқнинг альтернатив тури бўлади.

6. Судда вакиллик

Судда иштирок этаётган вакил фуқаролик - процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил субъекти бўлиб ҳисобланади.

Судда иштирок этаётган вакилнинг процессуал ҳолати шундайки, у бир томондан, процессуал ҳуқуқ муносабатларига кириш билан қонунда белгиланган ўзининг мустақил процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади ва иккинчи томондан, у ўзининг эмас, балки, учинчи шахснинг ҳуқуқи ва манфатларини ҳимоя қилиш учун ишда ишдирок этади. Ҳар бир фуқаро суд процессида шахсан ўзи ёки вакил орқали иштирок этиши мумкин. Шу билан бирга фуқаронинг ишда шахсан, иштирок этиши уни шу иш бўйича вакил тайинлаш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Суд иш юритишидаги вакиллик қонуний ва шартнома бўйича амалга оширилиши мумкин.

«Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, - дейилади ФПК нинг 51-моддасида, - судда уларнинг қонуний вакиллари (ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар, васийлар ёки ҳомийлар) ҳимоя қиладилар».

Суднинг ҳал қилув қарори билан бедарак йўқолган, деб топилган фуқаро иштирок этиши лозим бўлган иш бўйича унинг вакили сифатида мазкур фуқаронинг мол-мулкни қўриқлаш ва бошқариш ҳамда шахсий ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун тайинланган шахс қатнашади.

Вафот этган ёки суднинг ҳал қилув қарори билан ўлган, деб эълон қилинган шахснинг меросхўри қатнашиши лозим бўлган иш бўйича, агар меросни ҳали ҳеч ким қабул қилиб олмаган бўлса, меросхўрнинг вакили сифатида восий ёхуд мерос мол-мулкни сақлаш ва бошқариш учун тайинланган шахс қатнашади.

Қонуний вакил судда иш олиб боришни вакил сифатида ўзи танлаган бошқа ҳар қандай шахсга топшириш ҳуқуқига эга.

Юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини уларнинг Низом ва уставларида назарда тутилган раҳбарлари ҳимоя қиладилар.

Шартнома бўйича вакилликка биноан ишонч билдирувчи ўзининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни вакилга топширади.

Шартнома бўйича қуйидагилар вакил бўлишлари мумкин:
а) адвокатлар; б) тарафлар, учинчи шахслар томонидан танланган шахслар; в) биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирок этувчиларнинг топшириғи бўйича;

Адвокатлар суд процессида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил бўлиб иштирок этишлари мумкин.

Корхона, муассаса ва ташкилотларда хизмат қилувчи юристлар шу корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича суд процессида вакил бўлиб иштирок этадилар.

ФПКнинг 55-моддасида кўрсатилганидек қуйидагилар, судда вакиллик қилиши мумкин эмас:

1) вояга етмаган шахслар;

2) васийлик ёки ҳомийлик остидаги шахслар;

3) судьялар, прокурорлар, терговчилар, суриштирувчилар, агар улар қонуний вакил сифатида ёки тегишли органларнинг вакили сифатида қатнашган бўлмасалар;

Вакилнинг ваколоти, албатта, қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ва ишончномада ифода этилган бўлиши лозим.

Фуқароларнинг берган ишончномалари, нотариус ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахслар томонидан гувоҳлантирилган бўлиши керак.

Ишонч билдираётган фуқаролар вакилларининг ваколатлари уларнинг оғзаки аризаси бўйича суд мажлиси баённомасига киритиш йўли билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

Давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахслар вакиллари тегишли орган раҳбари ёки мансабдор шахснинг имзоси билан берилган ишончнома бўйича иш юритишлари мумкин. Ташкилот номидан бериладиган ишончнома унинг раҳбари томонидан имзоланиб, ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари судда ўз хизмат лавозимлари ёки ваколатларини тасдиқлайдиган шахсий ҳужжатлар билан иштирок этадилар.

«Судда иш юритиш ваколатлари, - дейилади ФПКнинг 54-моддасида, - вакилга ҳамма процессуал ҳаракатларни ваколат берувчи номидан амалга ошириш ҳуқуқини беради».

Арз қилинган талаблардан бутунлай ёки қисман воз кечиш, даъвонинг асосини ёки нарсасини (предметини) ўзгартириш, миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, даъвогарнинг талабларини тан олиш, келишув битими тузиш, ваколатларни бошқа шахсга ишониб топшириш, суднинг ҳал қилув қарори (ажрими) устидан шикоят бериш, ижро варақасини ундирувчига қайтариш, даъво қўзғатувчига тегишли, деб қарор чиқарилган мол-мулк ёки маблағни олиш билан боғлиқ масалаларнинг ҳар бири ҳақида шартнома ва Устав бўйича вакиллик қилувчига ваколат берувчи томонидан ишончномада махсус кўрсатилган тақдирдагина мумкин (ФПК 54-моддаси).

6. Суд процессида иштирок этувчи шахслар

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 33-моддасида - «тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар, деб тан олинади».

Ишда иштирок этувчи шахслар билан суд процессида иштирок этувчи шахсларни бир-бири билан аралаштириб юбормаслик керак.

Суд процессида иштирок этувчи шахсларга юқорида кўрсатилган ишда иштирок этувчи шахслардан ташқари, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ҳам киради.

ФПКнинг 35-моддасига асосан, - «гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар ва ҳолислар ижро ишларини юритишда мол-мулкни сақловчилар одил судловни амалга оширишига кўмаклашувчи шахслар ҳисобланади».

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддасига асосан прокурор суд процессида бошқа иштирокчилар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланар экан, суднинг мустақиллиги ва улар фақатгина қонунга бўйсуниб принципига қатъий риоя этиши, ўз фаолияти билан одил судловни амалга оширишга кўмаклашиши шарт.

Қонунга асосан прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат қилиш, бошқалар ташаббуси билан қўзғатилган ишни кўришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Прокурор қонунда назарда тутилган ёки суд зарур деб топган, судда шунингдек ўзининг аризаси билан қўзғатилган ишлар кўрилганда иштирок этишга мажбур. Бу вазифани бажариш учун прокурор ФПК нинг 34 - ва 47-моддаларида белгиланган ишда иштирок этувчилар ҳуқуқларидан тўла фойдаланади ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Прокурор ўзининг судга берган аризасидан бутунлай ёки қисман воз кечишга, судда кўриладиган ҳар бир ишнинг мазмуни юзасидан, иш кўриш жараёнида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ёзма ёки оғзаки ҳулоса бериш, суд қарор ва ажримлари устидан протест келтириш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ субъектлари сифатида тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, албатта, фуқаролик-процессуал ҳуқуқий муносабатда бўлиш учун фуқаролик-процессуал ҳуқуқ лаёқатига ва процессуал муомала лаёқатига эга бўлишлари керак.

Фуқаролик ишларида тараф ёки учинчи шахс сифатида иштирок этаётган ташкилот, юридик шахс бўлиши ёки юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланаётган бўлиши, юридик шахсларнинг бўлим ва бўлинмаси сифатида судда мустақил иштирок этиш ваколатини олган тақдирда фуқаролик-процессуал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади.

Судда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини фуқаролар тўла муомала лаёқатига эга бўлган тақдирда амалга оширадилар

«Вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, - дейилади ФПКнинг 38-моддасида, - шунингдек муомала лаёқати чекланган, деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади. Аммо бу ҳол вояга етмаганларни ва муомала лаёқати

чекланган деб топилган фуқароларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди».

Ўн олти ёшга тўлган, вояга етмаган шахслар ФКнинг 22- ёки 28-моддаси тартибида муомалага тўла лаёқатли топилган тақдирда ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини судда шахсан амалга оширишлари мумкин.

ФКнинг 994-моддасига асосан ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун уларнинг ўзлари умумий асосларда мустақил жавобгар бўладилар.

Суд процессида тарафлар. ФПКнинг 39-моддасига асосан, - «даъвогар ва жавобгар фуқаролик процессининг тарафларидир.

Даъвогар - ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган, ёинки манфаатини кўзлаб иш кўзгаган шахсдир.

«Жавобгар, - дейилади шу моддада, - суд томонидан даъвогарнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари юзасидан жавоб бериш учун жалб қилинган шахс»дир.

Даъво аризани қабул қилиб олиш пайтида, ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш жараёнида ва айниқса, судда ишни кўриш давомида, биринчидан, даъвогарнинг ҳақиқийлиги, иккинчидан, даъво аризада қўйилган талаб ҳуқуқий нормага мос келиши аниқланиши лозим. Шу масалаларни тўғри ҳал қилмаслик нотўғри суд қарори чиқарилишига сабаб бўлиши мумкин.

Демак, суд томонидан тартибга солиниши лозим бўлган моддий - ҳуқуқий низо бўйича суд процесси кимнинг номидан олиб бориладиган бўлса, шу шахс фуқаролик процессида тараф бўлиб саналади.

Даъвогар ва жавобгар фуқаролар, шунингдек давлат ташкилотлари, муассаса ва корхоналари, юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланадиган бошқа ташкилотлар фуқаролик процессида тараф бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир даъво ишини юритишда, одатда, икки тараф, яъни даъвогар ва жавобгар мавжуд бўлиши керак.

Суд процессида тарафлар маълум бир ҳуқуқларга ва маълум мажбуриятларга эгадир.

ФПКнинг 40-моддасига асосан, - «тарафлар процессуал ҳуқуқлардан тенг фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар.

Даъвогар ўз аризасида баён қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини оширишга ёки камайтиришга, улардан бутунлай ёки қисман воз кечишга ҳақли.

Жавобгар, даъвогарнинг талабини тўлиқ ёки қисман тан олишга ҳақли».

Фуқаролик ишини манфаатдор шахснинг ўзи қўзғатиши мумкин. Шу билан бирга, иш прокуратура ёки бошқа давлат бошқарув органи, жамоат ташкилоти ташаббуси билан ҳам қўзғатилиши мумкин.

Даъво ишида тарафлар процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни яқунлашга ҳақлидирлар.

Агар даъвогарнинг даъводан воз кечиши жавобгарнинг даъвони тан олиши ва тарафларнинг келишув битими қонунга хилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган бўлса, суд даъводан воз кечишни ҳам, даъвони тан олишни ҳам қабул қилмасдан, келишув битимини тасдиқламаслиги мумкин.

Тарафларнинг процессуал ҳуқуқлари хилма-хилдир. Аввало шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, тарафларнинг ҳимоя қилишни амалга оширишда процессуал воситалардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқлари жуда кенг.

Тарафлар суд қарорининг асосли ва қонунийлигини текширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Улар суд қарорлари устидан кассация тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига, шунингдек назорат тартибида қайтадан қўришни талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тарафларнинг процессуал мажбуриятида уларнинг ишга виждонан ёндошиши алоҳида аҳамиятга молик. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги керак.

Маълумки, даъвони қўзғатишга асосий сабаб, қўпчилик вақтда жавобгарнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ҳисобланади. Масалан қарзни ўз вақтида тўламаслик, зарар етказиш ва ҳоказо.

Шунинг билан бирга айрим ҳолларда жавобгарнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида эмас, балки бошқа шахснинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида даъволашилаётган моддий ҳуқуқ муносабатнинг субъекти бўлиб қолиши мумкин.

Масалан, вояга етмаган меросхўрга нисбатан васиятномани ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида қўзғатилган даъво ёки ортиқча хавф манбаи бўлган шахсларнинг жавобгарлиги ва ҳоказо.

Демак, низолашилаётган моддий-ҳуқуқий муносабат - бу муайян фуқаролик иши бўйича процесснинг объекти бўлиб, тарафлар унинг субъекти ҳисобланадилар.

Шунинг учун, бу ҳуқуқий муносабатнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, унинг мазмуни, ҳуқуқнинг бузилганлиги ва даъвогарнинг ҳуқуқи қанчалик бузилган, бунинг учун жавобгар жавоб

бериши керакми - бу масаларнинг ҳаммаси иш мазмунан суд томонидан кўрилганда ҳал қилинади.

Иш бўйича тараф, яъни ҳуқуқий муносабатнинг субъекти бўлишнинг қуйидаги белгилари, фуқаролик ишини қўзғатиш чоғидаёқ маълум бўлади:

1) Иш бўйича суд процесси тарафлар номидан олиб борилади. Бунинг амалий аҳамияти шундаки, қонун бўйича айтиб берилган тарафлар ўртасида, бир асослар бўйича ва айтиб берилган нарса тўғрисида бўлган низо кўрилиб - ҳал қилинган ишларнинг кўрилмаслиги белгиланган.

2) Даъво қўзғатиш оқибатида тарафлар ўртасида муносабат расман низоли ҳаракатга айланади.

3) Низоли моддий ҳуқуқий муносабат субъектлари бўлган тарафлар ишда моддий - ҳуқуқий манфаатга эга бўлади.

Суд қарори уларнинг моддий ҳуқуқларига ўз таъсирини ўтказиши - улар қандайдир бир моддий* бойлик орттиради ёки уни йўқотади.

4) Суд билан процессуал ҳуқуқий муносабатга кириб, тарафлар ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя этиш имкониятидан, ўзига фойдали қарорни олиш ҳаракатидан ва уни амалга оширишдан иборат ишда процессуал манфаатга эга бўлади.

5) Суд процессининг асосий бош иштирокчилари бўлган, тарафлар суд ҳаракатларини ўз зиммаларига олишлари керак.

Кўрсатилган белгилар мужассамланган ҳолда фақат тарафларга хос бўлиб, улар ва фақат улар тарафларни ишдаги бошқа иштирокчилардан фарқ қилишга имкон беради.

Тараф деган тушунча фақат даъво ишлари юритишда қўлланилади. Алоҳида тартибда иш юритишда, маъмурий ҳуқуқбузарликдан келиб чиқадиган ишлар бўйича иш юритишда процесс иштирокчилари ариза, шикоят берувчи ва манфаатдор шахслар ҳисобланадилар. Қонун билан белгиланган айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, бу шахслар ҳам тарафлар ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Қонун ёки суд томонидан белгиланган муддатларда процессуал ҳаракатларни бажариш, иш бўйича ҳаракатларни ўз вақтида тўлаш, қонун бўйича белгиланган шаклда ҳужжатларни тақдим этиш каби процессуал тартибга бўйсунуш тарафлар мажбурияти ҳисобланади.

Махсус процессуал мажбурият алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш заруратидан келиб чиқиб, тарафлар зиммасига юклатилади. Масалан, нафақа ундириш тўғрисидаги ишлар кўрилатганда жавобгар шахс иштирокининг мажбурийлиги (ФПКнинг 261-моддаси).

Судга бир неча даъвогар томонидан биргаликда, шунинг билан бирга бир неча жавобгарга нисбатан ҳам талаб қўйилган бўлиши

мумкин. Бундай вақтларда даъвогарлар ва жавобгарлардан ҳар бири бошқа тарафга нисбатан процесда мустақил равишда иштирок этади.

ФПКнинг 41-моддасига асосан, - «процесда биргаликда иштирок этишга даъво ишларида давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ҳамда аризалар бўйича ишларда ва алоҳида тартибда кўриладиган ишларда йўл қўйилади».

Процесда биргаликда иштирок этувчилар ишни олиб боришни шерик иштирокчилардан бирига топширишлари ҳам мумкин.

Ўзининг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини суд тартибда ҳимоя қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи ҳар бир шахсга (Конституция, 44-модда), шунингдек Республика ҳудудида яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам, (Конституция, 23-модда), фуқаролик-процессуал ҳуқуқи ва муомала лаёқатига эга бўлган ҳар қандай ташкилотларга ҳам берилган.

Шундай қилиб, ҳуқуқ лаёқати бўлган ҳар қандай шахс тарафларнинг процессуал ҳолатини эгаллаши мумкин. Аммо, ҳар бир муайян ишда иштирок этиш учун шу ишда моддий ҳуқуқий манфаати бўлиши шарт. Бу ишга дахлдор тараф бўлади. Даъво қўзғатадиган шахс, албатта, аввало ўзининг ишга дахлдорлигини ва жавобгарнинг ҳам ишга дахлдорлигини исботловчи далилларни тақдим қилиши керак.

Масалан, қонун бўйича мулкнинг эгаси бўлган фуқаро томонидан даъво қўзғатилмасдан, унинг ўғли томонидан қўзғатилса, у ишга дахлдор бўлмаган даъвогар ҳисобланади ёки автофалокат оқибатида етказилган зарарни ундириш учун даъвогар талабни хавф манбаи эгасига нисбатан эмас, балки бевосита зарарни етказган шахсга нисбатан қўзғатса, у ишга дахлдор бўлмаган жавобгар ҳисобланади.

Суд ишни текшириш вақтида даъвонинг талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан қўзғатилганлигини ёки жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан қўзғатилганлигини аниқласа, ишни бекор қилмасдан, даъвогарнинг розилиги билан дастлабки даъвогарни ёки тегишли жавобгарни ишга дахлдор даъвогар ёки жавобгар билан алмаштириши мумкин.

«Агар даъвогар, - дейилади ФПКнинг 42-моддасида, - ўзининг бошқа шахс билан алмаштирилишига рози бўлмаса, бу шахс низо предмети юзасидан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга киришишга ҳақли.

Агар даъвогар жавобгарнинг бошқа шахс билан алмаштирилишига рози бўлмаса, суд бу шахсни иккинчи жавобгар сифатида ишга жалб қилишга ҳақли».

Ишга дахлдор бўлмаган даъвогар ёки жавобгарни алмаштириш, мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсни ишга киритиш ёки иккинчи жавобгарни жалб қилиш суднинг ажрими билан амалга оширилади ва бундай ҳолларда ишни кўриш янгитдан бошланади.

Айрим ҳолларда суд мажлиси жараёнида муайян бир иш бўйича ишда иштирок этаётган тарафни алмаштириш зарурати туғилиши мумкин, яъни тараф бўлиб ишда иштирок этаётган шахс вафот этиб, ўзининг мулкини қонун бўйича ёки васият бўйича меросхўрларга қолдириши мумкин. Бундай вақтда ҳуқуқий ворислик процесснинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин.

ФПКнинг 43-моддасига асосан, низоли ёки суднинг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан тарафларнинг бири, учинчи шахс ёки уларнинг қонуний вакили чиқиб кетган тақдирда (фуқаронинг ўлими, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш, «қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши ва ҳоказо) суд бу шахслар уларнинг ҳуқуқий ворислари билан алмаштирилишига йўл қўяди. Ҳуқуқий ворислик процесснинг ҳарқандай босқичида амалга оширилиши мумкин. Ҳуқуқий вориснинг процессга киришганлиги ҳақида суд ажрим чиқаради».

Ҳуқуқий ворис процессга киришгунига қадар амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳуқуқий ворисга ўрнини бўшатиб берган шахсга қай даражада мажбурий бўлган бўлса, ҳуқуқий ворисга ҳам шу даражада мажбурий бўлади. Процессуал ҳуқуқий ворислик амалга оширилганда ўз ҳуқуқини топширган шахс суд процессининг қайси босқичидан чиқиб кетган бўлса, ишни кўриб чиқиш шу босқичдан давом эттирилади, лекин ҳуқуқий ворис ишга доир ҳамма материаллар билан танишишга ҳақли.

Шундай қилиб, ҳуқуқий ворислик процесда шахслар алмаштирилишининг алоҳида бир ҳолати бўлиб, у дахлдор бўлмаган тарафларни алмаштиришдан фарқ қилади. Биринчидан, ҳуқуқий ворислик суд процессининг ҳар қандай босқичи, шу жумладан ижро қилиш босқичида ҳам бўлиши мумкин, ваҳоланки ишга дахлдор бўлмаган тараф фақат биринчи инстанция судида бўлиши мумкин; иккинчидан, ишда дахлдор бўлмаган тарафларни алмаштиришда, суд процессида иш кўриш қайтадан бошланади, ҳуқуқий ворисликда эса, ўз ҳуқуқини топширган шахс суд процессининг қайси босқичидан чиқиб кетган бўлса, ишни кўриш шу босқичдан давом этдирилади; учинчидан, ҳуқуқий ворисликда, ўз ҳуқуқини топшираётган шахснинг барча процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари ворисга ўтади, ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштиришда эса, у дахлдор тарафга ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбурият бера олмайди, чунки, ўзи низоли моддий ҳуқуқий муносабатнинг субъекти бўла олмагани сабабли ишдан четлаштирилган; тўртинчидан, ҳуқуқий ворислик бўйича ишга

киришган тараф ўз ҳуқуқини топширган шахс билан бирга ишга қатнаша олмайди, ваҳоланки ишда дахлдор бўлмаган тараф алмаштирилганда, унинг ишдан чиқиб кетишига розилик билдирилмаса, дахлдор тараф билан бирга ишда қатнашади.

«Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар, - дейилади ФПКнинг 44-моддасида, - суд ҳал қилув қарорини чиқаргунига қадар ишга киришишлари мумкин. Улар даъвогарнинг ҳамма ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва унинг ҳамма мажбуриятларини ўз зиммаларига оладилар».

Алоҳида ҳолларда суд процессида низолашилаётган моддий ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари бир неча бўлиб қолиши мумкин. Бундай вақтда даъвогар томонидан ёки жавобгар томонидан бир неча шахс ишга киришиши мумкин.

Масалан, икки шахснинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида бир шахснинг соғлигига ёки мулкига зарар етказилса, етказилган зарарни ундириш учун даъво иши ҳар икки зарар етказган шахсларга нисбатан қўзғатилиши мумкин.

Қонун бўйича бир неча шахс томонидан даъво иши қўзғатилиши, шунингдек бир неча шахсга нисбатан даъво иши қўзғатилишига йўл қўйилади. Бир неча даъвогар томонидан биргаликда ёки бир неча жавобгарга нисбатан даъво қўзғатилиши мумкин. Даъвогар ва жавобгарлардан ҳар бири бошқа тарафга нисбатан процессда мустақил равишда иштирок этади.

Маълумки, ишда тарафлар билан бир қаторда учинчи шахслар ҳам иштирок этишлари мумкин. Процессда иштирок этувчи учинчи шахс тарафларга тегишли бўлган процессуал ҳолатдан фойдаланмаса ҳам, суднинг иш бўйича чиқарган ҳал қилув қарори, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилиши мумкин. Учинчи шахснинг ўзи моддий ҳуқуқ муносабатлари бўйича низолашишни бошламайди, у судда даъво ишини қўзғатмайди, аммо у даъвогар билан жавобгар ўртасида муносабатни тартибга солишдан маълум даражада моддий манфаатдор бўлади. Бундай учинчи шахс иш бўйича суд қарори чиқарилгунга қадар киришиши мумкин.

ФПКнинг 45-моддасига асосан, - «низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, агар иш бўйича чиқариладиган ҳал қилув қарори уларнинг тарафлардан бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этадиган бўлса, суд ҳал қилув қарори чиқаргунига қадар даъвогар ёки жавобгар томонидан ишга киришишлари мумкин. Шунингдек улар тарафларнинг, прокурорнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномаси бўйича ёки суднинг ташаббуси билан ишда иштирок этишга жалб қилинишлари мумкин».

Мустақил талаблар билан ишга кирмайдиган бундай учинчи шахслар тарафларнинг процессуал ҳуқуқларидан тўла фойдаланадилар ва процессуал мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар. Аммо даввонинг асосини ёки предметини ўзгартириш, миқдорини камайтириш ёки кўпайтириш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Теварак атрофдагиларга ошиқча хавф тугдирадиган фаолият туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик (ФКнинг 999-модда) масаласининг кўрилиши мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахсларга мисол бўлади.

Зарарни тўлаш мажбурияти ошиқча хавф манбаига мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи ёхуд бошқа ҳар қандай қонуний асосларда эгалик қилувчи юридик шахс ёки фуқарога юкланади.

Шу сабабдан автофалокат оқибатида зарар кўрган шахснинг давво аризасига асосан қўзғатилган иш бўйича асосий жавобгар сифатида автомашинанинг эгаси иштирок этаётган бўлса, ҳалокатни содир қилиб, моддий зарарни бевосита етказган шахс, яъни автомашинанинг ҳайдовчиси, ишга учинчи шахс сифатида жавобгар томонида иштирок этишга жалб қилинади.

Иккинчи бир мисол. вояга етмаган болалар таъминоти учун алимент ундириш ишлари бўйича биринчи никоҳдан бўлган боласи учун алимент тўлаб юрган шахсга нисбатан янгидан қўзғатилган алимент ундириш ишида боласи учун алимент олиб юрган шахсни ишда учинчи шахс сифатида иштирок этишга жалб қилиш лозим.

Чунки, иккинчи хотиндан бўлган болаларга алимент ундириш оқибатида, алимент олиб турган биринчи хотиннинг манфаатига путур етказилади, олиб турган нафақа миқдори камаяди.

Давлат бошқарув органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Давлат бошқарув органларининг фуқаролик процессида иштирок этиши ҳуқуқий тартиботни ва қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг, шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳуқуқ ва манфаатларини қўриқлашга кўмаклашади, фуқароларни қонунга итоат қилиш руҳида тарбиялайди.

«Давлат бошқарув органлари, - дейилади ФПКнинг 48-моддасида, - ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш, фуқаролар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш юзасидан хулосалар бериш учун суд томонидан процессда иштирок этишга жалб қилинишлари ёки ўз ташаббуслари билан процессга киришишлари мумкин».

Қонунда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг икки шакли ифода этилган. Биринчидан, даъво қўзғатиш йўли билан ва иккинчидан, ўз ташаббуси билан ёки суднинг ташаббуси билан ишда иштирок этиб, хулоса бериш орқали амалга оширилади.

8. Далиллар

Далиллар ҳақида умумий тушунча. Суд мажлиси жараёнида ҳақиқий ҳолатни аниқлаш учун суд томонидан қонуннинг татбиқ этилиши одил судловни амалга оширишдан иборат.

Ҳуқуқни татбиқ қилишдан олдин судда аниқланган ҳолатнинг ҳақиқийлигини билиш лозим бўлади.

Демак, суднинг асосий вазифаси бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларни аниқлашдан иборат.

Судья ёки суд таркиби, албатта, воқеа ва ҳодисани бевосита ўзи кўриб, ишонч ҳосил қилиши мумкин эмас. У ҳамма вақт далиллар орқали ҳодиса ҳамда воқеаларни аниқлайди.

«Тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини, - дейилади ФПКнинг 56-моддасида, - суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумот ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар фуқаролик иши бўйича далил ҳисобланади».

Ҳақиқий ҳолат, воқеа ва ҳодиса маълум бир воситалар билан аниқланади ва қонунда белгиланган маълум бир тартибда ва шаклда татбиқ қилиниши мумкин.

Фуқаролик - процессуал шаклда фойдаланиладиган далиллар фақатгина ФПКда назарда тутилган манбалардан олинган ва тегишли тартибда тўпланган, текширилган ва баҳолангандагина далил бўлиб ҳисобланади.

Воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар тарафларнинг, учинчи шахсларнинг ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари ва бошқа воситалар ёрдамида аниқланиши мумкин.

Аmmo ҳар қандай гувоҳлик ёки тушунтиришлар ҳам агар у судда берилмаган бўлса, далил бўла олмайди. Суд жараёнида гувоҳлик махсус қонунда белгиланган процессуал шаклда олинади.

Муаллифи кўрсатилмаган хатлар, манбаи номаълум бўлган ёки гайриқонуний тарзда олинган бошқа маълумотлар далил бўла олмайди.

Суд жараёнида ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатилган ҳолатларни қонун билан белгиланган исботлаш воситалари орқали исботлаши керак. Бунинг учун тарафлар ва ишда иштирок этаётган бошқа шахслар томонидан далиллар тақдим этилиши, лозим топилганда суд уларга қўшимча далиллар тақдим қилишни ҳам таклиф этиши мумкин.

Суд фақат иш учун аҳамиятга молик далилларнигина кўришга қабул қилади ва суд жараёнида текшириб чиқади. Ишга алоқадор бўлмаган далилларни суд қабул қилмаслиги керак. Шунинг билан бирга ҳар бир ҳолат муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши мумкин бўлганда, уни бошқа ҳеч қандай исботлаш воситаси билан тасдиқлаш мумкин эмаслигини унутмаслик лозим.

Ҳаммага маълум деб топилган ҳолатлар, фактлар исботлашга муҳтож эмаслиги суд томонидан тан олиниши лозим.

«Бир фуқаролик иши бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган фактлар - дейилади ФПКни 60-моддасида, - ўша шахслар иштирок этаётган бошқа фуқаролик ишларини кўраётганда янгидан исбот қилинмайди.

Жиноят иши бўйича қонуний кучга кирган суд ҳукми суд томонидан ҳукм этилган шахс ҳаракатларининг фуқаролик - ҳуқуқий оқибатлари тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган суд учун фақат шу ҳаракатлар содир этилган ёки содир этилмаганлиги ва улар мазкур шахс томонидан содир этилган ёки этилмаганлиги масалалари юзасидангина мажбурийдир».

Далилларни таъминлаш. Ўзлари учун зарур, иш бўйича аҳамиятли бўлган айрим далилларни кейинчалик суд мажлиси бошлангунгача тақдим этиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолиш хавфи остида қолган тарафлар судга ариза билан мурожаат қилиб, бу далилларни таъминлашни илтимос қилишлари мумкин.

«Далилларни таъминлаш тўғрисидаги ариза, - дейилади ФПКнинг 62-моддасида, - далилларни таъминлаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши керак бўлган ҳудудда фаолият олиб бораётган судга берилади».

Судга мурожаат қилган тараф ўз аризасида, албатта, таъминланиши зарур бўлган далилларни, улар ёрдамида тасдиқланиши керак бўлган ҳолатларни, далилларни таъминлашни сўраб мурожаат этишга ундаган сабабни ва бу далиллар бошқа қайси иш учун зарур бўлиши мумкинлиги кўрсатиши керак.

Далилларни таъминлаш ҳам қонунда белгиланган далилларни тўплаш ва текшириш қоидаларига асосан суд томонидан амалга оширилади.

Исботлаш фактлари. Тарафларнинг ва учинчи шахсларнинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, ёзма ва ашёвий далиллар, эксперт хулосалари фуқаролик ишида исботлаш воситаси бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир исботлаш воситаси умумий қоида тариқасида тўпланади, текширилади ва баҳоланади. Шу билан бирга уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, алоҳида - алоҳида, мустақил равишда текширилади ва баҳоланади. Ҳар бир далил ишга дахлдорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланади.

Суд далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда, ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона кўриб, ўзининг ички ишончи бўйича ҳамма далилларни етарли даражада тўпланган ёки тўпланмаганлиги нуқтаи назаридан баҳо бериши лозим.

Тарафлар, учинчи шахслар ва ишдан манфаатдор бошқа шахслардан олинган ахборотлар, тушунтиришлар ҳар хил бўлиши мумкин. Иш ҳолатлари учун етарли ахборотларни берадиган қисмигина суд учун исботловчи далил бўлиб саналади.

Ишда иштирок этувчи тарафлар, учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг ўзларига маълум бўлган ва иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисида берган тушунтиришлари ишда тўпланган бошқа далиллар билан бир қаторда текширилиши ва баҳоланиши лозим.

Иш бўйича низолашилаётган ҳолат ва фактни тан олиш тушунтиришнинг алоҳида турларидан ҳисобланади. Бундай ҳолларда тарафлардан бири ўзининг талаблари ёки эътирозларига асос қилиб олган фактларни иккинчи тарафнинг тан олиши бу фактларнинг исботини давом этдиришдан озод қилади.

Фактни тан олиш суд мажлисининг баённомасига киритилади ва тан олган тараф уни имзолаши керак. Шу билан бир қаторда фактни тан олиш ёзма равишда берилган бўлса у ишга қўшиб қўйилиши шарт.

Ишга дахлдор бўлган бирор ҳолатдан хабардор ҳар қандай шахс гувоҳ бўлиши мумкин.

Гувоҳ фуқаролик-процессуал ҳуқуқ муносабатларининг субъекти бўлиб, маълум бир процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Қонун биринчидан, вакил ёки ҳимоячи вазифаларини бажаришлари муносабати билан ўзларига малум бўлган ҳолатлар тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича вакиллар ёки жиноят ишлари бўйича ҳимоячилар, ҳамда, иккинчидан, жисмоний ёки руҳий нуқсонлари сабабли фактларни тўғри идрок қилишга ёки улар ҳақида

тўғри кўрсатма беришга лаёқатсиз шахсларни гувоҳ сифатида чақириш ва сўроқ қилишга йўл қўймайди (ФПКнинг 69-модда).

Гувоҳнинг судда берган кўрсатмаси одил судловга катта ёрдам беради, шу сабабдан уни ҳар бир фуқаро ўзининг бурчи, деб билиши керак. Судга гувоҳ сифатида чақирилган ҳар бир шахс, албатта келиши ва тўғри кўрсатма бериши шарт. Била туриб ёлгон кўрсатма берганлик, суд узрсиз деб топган сабабларга кўра кўрсатма беришни рад этганлик ёки ундан бўйин товлаганлик учун гувоҳ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238 - ва 240-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ёзма далиллар, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар баён этилган ҳужжатлар хизматга алоқадор ва шахсий ёзишмалардан иборат бўлади.

Бу ёзма далиллар давлат органларида, ташкилотларда ёки айрим фуқароларда бўлишига қараб, суд тегишли шахслардан талаб қилиб олиши ёки ёзма далилни талаб қилиб олишни илтимос қилган шахсга шу далилни судга тақдим этиш учун олиш ҳуқуқини берадиган сўров хати ҳам топшириши мумкин.

Ёзма далилларни судга тақдим этишни узрли сабабсиз рад қилган ёки тақдим этиш имкониятига эга эмаслиги тўғрисида сабабни кўрсатиб, судга маълум қилмаган мансабдор шахсларга, шунингдек, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин. (ФПКнинг 75-моддаси)

Қоида тариқасида ёзма далилларнинг асил нусхаси тақдим қилиниши керак. Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин унинг кўчирма нусхасини ишда қолдириб, аслини қайтариши мумкин. Ёзма далилларни судга тақдим этиш имконияти бўлмаса, суд уларнинг тегишли равишда тасдиқланган кўчирмасини талаб қилиши ёки далилларни улар сақланаётган жойда кўздан кечириши ва текшириши мумкин.

Ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган нарсалар ашёвий далиллар дейилади. Ашёвий далилни тақдим этаётган ёки уни талаб қилиб олишни илтимос қилаётган шахс шу далил орқали иш учун аҳамиятли бўлган қандай ҳолатларни аниқлаш мумкинлигини кўрсатиши шарт.

Ишда иштирок этаётган ёки иштирок этмаётган шахслардан далил сифатида бирор ашёни талаб қилиб олишни судда илтимос қилувчи шахс шу ашёни тавсифлаб бериши ва бу ашё у ёки бу шахсда, деб ҳисоблаш учун қандай асослари борлигини баён этиши лозим.

Талаб қилинган ашёни тақдим қилиш ёки суд белгилаган муддатда келтириш имкониятига эга бўлмаганликлари сабабини

кўрсатиб хабар бермаган ва суд талабини узрсиз сабаб билан бажармаган, деб топган тақдирда, айбдор мансабдор шахслар ёки фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин. (ФПКнинг 81-моддаси).

Ашёвий далиллар суднинг ажримига асосан ишга қўшиб қўйилади ёки алоҳида рўйхат қилиниб, ашёвий далиллар сақланадиган юкхонада сақланади.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин ашёвий далиллар кимдан олинган бўлса, ўша шахсга ёки эгаси бошқа шахс бўлса, унга қайтарилади.

Қонун бўйича фуқароларнинг эгалигида бўлиши ман қилинган буюмлар тегишли ташкилотларга топширилади.

Фуқаролик ишларини кўриб чиқиш вақтида келиб чиққан, фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қилинадиган масалаларни тушунтириш учун судья судда иштирок этаётган шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин.

Қоида бўйича экспертиза судда ўтказилиши керак. Айрим текширишнинг хусусияти талаб қилган ҳолларда ёки текширилиши лозим бўлган буюмни судга келтиришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, экспертиза суддан ташқарида ҳам ўтказилиши мумкин.

Экспертиза тайинлаш ҳақида суднинг ажрими чиқарилиши ва унда қандай масалалар бўйича экспертларнинг хулосаси талаб қилинаётганлиги ва экспертиза ўтказиш кимга топширилаётганлиги кўрсатилиши лозим.

Экспертиза тайинлашда суд ишида иштирок этаётган шахсларнинг фикри эътиборга олинishi керак.

Экспертиза ўтказишни суд тегишли ихтисослашган экспертиза муассасаларига ёки бошқа мутахассислардан иборат бир гуруҳ ёки алоҳида шахсларга топшириши мумкин.

Эксперт қилиб тайинланган шахслар, албатта, хулоса бериш учун зарур махсус билимга ёки ҳунарга эга бўлиши шарт.

Экспертларнинг хулосаси талаб қилинадиган масалалар доирасини суд узил-кесил белгилайди. Ишда иштирок этаётган шахслар экспертлар томонидан текширилиши зарур бўлган масалаларни судга тақдим этишлари керак.

Эксперт қилиб тайинланган шахс суднинг чақируви бўйича келиши ва ўз олдига қўйилган масалалар юзасидан холис хулоса бериши шарт.

Узрсиз сабаблар билан судга келмаган экспертга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

Била туриб ёлгон хулоса берганлик ёки узрсиз сабабларга кўра хулоса беришдан бош тортганлик учун эксперт Ўзбекистон

Республикасини Жиноят кодексининг 238 ва 240-моддалари бўйича жавобгар бўлади.

Экспертнинг процессуал ҳуқуқлари ФПКнинг 87-моддасида белгилаб қўйилган. Эксперт иш материаллари билан танишиш, ишда иштирок этаётган шахслар ва гувоҳларга саволлар бериш, жойга бориб кўздан кечиришда иштирок этиш ва эксперт сифатида ўзини қизиқтираётган ҳолатларни аниқлаш учун ўзига қўшимча материаллар беришни суддан илтимос қилишга ҳақли.

Эксперт ўзига берилган материаллар етарли бўлмаса ёки ўз зиммасига юклатилган мажбуриятни бажариш учун етарли билимга эга бўлмаса, хулоса беришдан бош тортиши мумкин.

Эксперт ўз хулосасини ёзма шаклда беради ва у ишга қўшиб қўйилади. Бироқ у ўз хулосасини оғзаки тушунтириб бериш ҳуқуқига ҳам эга. Бундай ҳолда оғзаки тушунтириш суд мажлиси баённомасига киритилади, экспертга ўқиб эшитдирилади ва унинг томонидан имзоланади.

Иш бўйича суд томонидан экспертиза ўтказиш учун бир неча эксперт тайинланган бўлса, улар ўзаро маслаҳатлашишга ҳақлидирлар.

Агар экспертларнинг ҳаммаси ягона бир хулосага келмасалар, уларнинг ҳар бири ўз хулосасини алоҳида ёзиб топширади.

Бундай ҳолда суд экспертлардан қўшимча тушунтиришларни талаб қилиши ёки бошқа экспертлар тайинлаши мумкин.

Судда ишни кўришда иштирок этиш учун мутахассисларнинг таклиф этилиши ФПКнинг 90-моддасида назарда тутилган.

9. Аризани қабул қилиш ва кўрмасдан қолдириш

Фуқаролик иши суд томонидан ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг аризасига асосан, прокурорнинг аризаси бўйича ва қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг берган ёзма шаклдаги аризалари бўйича қўзғатилади.

Аризалар судларда суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья томонидан қабул қилинади.

Суд аризани қабул қилишни қўйидаги ҳолларда рад этиши мумкин.

1) агар ариза судда кўришга тегишли бўлмаса;

2) низо бўйича айнан бир тарафлар ўртасидаги айнан бир нарса (предмет) тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиқарилган ва

қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилганлик ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлган ҳолларда;

3) суднинг иш юритишида айнан шу тарафлар ўртасида ва айнан бир нарса тўғрисида, айнан бир асослар бўйича вужудга келган низолар бўйича иш мавжуд бўлса;

4) тарафлар ўртасидаги ушбу низони кўриш учун холислар судига топшириш тўғрисида шартнома тузилган бўлса;

5) иш шу суднинг судловига тегишли бўлмаса;

6) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;

7) манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берса.

Кўрсатилган асослар мавжудлигини аниқлаган судья аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ариза тушган кундан эътиборан ўн кун ичида асослантирилган ажрим чиқаради.

Агар иш судга тааллуқли бўлмаса судья ўзининг ажримида, аризани қайси органга бериш кераклигини, иш қўзғатишга ҳалақит берувчи ҳолатлар мавжуд бўлса, бундай ҳолатларни қандай қилиб бартараф этиш кераклигини кўрсатиши шарт.

Даъвогарга унинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ажримнинг кўчирма нусхаси билан биргаликда қайтарилади.

ФПКнинг 149-моддаси талабларига риоя қилинмаган ҳолда, жавобгарнинг сонига мутаносиб миқдорда ариза ва судья талаб қилган айрим ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тақдим этмаган ёки давлат божини тўламаганлиги аниқланганда аризани судья ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради ва бу ҳақда даъвогарни хабардор қилади, камчиликларни тузатиш учун унга муҳлат беради.

Агар даъвогар белгиланган муддатда судьянинг кўрсатмаларини бажарса ва давлат божини тўласа, ариза судга дастлаб тақдим этилган кунда берилган ҳисобланади.

Акс ҳолда ариза берилмаган ҳисобланиб, бу ҳақда ажрим чиқарилиб даъвогарга қайтарилади.

Фуқаролик иши бўйича суд ҳал қилув қарори чиқарилмасдан ишни тугатишдан ташқари аризани кўрмасдан қолдириш шаклида ҳам иш тамомланиши мумкин.

ФПКнинг 97-моддасига асосан, - суд қуйидаги ҳолларда аризани кўрмасдан қолдиради:

1) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;

2) манфаатдор шахс номидан аризани иш юритишга ваколати бўлмаган шахс берган бўлса;

3) суд айна бир тарафлар ўртасидаги айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса;

4) ишни ўзларининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган тарафлар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрли сабабларсиз судга келмасалар, суд эса ишга оид мавжуд материаллар асосида ишни ҳал қилиш мумкин эмас, деб ҳисобласа;

5) ишни ўзининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чақирув бўйича судга келмаса, жавобгар эса ишни маъмуран кўришни талаб қилмаса судьянинг ажрими билан ариза кўрмасдан қолдирилади ва иш тамом бўлган, ҳисобланади. Бу ажримда судья ишнинг ҳал этилишига тўсқинлик қилаётган ҳолатларни ва уни бартараф этиш йўллари кўрсатиши шарт.

Аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин манфаатдор шахс судга ариза билан яна умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Тарафлар суд мажлисига узрли сабабларга кўра кела олмаганларини тасдиқловчи далилларни тақдим этиб, мурожаат қилганда, даъвогар ёки жавобгарнинг илтимосига биноан суд ишда даъвогар ва жавобгарларнинг иштирок этмаганликлари сабабли аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримини бекор қилиши мумкин.

Агар тарафларнинг бундай илтимосларини қаноатлантириш рад этилган бўлса, бу ҳақдаги ажрим устидан хусусий протест келтириш ёки хусусий шикоят берилиши мумкин.

10. Иш юритишни тўхтатиш ва тугатиш

Иш юритишни тўхтатиб туриш. Иш бўйича процессуал ҳаракатларни ишни ҳаракат қилиши учун халақит берувчи ҳолатлар мавжудлиги туфайли маълум бир вақтгача тўхтатиб туришга тўғри келади.

ФПКнинг 92-моддасига асосан - «Суд қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туриши шарт:

1) агар ишда тараф бўлган фуқаро вафот этиб, низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса ёки ишда тараф бўлган юридик шахс қайта ташкил этилса;

2) Фуқаро (тараф) муомала лаёқатини йўқотса;

3) жавобгар Қуролли кучларнинг ҳаракатдаги қисмида бўлган даъвогар илтимос қилса;

4) Фуқаровий судда жиноий ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида кўрилатган бошқа иш ҳал қилинмасдан олдин кўришнинг имкони бўлмаса».

Бундай ҳоларда иш фақат суднинг қарори ёки ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг қайтадан тикланади.

Тарафнинг вафот этиши муносабати билан ёки юридик шахснинг тугатилиши билан тўхтатилган иш вафот этганнинг ҳуқуқий вориси ишга киришгунгача ҳаракатдан тўхтатилиб турилади.

Жавобгарнинг ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан тўхтатилган иш, у қайтиб келгунга қадар тўхтатилади.

Муомала лаёқатини йўқотган шахсга ҳомий тайинлагандан кейин ёки қонуний вакил ишга жалб қилингандан кейин иш қайтадан тикланади.

Иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тарафларнинг илтимоси, суднинг ташаббуси ёки прокурорнинг талаби бўйича амалга оширилиши мумкин. Аммо суд ишни қайтадан тиклаш учун фаол ҳаракат қилиши керак.

Айрим ҳолларда суд ишда иштирок этаётган шахсларнинг илтимоси бўйича ёки ўз ташаббуси билан ҳам иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақлидир.

Тарафлардан бири: а) Қуролли кучлар таркибида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса ёки мазкур шахслар давлатнинг бирорта мажбуриятини бажариш учун жалб қилинган бўлса;

б) даъволаш муассасасида бўлса;

в) судга келишга тўсқинлик қиладиган, тиббиёт муассасасининг маълумотномаси билан тасдиқланган касаллик мавжуд бўлса;

г) ФПКнинг 142-моддаси тартибида қидирувда бўлган ҳолларда;

д) узоқ муддатли хизмат сафарида бўлса; е) суд томонидан экспертиза тайинлаган ёки бошқа узрли сабаб мавжуд бўлган ҳолларда суд ишни вақтинча тўхтатишга ҳақлидир.

Суднинг иш юритишни тўхтатиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Иш юритиш уни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар барҳам топган тақдирда ишда иштирок этаётган шахсларнинг аризасига мувофиқ ёки суднинг ташаббуси билан иш тикланади ва ишда иштирок этаётган шахсларни умумий асосларда чақирилади.

Иш юритишни тугатиш. Одатда биринчи инстанция судида қўзғатилган даъво иши мазмунан ҳал қилув қарори чиқариш билан тамомланади. Айрим ҳолларда суд ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли бўлмасдан иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқариш билан иш кўришни тамом қилиши керак бўлади.

ФПКнинг 100-моддасига асосан, суд қуйидаги ҳолларда иш юритишни тугатади::

1) иш судга тааллуқли бўлмаса;

2) айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишни қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим» мавжуд бўлса;

3) даъвогар арз қилган талабларидан воз кечган ва суд бу воз кечишни қабул қилган бўлса;

4) тарафлар келишув битими тузган бўлсалар ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса;

5) ишни судда кўришга тайёрлаш вақтида жавобгар даъвогарнинг талабларини тан олган бўлса ва бу тан олиш судья томонидан қабул қилинган бўлса;

6) низоли кўриш учун ҳакамлар судига топшириш ҳақида тарафлар ўртасида шартнома тузилган бўлса;

7) иш бўйича тарафлардан бири бўлган фуқаронинг вафотидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

Иш юритиш тугатилган тақдирда, айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан судга иккинчи марта мурожаат қилишга йўл қўйилмайди (ФПК 102-моддаси).

11. Суд харажатлари ва жарималари.

Суд харажатлари. Судда иш юритиш билан боғлиқ чиқимлар суд харажатларини ташкил қилади.

Суд харажатларини қоплаш мажбурияти қонун томонидан тарафлар, мустақил талаб билан ишга кирган учинчи шахслар ва алоҳида тартибда иш юритиш бўйича ариза берган шахслар зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 103-121-моддаларида суд харажатларини ундириш тартиби белгиланган. ФПКнинг 103-моддасига асосан суд харажатлари икки турга бўлинади.

Биринчиси - давлат божи ва иккинчиси - ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар.

Давлат божи давлат органлари, шу жумладан суд томонидан қонунда белгилаб қўйилган ҳолларда ва миқдорда маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш учун олинган товон пули бўлиб, фуқаролик ишларини судда кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар эса, суд иш юритиш бўйича ҳақиқий сарфланган харажатни ташкил этади.

Суд харажатларини белгилашдан асосий мақсад, биринчидан, фуқароларни ва ташкилотларни ўзларининг мажбуриятларини

ишдонан ва ўз эрки билан бажаришга даъват қилишдан, иккинчидан, вужудга келган ҳар қандай низоларни давлат органларининг аралашувисиз тартибга солиш ва ҳал қилишдан иборат.

Шунинг билан бирга, бу ҳаражатлар фуқаролик ишларини судда асоссиз қўзғатишнинг олдини олади ва иш юргизишдаги давлат ҳаражатларини қисман қоплайди.

«Судларда даъво аризалари, - дейилади ФПКнинг 104-моддасида, - органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятлар, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалар, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан кассация тартибида шикоятлар ва назорат тартибида протест келтириш тўғрисида аризалар берганлик учун, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхалари берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилади».

1992 йил 9 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида» қонуни билан давлат божи ундириладиган объектлар, давлат божининг ҳажми, давлат божи бўйича имтиёзлар ва бошқа масалалар тартибга солинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси, 1993 йил, 1-сон, 22-модда).

Қонунда таъкидлаб ўтилганидек, ўзларининг манфаатларини қўзлаб ҳаракат қилувчи ва махсус ваколатларга эга бўлган ташкилотларда юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни олувчи юридик ва жисмоний шахслар давлат божини тўловчилар, деб ҳисобланадилар (Қонуннинг 1-моддаси).

Давлат божининг ҳажми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқ сумма ёки фоиз ҳисобида белгиланади.

Давлат божининг миқдори судга берилган даъвонинг баҳосига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланганда, даъвонинг баҳоси аниқланиши керак.

ФПКнинг 105-моддасига асосан даъвонинг баҳоси:

- 1) пул ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича - ундириладиган суммага қараб;
- 2) мулк талаб қилиш тўғрисидаги даъволар бўйича - даъво қилинаётган мулкнинг қийматига қараб;
- 3) бир неча мустақил талаблардан иборат даъволар бўйича - ҳамма талабларнинг умумий суммасига қараб;
- 4) алимент ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича - бир йиллик тўловларнинг йиғиндисига қараб;
- 5) муддатли тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича - тўловларнинг ёки бериладиган пулларнинг йиғиндисига қараб, лекин кўпи билан уч йиллик йиғиндисига қараб;

6) муддатсиз ёки умрбод тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича - тўловларнинг ёки пулларнинг уч йил ичидаги йиғиндисига қараб;

7) тўловларни ёки пул беришни камайтириш ёки кўпайтириш тўғрисидаги даъволар бўйича - тўловлар ёки бериладиган пуллар камайтириладиган ёки кўпайтириладиган суммага, лекин кўпи билан бир йиллик суммага қараб;

8) тўловларни ёки пул беришни тўхтатиш тўғрисидаги даъволар бўйича - қолган тўловлар ёки пуллар йиғиндиси, лекин кўпи билан бир йиллик йиғиндисига қараб;

9) мулк ижараси шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш ҳақидаги даъволар бўйича - шартнома амал қилишининг қолган муддатида мулкдан фойдаланиш учун тўланадиган тўловларнинг, лекин кўпи билан уч йил ичидаги тўловларнинг йиғиндисига қараб;

10) хусусий мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли иморатларга эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги даъволар бўйича - иморатнинг ҳақиқий қийматига қараб, лекин бу миқдор инвентаризация баҳосидан, инвентаризация баҳоси бўлмаганида эса, мажбурий суғурта баҳосидан кам бўлмаслиги керак, ташкилотларга қарашли иморатларга доир даъволар бўйича эса, иморатнинг ҳақиқий баҳосидан кам бўлмаслиги керак.

Даъвонинг баҳоси, одатда, даъвогар томонидан кўрсатилади. Агар судья даъвогар кўрсатган баҳо даъво қилинаётган мулкнинг ҳақиқий қийматига мувофиқ эмаслиги яққол кўриниб турганлигини аниқласа, даъвонинг баҳосини ўзи белгилайди.

Даъвонинг баҳосини даъво кўзғатилган пайтда аниқлаш қийин бўлса, давлат божининг миқдорини судья дастлабки тарзда белгилайди ва кейинчалик ишни ҳал қилиш вақтида суд белгиланган даъво баҳосига мувофиқ, божнинг кам қисми ундирилади ёки ортиқча қисми қайтарилади.

Даъвогар ўзининг талабларини камайтирган, арз қилган талабларидан воз кечган, тарафлар ишни келишув битими билан тамомлаган ҳолларда, тўланган бож қайтарилмайди, арз қилинган талаблар кўпайтирилганда эса, етишмаган сумма даъвонинг кўпайтирилган баҳосига мувофиқ равишда қўшимча тарзда тўланади.

«Тўланган давлат божи, - дейилади ФПКнинг 108-моддасида, - қуйидаги ҳолларда қисман ёки тўла қайтарилиши керак:

1) Қонун ҳужжатлари бўйича талаб қилинганидан ортиқ бож тўланган бўлса, - ортиқча тўланган қисми;

2) аризани (шикоятни) қабул қилиш рад этилган бўлса;

3) аризалар (шикоятлар) ФПКнинг 154-моддасида назарда тутилган асослар бўйича даъвогарга қайтариб берилса;

4) иш судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли (ФПК 100-моддасининг 1-банди) ишни юритиш тугатилган бўлса;

5) ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилганлиги сабабли (ФПКнинг 97-моддаси, 1-банди) кўрмасдан қолдирилган бўлса».

Суд харажатларининг иккинчи тури ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлардир.

«Ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимларга, ФПКнинг 109-моддасига биноан қуйидагилар киради:

1) гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

2) жойига бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

3) ФПКнинг 140-моддасида назарда тутилган ҳолларда (алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек боқувчисининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги даъволар бўйича жавобгарнинг жойи номаълум бўлиб, суд қидирув эълон қилган бўлса), жавобгарни қидириш учун қилинган харажатлар;

4) суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш билан боғлиқ харажатлар киритилади.

Суднинг иш юритиши билан боғлиқ харажатларнинг миқдорини ҳисоблаш давлат божини ҳисоблашдан мутлақо фарқ қилади.

«Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тегишли бўлган суммалар, - дейилади ФПКнинг 112-моддасида, - улар ўз вазифаларини бажариб бўлганларидан сўнг, харажат тарафлардан ундириб олинган - олинмаганидан қатъий назар, суд томонидан тўланади».

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган харажатлар миқдори ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгилаб қўйилган.

Айрим ҳолларда суд харажатларини давлат ўз зиммасига олади. Давлат божини тўлашдан қонун ҳужжатларига асосан айрим шахслар озод қилинадилар.

Суд фуқаронинг мулкий аҳволига қараб, уни давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашдан озод қилишга ҳақли (ФПКнинг 110-моддаси).

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида судларда давлат божини тўлашдан озод қилинганлар рўйхати берилган.

Суд тарафларнинг мулкий аҳволини ҳисобга олиб, уларнинг бирдан ёки ҳар иккаласидан ҳам давлат даромадига ундириладиган

суд харажатларини кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериши, шунингдек бу харажатларни камайтириши мумкин. (ФПКнинг 111-моддаси).

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларнинг судда иштирок этиши муносабати билан ишда бўлмаган вақтида иш жойидаги ўртача иш ҳақи қонунда белгиланган тартибда сақланади.

Меҳнат муносабатида бўлмаган гувоҳларга одатдаги машгулотларидан қолдирилганликлари учун амалда сарфлаган вақтларини ва жорий этилган энг кам иш ҳақини ҳисобга олиб ҳақ тўланади.

Суднинг ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан вакилнинг ёрдами учун тўлашга кетган харажатларни оқилона миқдорда ундириб бериши керак. Агар ҳал қилув қарорига биноан ҳақли бўлиб чиққан тарафга адвокат белгиланган тартибга мувофиқ бепул ёрдам кўрсатган бўлса, бу сумма бошқа тарафдан адвокатлар идораси фойдасига ундирилади.

Инсофсизлик билан асосиз талаб қўйган ёки арз қилинган талабларга қарши асосиз низолашган, шунингдек ишнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилишига мунтазам равишда қаршилиқ кўрсатиб келган тараф зиммасига амалда йўқотилган вақт учун иккинчи тараф фойдасига ҳақ тўлаш мажбуриятини юклаш мумкин. Суд томонидан бундай ҳолларда ундириладиган ҳақ оқилона миқдорда белгиланиши керак.

«Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган бўлса, - дейилади ФПКнинг 116-моддасида, - жавобгардан даъвогарга талабларнинг суд қаноатлантирган қисмига мутаносиб равишда, жавобгарга эса, даъвогардан у арз қилган талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда ҳақ ундириб берилади».

Бу қоидалар кассация шикоят ва назорат тартибида протест келтиришни сўраб ариза берганда тарафлар тўлаган давлат божига ҳам тааллуқлидир.

Юқори турувчи суд ишни янгидан кўриб чиқиш учун юбормай, чиқарилган ҳал қилув қарорини ўзгартирган ёки янги ҳал қилув қарори чиқарган тақдирда суд харажатлари тақсимотини ҳам тегишлича ўзгартириши керак.

Давлат органлари ва бошқа органнинг, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризаларни кўриш билан боғлиқ чиқимлар, ариза ва шикоят қондирилмаса шу ариза ва шикоят берган фуқаронинг зиммасига, ҳатти-ҳаракатлар ёки қарорлар ғайриқонуний, деб топилиб, ариза ва шикоят қаноатлантирилган тақдирда эса, чиқимлар

гайриқонуний ҳаракат (қарор) қилган орган ёки мансабдор шахс зиммасига юклатилиши керак.

Агар даъвогар арз қилган талабларидан воз кечса, унинг харажатларини жавобгар тўламайди. Аммо даъвогарнинг даъводан воз кечиши жавобгарнинг даъвони ихтиёрий равишда қаноатлантирганлиги оқибатида юзага келган бўлса, даъвогарнинг талабига асосан суд иш бўйича қилган харажатларини жавобгардан ундириб бериши мумкин.

«Прокурорнинг, шунингдек бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сураб судга мурожаат қилган давлат бошқарув органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг арз талаблари, - дейилади ФПКнинг 119-моддасида, - бутунлай ёки қисман рад этилганда, жавобгарнинг суд харажатлари унга бюджет маблағлари ҳисобидан тўлиқ ёки даъвогар арз қилган талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда қайтариб берилади».

Талабларни қондириш рад этилганида, даъвогар жавобгарнинг бошқа шахс билан алмаштирилишига рози бўлмаган тақдирда, суд томонидан жалб этилган жавобгарнинг суд харажатлари унга бюджет маблағлари ҳисобидан қайтарилади.

Бундан ташқари, мол-мулкни хатлашни бекор қилиш тўғрисидаги даъво ишлари қондирилган тақдирда ҳам даъвогарнинг суд харажатлари унга бюджет маблағлари ҳисобидан қайтарилади.

Ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатлари, шунингдек даъвогар давлат божи тўлашдан озод қилинган ҳолларда, суд чиқимлари жавобгардан арз қилинган талабларининг қондирилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Бундан ташқари арз қилинган талабларни қондириш рад этилган тақдирда ишни кўриш билан боғлиқ бўлган суднинг харажатлари даъвогардан давлат фойдасига ундирилади.

«Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган, жавобгар эса, суд харажатларини тўлашдан озод қилинган бўлса, - дейилади ФПКнинг 120-моддасида, - суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари суд харажатларини тўлашдан озод қилинмаган даъвогардан талабларининг рад этилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Агар ҳар икки тараф ҳам суд харажатларини тўлашдан озод қилинган бўлса, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари давлат ҳисобига ўтказилади».

Суд жарималари. Фуқаролик процессининг иштирокчилари, қонда тариқасида, ўзларининг процессуал мажбуриятларини ва суд

томонидан қўйилган талабларни виждонан ва ихтиёрий равишда бажарадилар.

Қонун талаблари ва суднинг қонунга асосланган талаблари бажарилмаган тақдирда, суд мажбурлов таъсир чораларини кўришга ҳақли. Суд жарималари шундай чоралардан бири ҳисобланади.

Суд жарималари фуқаролик-процессуал ҳуқуқ нормаларини ёки суднинг қонунга асосланган талабларини бажармаган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган ҳолларда ва миқдорда ундириладиган пулдир.

Қонунда кўрсатилган ҳолларда процессуал қонун талабларини ва қонунга асосланган суд талабларини бажармаслик суд жарималарини солиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

«Суд жарималари, - дейилади ФПКнинг 122-моддасида, - ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда ва миқдорда солинади. Жарима солиш тўғрисидаги ажрим чиқарилади ва унинг нусхаси дарҳол жарима солинган шахсга жўнатилади».

Масалан, ФПКнинг 75 ва 81-моддасига асосан, ёзма ва ашёвий далилларни тақдим қилиш ҳақидаги суднинг талаби узрли сабабсиз рад қилинган тақдирда, суд айбдор мансабдор шахсларга, шунингдек фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиши мумкин.

ФПКнинг 91-моддасига асосан, узрсиз сабаб билан суднинг чақирувига асосан келмаган мутахассисга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиши мумкин ва ҳоказолар.

Суд жарималари нафақат суд процессининг иштирокчиларига, шу билан бирга суд процесси иштирокчиси бўлмаган шахсларга ҳам солиниши мумкин.

Ташкилотларнинг мансабдор шахсларига солинган жарималар уларнинг шахсий маблағларидан ундирилади. Жарима солинган шахс суд ажримини олганидан кейин беш кун ичида ўзини жаримадан озод қилишни ёки унинг миқдорини камайтиришни илтимос қилиши мумкин.

Жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтириш ҳақидаги илтимосни рад қилган суднинг ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин.

12. Процессуал муддатлар

Фуқаролик судлов процессида ишларни ўз вақтида кўриш ва тўғри ҳал қилиш одил судловнинг биринчи даражали вазифаларидан ҳисобланади. Бунда барча процессуал воситалар билан бир қаторда процессуал муддатлар ҳам ижобий ўрин тутади.

Процессуал муддатлар суд процесси иштирокчиларининг ишга виждонан ёндошишларига ижобий таъсир қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилишни кафолатлайди.

Процессуал муддатлар Ўзбекистон Республикасининг ФПКга биноан қонунда кўрсатилган ва суд томонидан белгиланган бўлиши мумкин. Қонунда кўрсатилган процессуал муддат суд учун ва процессда иштирок этаётганлар учун белгиланган бўлиб, тарафлар ва суднинг келишуви туфайли ўзгартирилиши мумкин эмас. Суд томонидан белгиланган процессуал муддат эса, процесс иштирокчиларининг бевосита ҳаракат қилиши учун ва суд томонидан қонунга асослаб берган кўрсатмасини бажарувчи шахслар учун белгиланган бўлади. Бу муддат керак бўлган ҳолларда суд томонидан ўзгартирилиши ёки чўзилиши мумкин.

Қонун билан судлар учун белгиланган процессуал муддатларни, шартли равишда: 1) биринчи инстанция судида фуқаролик ишни кўриш; 2) кассация инстанциясида иш кўриш; 3) иш бўйича иш юритишни тўхтатиш; 4) бошқа процессуал ҳаракатлар бўйича муддатларга бўлиш мумкин.

Биринчи инстанция судида иш кўриш муддати умумий ва қисқартирилган ёки махсус муддатларга бўлинади.

Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ариза қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига биноан йигирма кунгача узайтирилиши мумкин.

ФПКнинг 131-моддасига асосан, биринчи инстанция судида фуқаролик ишларини кўришга тайёрлаб бўлгандан кейин бир ойлик муддатдан кечиктирмай кўрилиши лозим.

Қисқартирилган махсус муддат: а) алимент ундириш ҳақидаги; б) майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги тўғрисида; в) боқувчисининг вафоти натижасида етказилган зарарни қоплаш тўғрисида; г) меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан талаблар бўйича қўзғатилган ишлар, агар тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса биринчи инстанция судида кўришга тайёрлаб бўлган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай, бошқа ҳолларда эса, йигирма кундан кечиктирмай кўрилиши лозим.

ФПКнинг 127-моддасига асосан, процессуал муддатлар йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланади. Муддатнинг ўтиши календарь сананинг ёки муддатнинг бошланиши, деб белгиланган воқеа юз берган куннинг эртасидан бошланади.

Йиллар билан ҳисобланадиган муддат унинг охири йилининг тегишли ойи ва кунда тамом бўлади.

Ойлар билан ҳисобланадиган муддат тегишли ойда ва муддат охири ойининг тегишли кунда тамом бўлади.

Агар ойлар билан ҳисобланадиган муддатнинг охири тегишли куни тўғри келса, муддат шу ойнинг охири кунда тамом бўлади. Бу муддатнинг охири куни иш куни бўлмаган кунга тўғри келган тақдирда, ундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тамом бўлиш куни ҳисобланади. Муддати белгиланган процессуал ҳаракат муддатнинг охири куни соат йигирма тўртгача бажарилиши мумкин.

Агар процессуал ҳаракат судда бажарилиши лозим бўлса, белгиланган қоидаларга мувофиқ судда иш тугаган соатда муддат тамом бўлган ҳисобланади.

Ариза, шикоят, ҳужжатлар ёки пул суммаси муддатнинг охири куни соат йигирма тўртгача алоқа ташкилотига топширилган тақдирда, муддат ўтмаган ҳисобланади.

Процессуал ҳаракатларни бажариш ҳуқуқи қонунда белгиланган ёки суд тайинлаган муддатнинг ўтиши билан бекор бўлади. Процессуал муддат ўтгандан сўнг берилган аризалар, шикоятлар ва ҳужжатлар кўрилмади.

Иш юритиш тўхтатиб турилганда тугамаган ҳамма процессуал муддатларнинг ўтиши ҳам тўхтатиб турилади. Муддатларнинг тўхтатиб турилиши иш юритишни тўхтатиб туришга асос бўлган ҳолатлар келиб чиққан вақтдан бошланади. Иш юритиш тикланган кундан эътиборан процессуал муддатларнинг ўтиши давом этади.

Суд тайинлаган муддатлар суд томонидан узайтирилиши мумкин. Қонунда белгиланган муддатни ўтказиб юборишни суд узрли, деб топган тақдирда, муддатни тиклаш мумкин.

Шундай қилиб, процессуал муддатни тўхтатиш, узайтириш ва тиклаш масалалари қонунда белгиланган тартибда амалга оширилди. Агар суд иш юритишни тўхтатиб қўйса, қолган иш бўйича процессуал муддат ҳам тўхтатилади.

Муддатни узайтириш ёки тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят ёки хусусий протест бериш мумкин.

13. Суд хабарномалари ва чақирувлари

Иш суд мажлисида кўрилишга тайёр бўлгач, судья ишни судда кўриш учун ФПКнинг 161-моддасига биноан ажрим чиқаради, тарафларни ва процесснинг бошқа иштирокчиларини ишни кўриш вақти ва жойидан хабардор қилади.

«Ишда иштирок этаётган шахслар, шунингдек гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар, - дейилади ФПКнинг

132-моддасида, - судга чақирув қоғозлари, зарур ҳолларда эса, телефонограммалар, телеграммалар ва бошқа алоқа воситалари орқали чақириладилар ҳамда суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида ҳабардор қилинадилар.

Судья чақирув қоғози билан бир вақтда жавобгарга аризининг ва аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам юборади.

Агар жавобгар судга ёзма тушунтириш берган бўлса, судья судга муружаат қилган шахсга чақирув қоғози билан бирга ана шу тушунтириш хатининг нусхасини ҳам юборади».

Суд мажлисининг бошланиш вақти ва жойи ҳақидаги судьянинг юборган хабарларини олган тарафларга суд мажлисига тайёргарлик кўриш ва ўз вақтида етиб келиш учун етарли муддат берилиши керак.

Судьянинг чақирув қоғозида албатта, суднинг номи ва аниқ манзили, суд мажлисини ўтказиш жойи ҳамда вақти, шахснинг қандай иш бўйича ва ким тариқасида чақирилаётганлиги кўрсатилиши керак.

Шунингдек, ишда иштирок этувчиларга иш бўйича уларда бор бўлган ҳамма далилларни тақдим этиш тўғрисида таклиф ҳам берилиши керак.

Агар иш кўрилишида иштирок этиш учун чақирилаётган шахснинг ўзи шахсан йўқлиги туфайли чақирув қоғозини бошқа шахсга топширишга тўғри келса, чақирув қоғозини олган шахсни имконият бўлиши биланоқ уни дарҳол чақирилувчига топшириш мажбурияти ҳақида огоҳлантириш керак.

Шу билан бирга чақирилаётган тарафларнинг судга келмасликлари оқибатлари ҳақида хабардор қилиш лозим.

Чақирув қоғозининг иккинчи нусхаси чақирилувчининг чақирув қоғозини қачон олганлиги ҳақидаги имзоси билан судга қайтарилиши керак.

«Чақирилувчи ўз номига юборилган суднинг чақирув қоғозини қабул қилишдан бош тортса, - дейилади ФПКнинг 137-моддасида, - чақирув қоғозини келтирган шахс буни чақирув қоғозида қайд қилиб, уни судга қайтариб топширади. Чақирилувчи чақирув қоғозини қабул қилиб олишдан бош тортганлиги ҳақидаги қайд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки чақирилувчининг иш берувчиси (маъмуриятнинг мансабдор шахси) томонидан ёхуд камида икки нафар фуқаронинг имзоси билан тасдиқланади.

Чақирилувчининг чақирув қоғозини қабул қилишдан бош тортиши ишни кўришга тўсқинлик қилмайди».

Ишда иштирок этаётган шахслар иш юритилаётган вақтда ўз манзилларини ўзгартиргани ҳақида судни хабардор қилишлари шарт. Акс ҳолда, чақирув қоғози судга маълум бўлган охириги манзил

бўйича юборилади ва чақирилувчи бу манзилда яшамаётган бўлса-да, чақирув қоғози унга топширилган ҳисобланади.

Жавобгарнинг яшаш жойи номаълум бўлган тақдирда, унинг охирги яшаш жойидаги алоқа ташкилоти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки охирги иш жойи маъмуриятининг мансабдор шахси томонидан чақирув қоғози олинганлиги ва чақирилувчининг қаердалиги номаълум бўлгани сабабли уни топширишнинг имконияти бўлмаганлиги ҳақида белги қўйиб гувоҳлантирганлиги ёки ёзиб юборган маълумоти судга келиб тушгач, суд ишни кўришга киришади.

ФПКнинг 140-моддасига асосан алимент ундириш ҳақидаги ишлар, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек боқувчисининг вафот этиши натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги даъволар бўйича жавобгарнинг (қарздорнинг) яшаш жойи номаълум бўлса, жавобгар (қарздор) қидирилиши шарт.

Бундай ҳолларда суд ички ишлар органларига жавобгарни (қарздор) қидириш тўғрисида ажрим чиқариб юборади.

III-БОБ. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА ИШ ЮРИТИШ

1. Фуқаролик ишини қўзғатиш

ФПКнинг 5-моддаси тартибда:

- 1) ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб муурожаат қилган шахснинг берган аризаси;
- 2) прокурорнинг аризаси;
- 3) қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга муурожаат этишга ҳақли бўлган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг ёзма шаклда берган аризалари бўйича суд фуқаролик ишини ФПКнинг 148-моддасига асосан қўзғатади.

Фуқаролик ишини қўзғатиш учун судга берилган аризада ФПКнинг 149-моддасида белгилаб берилган қуйидагилар, албатта, кўрсатилиши лозим:

- 1) ариза берилаётган суднинг номи;
- 2) даъвогарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва яшаш жойи, даъвогар ташкилот бўлса, унинг жойлашган манзилгоҳи, ариза вакил томонидан берилган бўлса, вакилнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзилгоҳи;
- 3) жавобгарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) яшаш жойи, жавобгар ташкилот бўлса, унинг номи ва манзилгоҳи;
- 4) даъвогарнинг талаби;
- 5) даъвони баҳолаш лозим бўлса, унинг қиммати (баҳоси).
- 6) даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар;
- 7) даъво аризага илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати.

Даъво аризаси даъвогар ёки унинг вакили томонидан берилади. Агар ариза вакил томонидан берилган бўлса аризага ишончнома ёки вакилнинг ваколатини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат илова қилиниб, имзо қилинади.

Прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бериладиган аризаларда, юқорида санаб ўтилган маълумотлардан ташқари, ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва манзилгоҳи кўрсатилиши лозим.

Судга берилган аризага жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда унинг нусхалари илова қилинади. Шу билан бирга, судья ишнинг мураккаблиги ва хусусиятига қараб, илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ҳам жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда тақдим этишни аризачидан талаб қилиши мумкин.

Ариза, одатда, судларда суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судьялар томонидан қабул қилинади. Фуқаролик ишини қўзғатиш масаласини эса, судья ҳал қилади ва бу ҳақда ажрим чиқаради.

2. Ишни судда кўришга тайёрлаш

Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ишнинг мазмунан тўғри ҳал қилиш мақсадида керакли ва етарли далилларни тўплашни таъминлайдиган фуқаролик процессининг масъулиятли босқичларидан ҳисобланади.

Судья аризани қабул қилиб, фуқаролик иши қўзғатганидан сўнг, дейилади ФПКнинг 158-моддасида, - ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида уни судда кўришга тайёрлайди.

Судья ишнинг оддий ёки мураккаблигидан қатъий назар, судда кўришга тайёрлаш бўйича керакли барча ҳаракатларни ўтказиши шарт. Чунки ишни судда кўришга тайёрлашнинг яхши ўтказилиши, ишни ҳар томонлама, тўлиқ ва адолатли кўриб, биринчи суд процессидаёқ тўғри ҳал қилиш учун шароит яратади. Амалиётда ишни судда кўришга тайёрлашга етарли эътибор берилмайди, қонунда талаб қилинган ҳаракатлар тўлиқ даражада ўтказилмайди ва айрим ҳолларда эса, ишни судда кўришга тайёрлаш умуман ўтказилмайди. Натижада керакли ва етарли далиллар тўпланмайди, процессуал ҳуқуқ нормалари бузилади, асослантирилмасдан ёки қонунсиз ҳал қилув қарорлари чиқарилади.

Кассация ва назорат инстанцияларида бекор қилинган ҳал қилув қарорларининг деярли аксарияти «иш учун аҳамиятга молик ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги ва суд аниқланган, деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг исботланмаганлиги» асос қилиб кўрсатилган.

Ишни судда кўришга тайёрлашда судьянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниқлаш;

2) тарафларнинг талаб ва эътирозларини асословчи фактларни, шунингдек низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга молик бошқа фактларни аниқлаш;

3) ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаш;

4) ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби масаласини ҳал қилиш.

Ишни судда кўришга тайёрлаш чоғида судья, даъвогарни арз қилган талабларининг моҳияти бўйича сўроқ қилиши, ундан жавобгар билдириши мумкин бўлган эътирозларни аниқлаши, зарур бўлса, қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф этиши керак. Шу билан бирга, даъвогарга арз қилган талабларидан воз кечиш ҳуқуқи борлигини ва унинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириши лозим.

Шунингдек, қоида тариқасида, албатта, жавобгарни чақириши, уни ишнинг ҳолатлари бўйича сўроқ қилиши, даъвогар талабига қарши эътирозларини ва бу эътирозлар қандай далиллар билан исботланиши мумкинлигини аниқлаши, алоҳида мураккаб ишлар бўйича жавобгарга иш юзасидан ёзма тушунтиришлар тақдим этишни таклиф қилиши мумкин. Шу билан бирга, жавобгарга даъвогарнинг талабларини тан олиш ёки қарши талаблар қўзғатиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳам тушунтиради.

Ҳар икки тарафдан судья келишув битими тузиш эҳтимолини аниқлайди ва унинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бир қанча қарорларида фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашнинг сифатли ўтказилиши талаб қилинади.

Фуқаролик процессида ишни судда кўришга тайёрлашнинг сифати уни ўтказган судьяга боғлиқ. Судьянинг ишни тайёрлашдаги ҳаракатининг ҳуқуқий тартибга солиниши процессуал шаклнинг бир элементи бўлиб, бу қоидага қатъий риоя қилиниши керак.

Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судьянинг ҳаракатлари ФПКнинг 160-моддасида баён этилган.

«Судья ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

1) ишга учинчи шахсларнинг жалб этилиши ёки киришиши масаласини ҳал қилади ва ишда иштирок этишга йўл қўйилган учинчи шахсларни сўроқ қилади;

2) ишни кўришда вакилларнинг қатнашиши масаласини ҳал қилади;

3) ишда прокурорнинг иштирок этиши тўғрисидаги ва тегишли давлат бошқаруви органини суд процессида қатнашишга жалб этиш ҳақидаги масалани ҳал қилади;

4) ишда иштирок этишга жалб қилинмаган ташкилот ёки фуқаронинг иш якунидан манфаатдорлигини аниқласа, уларга,

шунингдек прокурорга юритилаётган ишни ва уни кўриш вақтини маълум қилади;

5) гувоҳларни суд мажлисига чақириш ёки уларни ФПКнинг 72-моддасида назарда тутилган тартибда сўроқ қилиш масаласини ҳал қилади;

6) ташкилотлар ёки фуқаролардан ёзма ва ашёвий далилларни талаб қилиб олади ёки бу далилларни олиб судга тақдим этиш учун ишда иштирок этаётган шахсларга талабнома беради;

7) ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрларини ҳисобга олиб, экспертиза тайинлаш ва мутахассис жалб қилиш масаласини ҳал қилади;

8) кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиб, жойда кўздан кечириш ўтказиши;

9) бошқа судларга суд топшириқлари юборади;

10) ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради.

Судья ишда иштирок этувчи шахсларни чақирмасдан туриб, ишни судда кўришга тайёрлаш юзасидан қилган ҳаракатларини ажрим шаклида расмийлаштиради.

Бу ажрим устидан кассация шикоятидан алоҳида тарзда шикоят қилиниши мумкин эмас».

Ишни судда кўришга тайёрлаш тамом бўлгандан кейин, судья ишни етарли даражада тайёрланган, деб топган тақдирда, уни суд мажлисида кўришга тайинлаш тўғрисида ФПКнинг 161-моддаси тартибда ажрим чиқаради, тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларига ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида хабар қилади.

3. Ишни судда кўриш

Фуқаролик процессининг ишларни биринчи инстанция судида кўриш босқичи суд фаолияти учун асосан ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ишларни суд мажлисида кўриш натижасида фуқаролик одил судлов олдида турган мақсад амалга оширилади.

Фуқаролик-процессуал одил судлов тамойиллари, асосан суд процессининг судда иш кўриш босқичида кўпроқ намоён бўлади.

«Фуқаролик иши, - дейилади ФПКнинг 162-моддасида, - ишда иштирок этувчи шахсларни, албатта, хабардор қилган ҳолда суднинг очиқ мажлисида кўрилади.

Ёпиқ суд мажлиси қонунда назарда тутилган ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаби билан ёки суднинг ташаббуси билан ўтказилади».

Судья ишни кўришга тайинланган вақтда суд мажлисини очиб, қандай иш кўрилишини эълон қилади.

Суд мажлиси қонунда белгиланган ҳолларда, ишда иштирок этаётган тарафларнинг ва бошқа шахсларнинг талаби билан, шунингдек суднинг ташаббуси билан лозим топилган тақдирда, ёпиқ ҳолда ўтказилиши мумкин. Ҳар бир ҳолат ва ёпиқ суд мажлисини ўтказиш тўғрисидаги таклиф суд иштирокчилари томонидан муҳокама қилингандан сўнг суднинг ажрими билан расмийлаштирилади.

Ишда иштирок этувчиларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари сингари, суд мажлисида раислик қилувчининг ҳам ваколат доираси қонунда назарда тутилган.

Одатда суд мажлисида шу суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья раислик қилади. Раислик қилувчи суд мажлисини бошқариб, ишнинг барча ҳолатлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини сўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона аниқлаши, суд процессининг тарбиявий таъсирини таъминлаши керак. У муҳокама қилинаётган низоли масалага алоқаси бўлмаган ҳамма нарсани судда кўрилишига йўл қўймаслиги ва чиқариб ташлаши керак.

Судда раислик қилувчининг фаолияти нафақат суд процессида ишни кўрилиши, шу билан бирга суд мажлисида тегишли тартибни таъминлаши учун зарур чоралар кўриш билан боғлиқ бўлган тарбиявий ишга қаратилган бўлиши ҳам керак.

Ишда иштирок этаётган шахслар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва гувоҳларнинг раислик қилувчининг ҳатти-ҳаракатига билдирган эътирозлари, албатта, суд мажлисининг баённомасига киритилиши ва суд томонидан ҳал қилиниши керак.

Суд мажлисида қатнашаётган фуқаро ҳамда суд процессининг иштирокчилари, белгиланган тартибга риоя қилишлари, раислик қилувчининг талабларини сўзсиз бажаришлари, унинг фармойишига бўйсунтиришлари шарт.

Суд ҳокимиятига ва қонунга ҳурмат судда иш кўрилиш босқичида айниқса яққол намоён бўлади. Судья мажлис залига кирганда ва ундан чиқиб кетаётганида суд залида ҳозир бўлганларнинг ўринларидан туришлари, ишда иштирок этаётган шахсларнинг, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларнинг судга тик туриб мурожаат қилиши, ўзларининг кўрсатув ва тушунтиришларини тик туриб баён қилишлари, бу қоидадан узрли сабаб бўлганда фақат судда раислик қилувчининг руҳсати билангина четга чиқилиши суднинг алоҳида хонада чиқарган қарорларини залдагиларни тик туриб эшитиши суд ҳокимиятига ва қонунга бўлган ҳурмат белгисидир.

Суд процесси қоидаларига аниқ риоя қилиш, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри тадбиқ этиш, судда иш кўриш маданияти судда раислик қилувчининг ҳуқуқий маданиятига боғлиқ.

Ишни судда кўриш вақтида тартиббузарликнинг олдини олиш ва процессни маданиятли ўтказиш мақсадида ишда иштирок этаётган шахслар тартибни такроран бузганда суднинг ажримига биноан, уларни суд залидан чиқариб юбориш мумкин. Ишни кўришда ҳозир бўлган фуқаролар тартибни бузган тақдирда, раислик қилувчи фармойиш билан уларни суд мажлиси залидан чиқариб ва энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорида жарима солиш чораларини кўришга ҳақлидир.

«Прокурор ёки адвокат раислик қилувчининг фармойишларига итоат қилмасалар, - дейилади ФПКнинг 166-моддасида, - улар огоҳлантирилади. Мазкур шахслар раислик қилувчининг фармойишларига яна итоат этмасалар ва уларни ишга зарар етказмаган ҳолда бошқа шахс билан алмаштиришнинг имкони бўлмаса, суднинг ажримига биноан ишни кўриш кейинга қолдирилиши мумкин. Айни вақтда суд бу ҳақда тегишлича юқори турувчи прокурорга ёки адвокатлар малака комиссиясига маълум қилади».

Ишда иштирок этаётган тараф ёки учинчи шахс суд мажлисида тартибни бузса, тартиббузарни иш кўриладиган ҳамма вақтга ёки унинг бир қисмига мажлис залидан чиқариб юбориш мумкин.

Аммо, вақтинча суд мажлиси залидан чиқариб юборилган суд иштирокчилари суд мажлис залига қайтиб қўйилганда раислик қилувчи унинг залда бўлмаган вақтида қилинган процессуал ҳаракатлар билан таништириши шарт.

Агар суд процессида ўрнатилган тартибни ҳар иккала тараф ва учинчи шахслар бузган тақдирда, суд фуқаролик ишини кўришни кейинга қолдириши мумкин.

Суд мажлисида иш кўришни шартли равишда тўрт қисмга бўлиш мумкин:

- 1) суд мажлисида ишни мазмунан кўришга тайёргарлик;
- 2) ишни мазмунан кўриш;
- 3) музокара қисми ва прокурорнинг хулосаси;
- 4) суд қарорини эълон қилиш.

ФПК суд мажлисига тайёргарлик кўришнинг қуйидаги тартибини назарда тутди: биринчидан, суд мажлисини очиб (ФПКнинг 163-моддаси); иккинчидан, суд процесси иштирокчиларининг келган - келмаганини текшириш (ФПКнинг 167-моддаси); учинчидан, таржимонга унинг вазифаларини тушунтириш (ФПКнинг 168-моддаси); тўртинчидан, гувоҳларни суд мажлиси залидан чиқариш (ФПКнинг 169-моддаси); бешинчидан, суд таркибини эълон қилиш ва рад қилиш ҳуқуқини тушунтириш (ФПКнинг 170-моддаси); олтинчидан, ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш

(ФПКнинг 171-моддаси); еттинчидан, эксперт ва мутахассисларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш (ФПКнинг 172-моддаси); саккизинчидан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосларини ҳал қилиш (ФПКнинг 173-моддаси); тўққизинчидан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд мажлисига келмасликлари оқибати билан боғлиқ масалани ҳал қилиш (ФПКнинг 174-моддаси); ўнинчидан, тарафлар узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаганликлари оқибати билан боғлиқ масалани ҳал қилиш (ФПКнинг 175-моддаси); ўн биринчидан, гувоҳ, эксперт, мутахассисларнинг суд мажлисига келмаганлигининг оқибатлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш (ФПКнинг 176-моддаси); ишни кўришни кейинга қолдирганда гувоҳларни сўроқ қилиш (ФПКнинг 178-моддаси) ва ишни мазмунан кўришнинг бошланиши (ФПКнинг 179-моддаси).

Иш бўйича суд мажлисига тайёргарлик қисмини тамомлагандан сўнг судья ФПКнинг 179-моддаси тартибида ишни моҳиятан кўришни бошлайди.

Ишни мазмунан кўриш суд мажлисида раислик қилувчининг иш тўғрисидаги маърузасидан бошланади. Сўнгра раислик қилувчи даъвогардан ўз талабларини қувватлаши ёки қувватламаслигини, жавобгардан даъвогарнинг талабларини тан олиши ёки олмаслигини ва тарафларнинг ишни келишув битими билан тамомлаш истаклари бор ёки йўқлигини аниқлайди.

Даъвогарнинг ўз талабларидан воз кечганлиги, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олганлиги ёки тарафлар томонидан ўзаро келишув шартлари суд мажлиси баённомасига киритилади ва даъвогар, жавобгар ёки иккала тараф томонидан имзоланади. Жавобгарнинг даъво талабларини тан олиш», даъвогарнинг даъводан воз кечиши ёки тарафларнинг келишув битими уларнинг судга берган ёзма аризаларида ифодаланган тақдирда, бундай аризалар ишга қўшилиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатиб қўйилади.

ФПКнинг 180-моддасига асосан даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида суд ажрим чиқаради, шу ажрим билан иш юритишни тугатади.

Келишув битимидаги шартлар, албатта, ажримда ўз ифодасини топиши керак.

Агар жавобгар даъвогарнинг арз қилинган талабларини тан олса, суд эса тан олишни қабул қилса, даъвогарнинг талабларини қондириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради.

Даъвогар арз қилган талабларни жавобгар тан олганлигини суд қабул қилмаса ёки келишув битимини тасдиқламаса, бу ҳақда

асослантирилган ажрим чиқариб, ишни мазмунан кўришда давом этади.

Даъвогарнинг арз қилган талабдан воз кечишини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлашдан олдин суд, уларга тегишли процессуал ҳаракатлар қилишнинг оқибатларини тушунтиради.

Бу оқибатлар, ФПКнинг 152-моддасида белгилаб қўйилганидек, даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларни келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида суднинг ажрими мавжуд бўлган ишлар бўйича суд ишни қайтадан кўриш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этади.

«Иш тўғрисида судья маърузаси тамом бўлгандан сўнг даъвогар ва унинг томонида иштирок этаётган учинчи шахснинг, ундан кейин жавобгар ва унинг томонида иштирок этаётган учинчи шахснинг, шунингдек ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг тушунтиришларини эшитади.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ариза билан мурожаат қилган прокурор, шунингдек бошқа шахслар арз қилган талаблари бўйича тушунтиришлар бериш ёки уларни асослаб бериш учун биринчи бўлиб сўзга чиқадилар». (ФПКнинг 181-моддаси).

Ишда иштирок этаётган шахслар бир-бирларига саволлар беришга ҳақлидирлар. Ишда иштирок этаётган шахсларнинг ёзма тушунтиришлари ва суд томонидан далилларни таъминлаш тартибида бошқа судларга берган топшириқлар асосида тўпланган ёзма ҳужжатлар ва тушунтиришлар ўқиб эшиттирилади.

Суд тарафларнинг ва ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг тушунтиришларини эшитиб, гувоҳларни, экспертларни сўроқ қилиш ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далилларни текшириш тартибини белгилайди.

Суд амалиётида мустаҳкам ўрнашиб қолган тажрибага асосан, аввало, даъвогар томонидан тақдим этилган, даъвони тасдиқловчи далиллар, ундан кейин жавобгар томонидан даъвони рад этиш учун тақдим этилган далиллар текширилади.

Далилларни текшириш, одатда, қоида тариқасида, гувоҳларни сўроқ қилишдан бошланади. Гувоҳларни сўроқ қилиш навбати судда раислик қилаётган шахс томонидан белгиланади.

Раислик қилувчи ҳар бир гувоҳни алоҳида сўроқ қилишдан олдин унинг шахсини, ёшини, машғулот турини, ишга алоқасини ҳамда тарафлар ва ишда иштирок этаётган бошқа шахслар билан ўзаро муносабатини аниқлайди, шунингдек уни билатуриб ёлгон кўрсатув берганлик, кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки бўйин

товлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238 - ва 240-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантиради.

Шундан сўнг раислик қилувчи гувоҳга: “иш юзасидан ўзим билган барча маълумотларни судга айтиб беришга қасам ичаман. Фақат ҳақиқатни, бор ҳақиқатни ва танҳо ҳақиқатни айтаман”, деб ошкора қасамёд қилишни таклиф қилади. Гувоҳларга ўз ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тушунтирилганлиги тўғрисида улардан олинган тилхат ва қасамёд матни суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйилади.

Раислик қилувчи гувоҳга иш бўйича шахсан ўзи билган маълумотларни судга айтиб беришни таклиф қилади. Шундан сўнг гувоҳга саволлар берилиши мумкин.

Гувоҳ кимнинг аризаси бўйича чақирилган бўлса, ана шу шахс ва унинг вакили биринчи бўлиб, сўнгра эса, ишда иштирок этаётган бошқа шахслар гувоҳга саволлар бериши мумкин.

Суднинг ташаббуси билан чақирилган гувоҳларга саволларни биринчи бўлиб даъвогар беради. Судья эса исталган вақти савол бериши мумкин.

Сўроқ қилинмаган гувоҳлар ишни кўриш вақтида суд мажлиси залида бўлишлари мумкин эмас. Сўроқ қилинган гувоҳлар эса, ишни кўриш тамом бўлганига қадар суд мажлиси залида қолишлари лозим.

Уларга фақат тарафларнинг розилиги билан ишни кўриш тамом бўлмасдан олдин суд мажлиси залидан чиқиб кетишга рухсат берилиши мумкин. (ФПКнинг 183-моддаси).

Зарур ҳолларда суд гувоҳни такроран сўроқ қилиши, шунингдек гувоҳларнинг кўрсатувларида мавжуд бўлган зиддиятларни бартараф қилиш учун уларни юзлаштириши мумкин.

Раислик қилувчи ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳларга иш бўйича билган ҳамма маълумотларни рўй-рост айтиб беришлари шартлигини тушунтиради, лекин уларни кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки бўйин товлаганлик учун, ёлгон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирмайди. Ўн тўрт ёшга тўлмаган гувоҳни сўроқ қилишда, суд лозим топган тақдирда ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган гувоҳларни сўроқ қиладиган мутахассис (ўқитувчи), зарур ҳолларда уларнинг ота-оналари ва бошқа қонуний вакиллари чақирилади.

Гувоҳларни сўроқ қилиш тамом бўлгандан сўнг суд ёзма далилларни текширишга киришади.

Ёзма далиллар ёки уларни кўздан кечириш тўғрисида қонунда назарда тутилган тартибда тузилган баённомалар суд мажлисида ўқиб эшиттирилади. Зарур ҳолларда эксперт, мутахассис ва гувоҳларга танишиш учун тақдим этилади. Шундан кейин ишда иштирок этаётган

шахслар кўрсатилган ёзма далиллар хусусида тушунтириш беришлари мумкин. (ФПКнинг 187-моддаси).

Ишда мавжуд бўлган ёзма далил сифатида тақдим этилган ҳужжат қалбаки, деб арз қилинган тақдирда ва суд мазкур ҳужжатни қалбаки, деган хулосага келса, уни далиллар қаторидан чиқариб, зарур ҳолларда суд материалларини текшириш учун прокурорга юборади.

Ашёвий далиллар суд томонидан кўздан кечирилади ва ишда иштирок этаётган шахсларга, зарур ҳолларда эса, эксперт, мутахассис ва гувоҳларга ҳам кўрсатилади. Улар ўз тушунтиришларини беришлари мумкин.

Судга келтириш имконияти бўлмаган ёзма ва ашёвий далилларни уларнинг турган жойида кўздан кечириш суднинг чиқарган ажрими асосида амалга оширилади.

Далилларни жойида кўздан кечириш суднинг бутун таркиби томонидан ишда иштирок этаётган шахсларни хабардор қилган ҳолда ва зарур ҳолларда, экспертлар, мутахассислар ва гувоҳлар иштирокида ўтказилади. Кўздан кечириш натижалари суд мажлисининг баённомасига киритилади. Баённомага кўздан кечириш пайтида тузилган ёки текширилган барча режалар, чизмалар, суратлар илова қилиниши лозим.

ФПКнинг 193 ва 195-моддаларида экспертни ва мутахассисни сўроқ қилиш тартиби белгилаб қўйилган.

Экспертнинг хулосаси суд мажлисида ўқиб эшиттирилгандан сўнг, хулосани тушунтириш ва тўлдириш мақсадида экспертга саволлар берилиши мумкин. Экспертиза кимнинг талаби бўйича тайинланган бўлса, ўша шахс ва унинг вакили биринчи бўлиб, сўнгра эса, ишда иштирок этаётган бошқа шахслар саволлар берадилар.

Суднинг ташаббуси билан тайинланган экспертиза хулосаси бўйича экспертга биринчи бўлиб даъвогар саволлар бериши мумкин.

Иш бўйича тўпланган ҳамма далиллар текшириб чиқилганидан кейин раислик қилувчи ишда иштирок этаётган шахслардан иш материаллари ва тўлдириш истакларини сўрайди, ишни мазмунан кўриш тамом бўлганлигини эълон қилади ва музокараларни эшиттиришга ўтади.

Музокараларда дастлаб даъвогар ва унинг вакили, сўнгра жавобгар ва унинг вакили сўзлайди. Ундан кейин мустақил талаб билан ишга кирган учинчи шахс, унинг вакили сўзлайди. Судга ариза билан мурожаат қилган прокурор, давлат бошқарув органлари, ташкилотлар, айрим фуқаролар музокараларда биринчи бўлиб сўзлайдилар.

Ишда иштирок этувчи прокурор ишнинг тўла моҳияти бўйича ўз хулосасини беради, прокурорнинг бошқа шахслар ҳуқуқлари ва қонун

билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича қўзғатилган ишлар бундан мустасно (ФПКнинг 199-моддаси).

4. Суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари

Биринчи инстанция суди одил судловни амалга ошириш жараёнида бир неча ўзаро боғланган процессуал ҳаракатларни бажаради. Унинг ҳар бир ҳаракати қонунни аниқ татбиқ қилишга қаратилган бўлиб, қўйилган талабни ёки процесс иштирокчиларининг ҳаракатлари билан боғлиқ масалаларни моҳиятан ҳал қилиш бўйича суднинг эркини ифода этади. Биринчи инстанция суди ҳаракатининг мазмунини ёзма тарзда процессуал ҳужжат сифатида чиқарилади. Бу ҳужжат қарор, деб аталади.

Биринчи инстанция судининг қарори ўзининг мазмун мундарижасига қараб икки турга бўлинади. Биринчиси ҳал қилув қарори ва иккинчиси ажрим ҳисобланади.

«Биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қиладиган қарори, - дейилади ФПКнинг 203-моддасида, - ҳал қилув қарори шаклида чиқарилади».

Демак, моддий ҳуқуқий низо суднинг ҳал қилув қарори билан мазмунан ва моҳиятан ечилади, ҳал қилинади. Суд мажлиси жараёнида вужудга келган бошқа барча масалаларга жавоб тариқасида чиқарилган суднинг қарори ажрим ҳисобланади.

Биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарорлари, - дейилади ФПКнинг 237-моддасида, - ажрим шаклида чиқарилади.

Одатда фуқаролик ишларини биринчи инстанция судида кўриш ҳал қилув қарори чиқариш билан тамомланади. Аммо қонунда назарда тутилган айрим ҳолларда иш юритиш тугатилиши ёки аризани кўрмай қолдириш оқибатида иш юритиш суднинг ажримига биноан тамомланади.

Ҳал қилув қарори билан биринчи инстанция суди текшираётган маълум бир ижтимоий муносабатга нисбатан амалдаги ҳуқуқий меъёрларни татбиқ қилади ва шу йўл билан ишда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Суднинг ҳал қилув қарори. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган алоҳида процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Ҳал қилув қарори суд олдига қўйилган талабларнинг мазмунан ва моҳияти бўйича барча масалаларга аниқ жавоб берилган ҳолда имло хатосиз баён қилиниши керак.

Суднинг ҳал қилув қарори иш кўриб бўлингандан сўнг дарҳол чиқарилиши лозим.

«Алоҳида ҳолларда жуда мураккаб ишлар юзасидан, - дейилади ФПКнинг 203-моддасида, - асослантирилган ҳал қилув қарорини тайёрлаш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин».

Ҳар қандай ҳолда ҳам ҳал қилув қарорининг хулоса қисми ишни кўриш тамомланган мажлиснинг ўзидаёқ эълон қилиниши ва судья томонидан имзоланиб, ишга қўшиб қўйилиши шарт.

Айни бир вақтда суд ишда иштирок этаётган шахслар асослантирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишиб чиқишлари мумкинлигини ҳам эълон қилиши керак.

Ҳал қилув қарори процессуал ҳужжат сифатида тўрт таркибий қисмдан иборат бўлади. ФПКнинг 206-моддасига асосан ҳал қилув қарори кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида ҳал қилув қарори чиқарилган вақт ва жой, ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби, тарафлар, ишда иштирок этаётган бошқа шахслар кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида суд мажлиси иштирокчиларининг фамилияси, исми ва отасининг исми, иш очик ёки ёпиқ суд мажлисида кўрилгани ва қандай иш кўрилгани, иш қўзгатган шахс ва жавобгар кўрсатилиши керак.

Ҳал қилув қарорининг баён қисмида даъвогарнинг талаби яъни суд қарорининг предмети, суд текширган моддий - ҳуқуқий муносабат, ҳақиқий ҳолат ва шу билан бирга учинчи шахснинг талаблари, жавобгарнинг эътирозлари ва ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг тушунтиришлари кўрсатилиши керак.

Даъвогарнинг талаблари ва жавобгарнинг эътирозлари ишни кўриш ва ҳал қилиш бўйича суд фаолиятининг пировард натижасини белгилайди.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида даъво талаблари бўйича суднинг чиқарган хулосасига мазмунан тўлиқ ва асослантирилган жавоб ўз ифодасини топиши керак. Биринчилан, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида иш бўйича суд хулосасининг ҳақиқий ва ҳуқуқий моҳияти баён қилиниши лозим. Унда ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари ва бу хулосага асос бўлган далиллар, суднинг муайян далилларни рад қилишда асосланган хулосалар, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилиши лозим. Иш ҳолатларини баён қилганда, суд

текширилган фактлардан ишнинг фақат ҳақиқий мавжуд бўлган ҳолатларини ва тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини олади.

Иккинчидан. суд жараёнида тўпланган ва текширилган далилларни таҳлил қилиш ва уларга тўғри баҳо бериш ҳал қилув қароридаги асослантирувчи қисмнинг таркибий элементи ҳисобланади. Ҳал қилув қарори фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланган бўлиши керак. Ҳал қилув қарорининг сифати, унинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши тўпланган далилларнинг тўлалигига, иш ҳолатининг тўлиқ аниқланганлигига, суд хулосаларининг иш ҳолатларига мувофиқлигига боғлиқ.

Учинчидан. ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида, низолашилаётган ҳуқуқий муносабатни ҳал қилишда ва даъвогарнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун татбиқ қилинган моддий ҳуқуқий норма албатта, кўрсатилиши шарт.

Шунингдек, тегишли суд назорат органларининг қонунларни татбиқ қилиш бўйича берган тушунтириш ва қўлланмаларига ҳавола қилиш лозим. Агар жавобгар арз қилинган талабни тан олса, асослантириш қисмида фақат арз қилинган талабнинг тан олинганлиги ва унинг суд томонидан қабул қилинганлиги кўрсатилиши мумкин.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суднинг арз қилинган талабларни қондириш ёхуд бутунлай ёки қисман рад этиш тўғрисидаги хулосаси, суд харажатларининг тақсимланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми қисқа ва аниқ қилиб тарафларнинг арз қилган талабларига жавоб бериши: қайси талаблар қаноатлантирилгани ва қайси талаблар рад қилингани, кимга ва қайси миқдорда, тўла ёки қисман қаноатлантирилгани ёки қисман рад этилгани кўрсатилиши керак.

Суд томонидан кўриш учун қабул қилинган қарши даъво ёки учинчи шахснинг мустақил талаби бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида, алоҳида ҳар бир талаб бўйича қилинган қарор кўрсатилиши шарт. Бундан ташқари ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида, суд қарорини ижро этиш тартиби ва ашёвий далиллар бўлса, уларнинг тақдирини ҳам ҳал қилиш лозим бўлади.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний, асосли ва адолатли бўлиши керак. Ишни кўришда суд даъвогарнинг арз қилган талаблари доирасидаги масалани ҳал қилиши ва фақат даъвогарнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиши зарур. Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда даъвогарнинг арз қилган талаблари доирасидан четга чиқишга йўл қўйилади.

Иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори ўқиб эшиттирилгандан сўнг шу қарорни чиқарган суднинг ўзи уни бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли эмас.

Ҳал қилув қароридаги имло хатолар ва очиқ кўриниб турган арифметик хатоларни ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этаётган шахсларнинг аризасига кўра суднинг ўзи тузатиши мумкин. Ҳал қилув қарорига тузатиш киритиш масаласи ишда иштирок этаётган шахсларга маълум қилиниб, суд мажлисида кўрилади ва ҳал қилинади.

Айрим ҳолларда қонун қўшимча ҳал қилув қарори чиқаришга рухсат беради.

ФПКнинг 214-моддасига асосан: ҳуқуқ тўғрисидаги масалани ҳал қилиб, ундириладиган сумма миқдорини, топширилиши лозим бўлган мулкни ёки жавобгар бажариши лозим бўлган ҳаракатларни суд ўз қарорида кўрсатмаган бўлса; арз қилинган талабларнинг бирортаси бўйича ишда иштирок этаётган шахслар далиллар келтирган ва тушунтиришлар берган бўлиб, лекин бу хусусда ҳал қилув қарори чиқарилмаган бўлса; ҳал қилув қарорида суд харажатларини тақсимлаш кўрсатилмай қолган бўлса, иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарган суд ишда иштирок этаётган шахсларнинг аризаларига мувофиқ ёки ўз ташаббуси билан қўшимча ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш масаласи ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай қўзғатилиши мумкин.

Ҳал қилув қарори тарафлар учун тушунарли бўлмаса, ишни ҳал қилган суднинг ташаббуси ёки ишда иштирок этаётган шахсларнинг аризасига биноан, мазмунини ўзгартирмасдан ва фақат ҳал қилув қарори ижро қилинмаган, мажбурий ижро қилдириш мумкин бўлган муддат ўтмаган ҳолларда, ҳал қилув қарорини тушунтириш мумкин бўлади.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг ижро этилади.

ФПКнинг 217-моддасига асосан, суднинг ҳал қилув қарори, агар унинг устидан шикоят берилмаган бўлса ёки протест келтирилмаган бўлса, кассация шикояти бериш ёки кассация протести келтириш муддати ўтгандан кейин қонуний кучга киради. Кассация шикояти ёки кассация протести берилган ишлар бўйича ҳал қилув қарори иш юқори инстанция суди томонидан кўрилиб, кучида қолдирилган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин тарафлар ва ишда иштирок этган бошқа шахслар, шунингдек уларнинг ҳуқуқий ворислари судга ўша талаблар билан, ўша асослар бўйича янгидан арз

қилишлари, процессда суд аниқлаган бошқа фактлар ва ҳуқуқий муносабатлар ҳақида низолашишлари мумкин эмас.

Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш. ФПКда сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш қоидалари ҳуқуқий томондан тартибга солинган.

«Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, - дейилади ФПКнинг 224-моддасида, - даъвогар эътироз билдирмаса, суд иш бўйича сиртдан ҳал қилув қарори чиқариши мумкин».

Иш бўйича жавобгар белгиланган тартибда суд мажлисининг бошланиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилингани тўғрисида ишда етарли маълумот бўлган тақдирда, суд ишни сиртдан кўриш ҳақида ажрим чиқаради.

Жавобгарнинг узрли ёки узрсиз ҳолда суд мажлисига келмаганлиги ишни сиртдан кўришга таъсир этмайди.

Агар ишда бир неча жавобгар иштирок этаётган бўлса, суд мажлисига улардан бири ёки айримлари келмаган тақдирда, келмаган жавобгарга нисбатан сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилишга йўл қўйилади.

Ишни сиртдан кўриш учун фақат даъвогарнинг розилиги талаб қилинади, холос.

Суд мажлисига келган даъвогар ишни жавобгарнинг иштирокисиз сиртдан иш юритиш тартибида кўришга розилик билдирмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдириб, келмаган жавобгарга ишни судда такрор кўриладиган вақти ва жойи ҳақида қайта хабар юборишга мажбур.

Иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилганда суд фақат ишда мавжуд бўлган далилларни текшириб, тарафларнинг важлари ва илтимосларини эътиборга олиб, даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартирмасдан, даъво талабларининг миқдорини қўлайтирмасдан ҳал қилув қарори чиқаради. Бу ҳал қилув қарори сиртдан чиқарилган, деб аталади.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида уни қайтадан кўриб чиқиш ҳақида ариза бериш муддати ва тартиби кўрсатилган бўлиши лозим.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси қарор чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмасдан суд мажлисига келмаган тарафга юборилиши керак.

Суд мажлисида иштирок этмаган тараф ўз навбатида ҳал қилув қарори чиқарилган кундан кейин ўн беш кун ичида уни қайтадан кўриб чиқиш ҳақида ариза билан мурожаат қилишга ҳақли. Умумий

тартибда ҳам белгиланган муддатида ҳал қилув қарори устидан шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этаётган шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда кўчирма нусхалари билан қарор чиқарган судга тақдим этилади.

Аризада қуйидагилар бўлиши керак:

- 1) сиртдан ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи;
- 2) ариза бераётган тарафнинг номи;
- 3) суд мажлисига узрли сабабларга кўра келмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, далиллар, шунингдек сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далиллар;

4) ариза берувчи тарафнинг илтимоси;

5) аризага илова қилинган материаллар рўйхати.

Ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза суд мажлисида иштирок этмаган тараф ёки унинг вакили томонидан имзо қилиниши керак.

Суд ариза ва унга илова қилинган материалларнинг кўчирма нусхаларини ишда иштирок этаётган шахсларга юбориб, уларни ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилади.

Ариза тушган пайтдан эътиборан ўн кун ичида тарафларнинг келган-келмаганидан қатъий назар, суд мажлисида кўрилиши ва ажрим чиқарилиши шарт.

Суднинг аризани қаноатлантирмаслик ҳақидаги ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин.

Агар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриш вақтида суд тарафнинг суд мажлисига келмаганлигига узрли сабаблар борлигини ва бу ҳақда судни ўз вақтида хабардор қилиш имконияти бўлмаганлигини ҳамда тараф сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиш мумкин бўлган далилларни тақдим қилаётганини аниқлаган тақдирда, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилади ва ишни мазмунан кўришни тиклайди. Иш умумий тартибда ФПКда назарда тутилган қоидалар асосида қайтадан кўрилади.

Биринчи инстанция судининг ажримлари. Биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарорлари ажрим шаклида чиқарилади. Мураккаб бўлмаган масалаларни ҳал қилганда суд ўз жойида ажрим чиқариши мумкин. Бундай ажрим суд мажлиси баённомасига киритилади. Аммо айрим жиддий масалаларни ҳал

қилиш учун суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кириб белгиланган тартибда ажрим чиқаради.

Суднинг ажримлари чиқарилиши билан дарҳол эълон қилинади.

Биринчи инстанция судининг алоҳида чиқарган ажримларида унинг чиқарилган вақти ва жойи, суднинг номи, судьянинг фамилияси, (ёки суд таркиби), суд мажлисининг котиби, ишда иштирок этаётган шахслар, низонинг предмети ва ажрим билан ҳал қилинаётган масаланинг мазмун-моҳияти, суднинг шундай хулосасига сабаб бўлган асослар ва суд қўллаган қонунлар, ҳал этилаётган масала юзасидан суднинг хулосаси ҳамда ажрим устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартиби ва муддати кўрсатилиши керак.

Суд томонидан ўз жойида чиқариладиган ажримда эса, низонинг предмети ва ажрим билан ҳал қилинаётган масаланинг мазмуни, суднинг хулосасига олиб келган асослар ва суд қўллаётган қонун ҳамда ҳал қилинаётган масала юзасидан суднинг хулосаси ўз аксини топиши керак.

IV - БОБ. ДАЪВО ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ

1. Даъво қўзғатиш

Даъво тушунчаси. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига асосан: «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади».

«Фуқаролик ҳуқуқлари, - дейилади ФКнинг 10-моддасида, - процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки холислар суди (бундан кейин - суд) томонидан ҳимоя қилинади.

Қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ҳуқуқлари маъмурий тартибда ҳимоя қилинади. Маъмурий тартибда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин».

Ҳамма судларнинг фаолияти маълум бир процессуал тартибда ўтади ва ҳар бир процессуал ҳимоя тартиби ўзига хос бўлган ҳар хил процессуал воситалар билан амалга оширилади.

Фуқароларнинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича суд фаолиятини амалга оширишнинг асосий воситаси даъво ҳисобланади.

Фуқаролик процесси фуқаролик субъектив ҳуқуқини ҳимоя қилишни амалга ошириш шакли сифатида ҳаммадан аввал, даъво йўли билан ҳимоя қилишга қаратилган.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби фақатгина ҳуқуқ бузилган ёки бузилиш эҳтимоли бўлган ҳолларда вужудга келади.

Фуқаролик ҳуқуқлари судда даъво ишларини юритиш тартибда, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш ва алоҳида тартибда иш юритиш билан ҳимоя қилинади.

ФПКнинг 239-моддасига асосан судда даъво ишларини юритиш тартибда қўриладиган ишлар жумласига фуқаролик,

муносабатларидан, меҳнатга, оилага ва уй-жойга доир, низолар уларни кўришнинг ўзгача тартиби қонун ҳужжатларида белгиланмаган бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган даъволар бўйича ишлар киради.

Тарафлар ўртасида ҳуқуқий муносабатнинг аниқ бўлмаганлиги оқибатида ҳуқуқнинг бузилиш эҳтимоли вужудга келади. Бундай ҳолларда даъвогар суд орқали жавобгар билан унинг ўртасидаги маълум ҳуқуқий муносабатни белгилашни талаб қилади. Масалан, никоҳсиз туғилган болага нисбатан оталикни белгилаш ёки никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш. сингари даъво ишларида даъвогар билан жавобгар ўртасида, аввало, ҳуқуқий муносабат белгиланади ва улар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади ёки бекор бўлади.

Фуқароларнинг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида даъво, шахснинг одил судловни амалга ошириш тўғрисидаги судга қилган талабини бажариш бўйича юридик ҳаракат ҳисобланади.

Демак, даъво фуқароларнинг субъектив ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш воситасидир.

Шундай қилиб, фуқаронинг суд олдида қўйган талаби даъво бўлиши учун албатта, манфаатдор шахс судга мурожаат қилиши ва бу мурожаат, албатта, маълум бир моддий-ҳуқуқий талаб билан жавобгарга қаратилган бўлиши керак.

2. Даъвонинг элементлари ва турлари

Даъвонинг хусусийлигини ажратиб турувчи, унинг мазмун-мундарижасини белгиловчи таркибий қисми даъвонинг элементлари ҳисобланади.

Асосан, даъво икки мустақил элементдан, яъни предмет ва асосдан ташкил топади.

Даъвонинг предмети даъвогарнинг талаби қаратилган нарса ёки ҳолатдир. Даъвогар суд ҳимоясини, унинг қарори чиқарилишини талаб қилади, яъни даъвогарнинг моддий-ҳуқуқий талаби даъвонинг предметини ташкил қилади. Бу талаб жавобгарни муайян бир ҳаракатни содир қилишга мажбурлаш ёки маълум бир ҳаракатни содир этишдан тийишдан иборат.

Даъвонинг асоси даъвогарнинг даъво талабидан келиб чиқадиган иш ҳолати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 149-моддасида ҳар бир даъво аризасининг мазмунида даъвогар, албатта, ўзининг талабларига асос қилиб элаётган ҳолатларни кўрсатиши шарт, деб белгиланган.

Ишнинг ҳолати деганда, моддий ҳуқуқий нормалар муайян ҳуқуқий оқибатни, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтириши, ўзгартириши ёки бекор қилиши тушунилади.

Қонунда даъвогар даъво талабларига асос қилиб кўрсатилган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далилларни кўрсатиши шартлиги белгиланган, аммо талабни ифода этувчи моддий ҳуқуқий нормани кўрсатиш талаб этилмайди. Суднинг ўзи тегишли ҳуқуқий нормаларни татбиқ қилиши керак.

Бу деган сўз даъвонинг асоси моддий ҳуқуқ нормалари билан боғланмаган дегани эмас. Аҳоли ўртасида ҳали етарли даражада моддий ҳуқуқ нормаларининг ўзлаштирилмаганлиги, ҳуқуқий саводхонликнинг даражаси пастлиги бунга имконият яратмайди.

Ташкилотлар томонидан ёки прокурор томонидан қўзғатиладиган даъво ишларида, албатта, даъвонинг ҳуқуқий асоси кўрсатилиши шарт.

Демак, даъвонинг мазмуни унинг предмети ва асоси билан белгиланади ва даъвогарнинг суд олдига қўйилган талабидан иборат бўлади.

Суднинг олдига қўйилган талаб икки турда бўлиши мумкин. Биринчидан, даъвогар суд олдига жавобгардан маълум бир нарсани, предметни, маблағни ундириб - бериш талабини қўяди. Даъвогар ундириб бериш ҳақидаги даъво аризасида, аввало, низолашилаётган ҳуқуқга бўлган талабни қондиришни ва жавобгарни муайян ҳаракатни бажаришга ёки маълум ҳаракатдан тийишга мажбур қилишни сўрайди. Бундай даъволар бўйича суднинг қарорлари талаб қилинганда, мажбурий равишда суд ижрочиси томонидан бажарилиши мумкин.

Иккинчидан, даъвогар суд олдига жавобгар билан унинг ўрталаридаги ҳуқуқий муносабатларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини белгилаб бериш талабини қўяди.

Бундай даъволар бўйича даъвогарнинг ҳаракати низолашилаётган ҳуқуқий муносабатнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини суд томонидан аниқлашга қаратилган бўлади.

Масалан, никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича даъвогар суд олдига жавобгардан бирон - бир нарсани олиб беришни эмас, балки ўзининг субъектив ҳуқуқининг эътироф этилишини, жавобгар эса тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олишини талаб қилади.

Даъвонинг бу тури бўйича даъвогар ўзининг жавобгар олдида мажбурияти йўқлигини тасдиқлаб беришни суддан талаб қилади.

Даъволарнинг процессуал томондан турларга бўлиниши билан бир қаторда, уларни моддий томондан ҳам, яъни низолашилаётган ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунига қараб, фуқаролик, оилавий, меҳнат ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан даъволарга бўлиш мумкин.

3. Даъвога бўлган ҳуқуқ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Даъвога бўлган ҳуқуқ барча Ўзбекистон фуқароларига ва юридик шахс бўлган ташкилотларга берилган. Бундан ташқари чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл ташкилотлари ҳам Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар ва ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаролик - процессуал ҳуқуқлардан Ўзбекистон фуқаролари билан баббаравар фойдаланадилар.

Шундай қилиб, даъвога бўлган ҳуқуқ даъвогарнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини, жавобгар билан мавжуд бўлган моддий ҳуқуқий низони ва ҳал қилиш тўғрисидаги талаб билан манфаатдор шахснинг судга мурожаат қилиш имкониятини қонун билан таъминлашдир.

Даъвогар судга даъво талаби билан мурожаат қиларкан у ўзининг даъво қилишга ҳуқуқи борлиги ва даъвоси, албатта, қаноатлантирилишини назарда тутати. Шунинг учун даъвога бўлган ҳуқуқ икки ваколатни ўз ичига олади, биринчидан, даъво қилишга бўлган ҳуқуқ ва иккинчидан, даъвони қаноатлантиришга бўлган ҳуқуқ. Даъвога бўлган ҳуқуқнинг бу икки ваколоти бирлашиб суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқни ташкил этади. Чунки даъво қилиш ҳуқуқи бўлмаса, даъвони қаноатлантириш ҳуқуқи ҳам бўлмайди.

Судга даъво ариза билан мурожаат қилиш учун даъвогар ҳам, жавобгар ҳам процессуал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши шарт. Барча фуқароларнинг фуқаролик - процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқатининг тенглиги ФПКнинг 37-моддасида белгиланган.

Даъво қўзғатишга бўлган ҳуқуқ суд жараёнида тараф бўлиб иштирок этиш лаёқати билан боғлиқ. Агар даъво ариза даъвогарнинг ўзи томонидан эмас, балки унинг қонуний вакили томонидан берилган бўлса ҳам даъвогарнинг суд йўли билан ҳимояланиш ҳуқуқи амалга оширилади.

Суд органларига тааллуқли бўлмаган ишлар бўйича манфаатдор шахснинг даъво қўзғатишга ҳуқуқи йўқ.

Айрим вақтда даъво қўзғатишга бўлган ҳуқуқ қонунда белгиланган маълум бир ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бўлади. Масалан, ФПКнинг 152-моддасида назарда тутилган ҳолларда даъво аризани қабул қилиш рад қилинади:

4. Даъво ишларининг судловга тааллуқлилиги

Судларда фуқаролик, меҳнатга доир, оила ва уй-жой муносабатлари ҳамда бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган даъволар, агар қонун ҳужжатлари билан уларни кўришнинг ўзгача тартиби белгиланган бўлмаса, даъво ишларини юритиш тартибида кўрилади.

Даъво ишлари, қонунда назарда тутилган айрим истисно ва қўшимчалар билан бирга фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қоидаларига мувофиқ кўрилади.

Даъво ишларини юритиш тартибида фуқаролик ишлари асосан туман (шаҳар) судларида биринчи инстанция бўйича кўрилиб ҳал қилинади.

Даъво аризалари жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги туман (шаҳар) судига берилади. Ташкилотларга нисбатан даъво аризалар уларнинг органлари жойлашган ҳудуддаги судга берилади.

Даъво ишлари даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тааллуқлилиқ, келишилган судловга тааллуқлилиқ, қарши даъвонинг судловга тааллуқлилиги, жиноят туфайли етказилган зарарлар тўғрисидаги фуқаролик ишининг судловга тааллуқлилиги асосида кўрилади. Бундан ташқари судловга тааллуқлилиқнинг алоҳида ҳоллари ҳам мавжуд.

Судловга тааллуқлилиқ, деб умуман суд тартибида кўриладиган даъво ишларининг маълум бир суд органига тегишлилигига айтилади.

Фуқаролик - процессуал ҳуқуқи ҳар бир муайян фуқаролик ишини қайси суд кўриб, ҳал қилиши лозимлигини унинг айрим ўзига хос хусусиятларига қараб белгилайди.

Ишнинг судловга тааллуқлилиги даъво предмети, ишнинг характери, низолашилаётган моддий ҳуқуқий муносабатнинг субъектлари, айрим ҳолларда эса даъвонинг сумма миқдорига боғлиқ бўлади.

Ишнинг судловга тегишлилиги муайян суднинг фаолияти ҳаракат қилаётган ҳудудга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексида, асосан, барча судга тааллуқли фуқаролик ишлари биринчи инстанция тартибида туман (шаҳар) судларида кўрилади.

Вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди ўз ҳудудларидаги туман (шаҳар) судидан, алоҳида ҳолатларда, ҳар қандай фуқаролик ишини олиб, биринчи инстанция суди сифатида ўзининг юритишига қабул қилиб олишга ёки бир суддан бошқа тегишли судга ўтказишга ҳақли.

Яшаш жойи номаълум бўлган ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш жойи бўлмаган жавобгарга нисбатан фуқаролик ишини унинг мол-мулки турган жойда ёки унинг маълум бўлган сўнги яшаган жойидаги судда қўзғатиш мумкин.

Алимент, нафақа ундириш тўғрисидаги, оталикни белгилаш ҳақидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиқга бошқача тарзда шикаст етганлик ёхуд боқувчисини йўқотганлик оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар даъвогарнинг ўзи яшаб турган жойдаги судга берилиши ҳам мумкин.

Фуқаронинг ёки юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар зарар етказилган жойдаги судга берилади.

Юридик шахснинг филиали фаолиятдан келиб чиқадиган даъволар шу филиал жойлашган манзилдаги судда кўриб чиқилиши мумкин.

Кемалар тўқнашуви натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги, шунингдек сувда сузишда ёрдам берганлик ва қутқарганлик учун ҳақ ундириш тўғрисидаги даъво ишлари жавобгарнинг кемаси турган ёки кема рўйхатга олинган бандаргоҳ жойлашган жойдаги судларда кўрилади.

Турли жойларда яшовчи ёки турувчи бир неча жавобгарга нисбатан, шунингдек турли манзилда жойлашган юридик шахсга нисбатан даъволар даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарнинг бири яшайдиган ёки жавобгар юридик шахс жойлашган манзилдаги судда кўриб чиқилади.

Гайриқонуний ҳукм қилиш, гайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида гайриқонуний қамоққа олиш, ҳибсга олиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари тарзида гайриқонуний маъмурий жазо қўллаш натижасида фуқарога етказилган зарар ўрнини қоплаш билан боғлиқ бўлган меҳнат, пенсия ва уй-жойга доир бузилган ҳуқуқларини тиклаш, мол-мулкни ёки унинг қийматини қайтариб бериш тўғрисидаги даъволар даъвогарнинг яшаш жойидаги судда қўзғатилиши мумкин.

Агар даъвогарнинг вояга етмаган болалари борлиги, шунингдек, ногиронлиги ёки оғир касаллиги туфайли жавобгар яшаб турган жойдаги туман (шаҳар) судига ариза беришга имконияти бўлмаган ҳолларда, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъволар даъвогарнинг яшайдиган жойида кўрилади.

Бедарак йўқолган деб ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги, руҳий касаллиги, ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз, деб топилган шахслар, шунингдек, уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар билан никоҳни

бекор қилиш ҳақидаги даъволар, даъвогарнинг хоҳишига қараб, унинг яшаш жойида кўрилиши мумкин.

ФПКнинг 242-моддасида судловга тааллуқлилиқнинг алоҳида ҳоллари ҳам белгиланган.

1. Иморатга бўлган ҳуқуқ тўғрисида даъволар, мол-мулкни хатлашдан чиқариш ҳақидаги даъволар, ер майдонидан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги даъволар иморат ва мол-мулк турган жойдаги ёки ер майдони жойлашган ҳудуддаги суднинг судловига тааллуқлидир.

2. Меросхўрлар томонидан мерос қабул қилингунгача мерос қолдирувчининг кредиторлари томонидан кўзгатиш даъволар мерос мол-мулк ёки унинг асосий қисми жойлашган жойдаги суднинг судловига тегишлидир.

3. Йўловчилар, юк ёки багаж ташиш шартномасидан келиб чиқадиган юк ташувчига нисбатан даъволар белгиланган тартибда талаб (претензия) қўйилган транспорт ташкилотининг органи жойлашган жойда кўзгатилади.

Айрим ҳолларда тарафларнинг келишуви билан ҳам даъвони қайси судда кўриш масаласи ҳал қилинади.

Тарафлар ўзаро келишиб, муайян иш учун ҳудудий судловга тааллуқлилиқни ўзгартиришлари мумкин. Аммо ФПКнинг 242-моддасида белгиланган махсус даъво ишлари бўйича мутлоқ судловга тегишлилик тарафларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас (ФПКнинг 243-модда).

Жиноят ишларидан келиб чиқадиган фуқаролик даъво ишлари, жиноят иши кўриладиганда арз қилинмаган бўлса ёки ҳал этилмай қолган бўлса, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида кўриш учун фуқаролик ишларининг судловга тегишлилигига доир умумий қоидаларга биноан кўзгатилади.

Фуқаролик иши бўйича суднинг ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар жавобгар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқилиши учун даъвогарга нисбатан қарши даъво кўзгатишга ҳақли.

Қарши даъво ўзининг судловга тааллуқлилигидан қатъий назар, дастлабки даъво кўриладиган жойдаги судда кўриб чиқилади. Даъвогар-жавобгар, жавобгар эса даъвогар бўлиб иштирок этади.

Қарши даъво куйидаги ҳолларда судья томонидан қабул қилиб олинishi шарт;

1) қарши даъво дастлабки даъвони қоплашга қаратилган бўлса;

2) қарши даъвонинг қондирилиши дастлабки даъвонинг қондирилишини тўлиқ ёки қисман истисно этса;

3) қарши даъво билан дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғланиш мавжуд бўлиб, уларни бирга кўриш низони тезроқ ва тўғри ҳал қилинишига ёрдам берса.

5. Даъвони таъминлаш

Даъвони таъминлаш деганда суд томонидан иш бўйича қабул қилиниши эҳтимоли бўлган ҳал қилув қарорининг бажарилишини кафолатловчи процессуал қонунда назарда тутилган чораларнинг кўрилиши тушунилади.

Даъвони таъминлаш чораларини кўрмаслик суд чиқарган ҳал қилув қарорининг ижросини қийинлаштириши ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиш эҳтимоли бўлган ҳолларда даъвони таъминлашга йўл қўйилади (ФПКнинг 248-модда).

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза ишни кўраётган судья томонидан ариза тушган куниёқ жавобгарни ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни хабардор қилмаган ҳолда ҳал қилинади (ФПКнинг 250-моддаси). Бу ҳақдаги судьяни ажрими суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш учун белгиланган тартибда дарҳол ижро этилади.

Судья ишда иштирок этаётган шахсларнинг илтимосига биноан ёки ўз ташаббуси билан ҳал қилув қарори чиқарганга қадар иш кўришнинг хоҳлаган ҳолатида даъвони таъминлаш чораларини амалга ошириши мумкин.

ФПКнинг 249-моддасига асосан даъвони таъминлаш чоралари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1) жавобгарга тегишли бўлган ва унинг ўзида ёки бошқа шахсда турган мол-мулк ёхуд пул суммасини хатлаш;

2) жавобгарнинг муайян ҳаракатларни амалга оширишини таъқиқлаш;

3) бошқа шахсларнинг жавобгарга мол-мулк беришини ёки унга нисбатан бошқа мажбуриятларни бажаришни таъқиқлаш;

4) мол-мулкни хатлашдан чиқариш тўғрисида даъво қўзғатилган тақдирда, уни сотишни тўхтатиш;

5) агар қарздор ижро ҳужжати юзасидан даъво тартибда низолашаётган бўлса ва бундай низолашишга қонун ҳужжатларида йўл қўйилса, бу ҳужжат бўйича ундиришни тўхтатиш;

алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етганлик тўғрисидаги, шунингдек боқувчисининг ўлими оқибатида етказилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги, ўзгалар мол-мулкни талон-тарож ва ўғирлаш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволардан бошқа ҳолларда даъвогарнинг иш ҳақини, даромадини, пенсия ва стипендиясини хатлашга йўл қўйилмайди.

Зарур ҳолларда суд даъвони таъминлаш чорасининг бир неча турларини қўллаши мумкин, аммо уларнинг умумий суммаси

даъвонинг баҳосидан ошиб кетмаслиги керак. Шунингдек, судда иштирок этаётган шахсларнинг тушунтиришларини эшитгач, суд даъвони таъминлаш чорасининг бир турини бошқа бир тури билан алмаштириши мумкин.

Даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш масаласи ишда иштирок этаётган шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида ҳал этилади, бироқ уларнинг келмаслиги масалани кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Пул суммасини ундириш тўғрисидаги даъвони таъминлашда жавобгар қўлланилган таъминлаш чоралари ўрнига даъвогар талаб қилаётган суммани суднинг депозит ҳисоб варақасига ўтказишга ҳақли.

ФПКнинг 253-моддасида даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги судьянинг ажрими билан муайян ҳаракатларни амалга оширилишини таъқиқлаш ва бошқа шахсларнинг жавобгарга мол-мулк беришини ёки унга нисбатан бошқа мажбуриятларни бажаришини таъқиқлаш тўғрисидаги талабларга риоя этмасликда айбдор бўлган шахсларга суднинг ажрими билан энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиш назарда тутилган. Шу билан бирга даъвогар бу шахслардан суднинг даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримини бажармаганликлари оқибатида ўзи кўрган зарарни умумий тартибда ундириб олишга ҳақли.

Даъво рад қилинган тақдирда, даъвони таъминлаш чоралари суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар сақланади. Бироқ, суд ҳал қилув қарори билан бир вақтда ёки қарор чиқарилгандан сўнг даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Даъвони таъминлаш чоралари ишни кўраётган суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

Суд даъвони таъминлаш билан бирга жавобгарга етказилиши мумкин бўлган зарарнинг ўрнини қоплашни даъвогардан талаб қилиши мумкин.

Жавобгар эса, даъвони рад қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг даъвогарнинг илтимоси билан даъвони таъминлаш чоралари кўрилгани натижасида ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни даъвогардан талаб қилишга ҳақли.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим устидан берилган хусусий шикоят ёки хусусий протест бу ҳақдаги ажримнинг ижросини тўхтатмайди. Аммо даъвони таъминлаш ёки даъвони таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш тўғрисидаги суднинг ажримлари устидан берилган хусусий шикоят ёки хусусий протест бу ажримларнинг ижросини тўхтатиб қўяди.

6. Даъво ишларини кўришнинг хусусиятлари

Айрим тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича даъво ишлари юритишнинг ўзига хос хусусиятлари қонунда белгилаб қўйилган.

1. Меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни судда кўришда тараф сифатида фуқаролар, яъни ходим ва юридик шахс ёки иш берувчи, ташкилот, муассаса ва корхоналар иштирок этадилар.

Меҳнат кодексига асосан 16 ёшга, айрим ҳолларда ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма розилиги билан 15 ёшга тўлган шахслар, иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари бўлиши мумкин.

Корхоналар, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ўз раҳбарлари тимсолида, мулкдорнинг ўзи айтиб бериш вақтида раҳбар бўлган хусусий корхоналар, ўн саккиз ёшга тўлган айрим шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, иш берувчилар бўлиб ҳисобланадилар.

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, ҳаққоний меҳнат шартлари асосида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир ходим ўзининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шу жумладан суд орқали ҳимоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш, жамоаларга доир меҳнат низоларида ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир.

Шунингдек иш берувчи, ўз ваколати доирасида мустақил равишда корхонани бошқариш ва қарорлар қабул қилиш, ўз манфаатларини ҳимоялаш учун судга мурожаат қилишга ҳақли.

Меҳнат кодексининг 269-моддасига асосан қуйидаги ҳолларда меҳнат низолари бевосита туман (шаҳар) судларида кўриб чиқилади:

- 1) агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;
- 2) агар меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъий назар, ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;
- 3) ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарнинг тўланиши ҳақида бўлса;
- 4) меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида;

5) Меҳнат кодексининг 78-моддасида назарда тутилган ишга қабул қилиш гайриқонуний равишда рад этилганлиги ҳақидаги;

6) иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиққан ва булардан ташқари ҳар қандай меҳнат муносабатларидан келиб чиққан низолар ҳам ходимнинг хоҳишига кўра бевосита туман (шаҳар) судларида кўрилиши мумкин.

Меҳнат низолари комиссиясида кўрилмаган, деган важ билан ходимнинг меҳнат низоли ҳақидаги аризасини кўриб чиқишни рад этишга йўл қўйилмайди.

ФПКнинг 259-моддасига асосан, меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинган ёки бошқа ишга ўтказилган ходимларни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини тўхтатишга ёки бошқа ишга ўтказишга фармойиш берган мансабдор шахсни учинчи шахс сифатида ишда иштирок этиш учун жавобгар томонига жалб қилиши шарт.

Суд меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ёки бошқа ишга ўтказиш очиқдан-очиқ қонунга хилоф бўлганлигини аниқласа, шу процесснинг ўзидаёқ айбдор мансабдор шахс зиммасига мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган иш бажарилган вақт учун ҳақ тўлаш натижасида ташкилотга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятини юклайди. Бундай ҳолларда мансабдор шахсдан ундириладиган сумманинг миқдори меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатларига биноан белгиланади.

2. Никоҳни бекор қилиш ҳақидаги ишлар билан бирга эр-хотинлик муносабатларидан келиб чиқадиган айрим низолар кўриб чиқиши қонун билан ман қилинган.

«Эр-хотиннинг мулкни бўлиш ҳақидаги талаби, - дейилади ФПКнинг 260-моддасида, - агар бу низоли тўғри ҳал қилиш учун ишга учинчи шахсни жалб қилиш зарур бўлса, никоҳни бекор қилиш ҳақидаги иш билан бирга кўрилиши мумкин эмас».

Бундан ташқари алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича айрим ҳолларда жавобгарнинг судга келиши зарур ҳисобланади.

Алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгар суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаган ҳолларда, унинг судга келиши шарт, деб чиқарган ажрими билан у мажбурий тартибда келтирилади ва унга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

Алиментлар ундириш тўғрисидаги ишларни кўрган вақтида суд, зарур ҳолларда, ишни ҳал қилгунга қадар тарафларнинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, эр (хотин) ўз хотинини (эрини) боқишга қанча миқдорда вақтинча маблағ тўлаб туриши лозимлиги, болаларни

боқиш ва тарбиялашга эр-хотиндан қайси бири ва қанча миқдорда вақтинча маблағ бериб туриши лозимлиги, шунингдек, болалардан қайси бири ота-оналарини боқишга қанча миқдорда вақтинча маблағ бериб туриши лозимлиги тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли. Суднинг бундай ажрими дарҳол ижро этилади.

3. Бир неча даъвогарнинг фойдасига чиқариладиган ҳал қилув қарорида суд бу қарор улардан ҳар бирига қандай улушда тегишли эканлигини кўрсатиши керак.

Бир неча жавобгарга қарши чиқариладиган ҳал қилув қарорида суд улардан ҳар бири ҳал қилув қарорини қандай улушда бажариши кераклигини ёки улар шерик жавобгар эканлигини алоҳида кўрсатиши керак.

V - БОБ. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР,
ШУНИНГДЕК МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ҲАТТИ-
ҲАРАКАТЛАРИ (ҚАРОРЛАРИ) УСТИДАН
БЕРИЛГАН ШИКОЯТ ВА АРИЗАЛАР
БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

1. Умумий қоидалар

Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш суд иш юритишининг мустақил турларидан ҳисобланади. Бундай иш юритишнинг мақсад ҳамда вазифаси маъмурий фаолият юзасидан назорат қилиш учун фуқаролик-процессуал тартибдан фойдаланишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан, давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Республика Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

«Давлат, унинг органлари, - мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар» (Конституциянинг 15-моддаси).

Барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришлари лозим.

Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят бериш ҳуқуқи кафолатланади (Конституциянинг 44-моддаси) ва фуқаролик суд иш юритишининг бу турига конституциявий характер берилади.

Даъво ишларини юритишдан бу хилдаги иш юритишнинг фарқи унинг предметидадир. Даъво ишлари юритишда суд фаолиятининг предмети фуқаролик ҳуқуқ ҳақидаги низо ҳисобланади ва унинг субъектлари бир бири билан юридик тенг муносабатларда бўладилар. Бу турдаги иш юритишда эса, судда иш кўришнинг предмети бўлиб давлат органи ёки мансабдор шахс билан унга бўйсунган шахс ўртасидаги муносабатлар ҳисобланади.

ФПКнинг 264-моддасида белгилаб қўйилганидек, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларга қўйидагилар киради:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан берилган шикоятлар;

2) нотариуснинг, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органларининг ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги ёхуд уларни нотўғри бажарганлиги устидан берилган шикоятлар;

3) прокурорнинг ҳуқуқий актни гайриқонуний, деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишлар.

Санаб ўтилган ишларни судлар томонидан кўришда ФПКнинг 26, 27, 28, ва 29-бобларида назарда тутилган қоидалар ва қўшимчалар билан биргаликда фуқаролик суд ишлари юритишнинг умумий қоидалари татбиқ этилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига, фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириши йўлида тўсқинликлар вужудга келишига, фуқаро зиммасига бирорта гайриқонуний мажбурият юклатилишига ёки унинг гайриқонуний равишда бирор-бир жавобгарликка тортилишига сабаб бўлган давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳайъат таркиби томонидан ҳамда яқка тартибда амалга оширилган ҳатти-ҳаракатлари, чиқарган қарорлари судга шикоят қилиниши мумкин бўлган ҳатти ҳаракатлар жумласига киради.

Шикоят фуқаронинг хоҳишига кўра бевосита ўзи яшаб турган жойдаги судга ёки гайриқонуний қарор чиқарган давлат органи ва бошқа орган ёхуд мансабдор шахснинг иш жойи жойлашган ҳудуддаги судга берилади.

Судья шикоятни кўриб чиқиш учун қабул қилиб олгандан сўнг қўйидаги ҳаракатларни бажаради:

1) тегишли органлар ва мансабдор шахслардан зарур ҳужжатларни талаб қилиб олади;

2) фуқаронинг илтимоси ёки ўзининг ташаббуси билан шикоят қилинган ҳатти-ҳаракатларнинг (қарорларнинг) ижросини тўхтатиш масаласини ҳал этади.

2. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят

ФКнинг 12-моддасига асосан, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланидиган

манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин ва бузилган ҳуқуқ белгиланган тартибда ҳимоя қилиниш керак.

Фуқаро ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан бевосита судга ёки буйсунув тартибда юқори турган органга, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли.

Шунингдек, шикоят ҳуқуқи ва эркинлиги бузилган фуқаро ёки унинг вакили, шунингдек фуқаронинг илтимосига биноан тегишли равишда қонун билан ваколат берилган жамоат бирлашмаларининг, меҳнат жамоасининг вакили томонидан берилиши мумкин.

«Ҳарбий хизмачи, - дейилади ФПКнинг 269-моддасида, - ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузаётган ҳарбий бошқарув органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан қонунда назарда тутилган тартибда ҳарбий судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли».

Юқорида турган буйсунув тартибдаги орган ва мансабдор шахслар шикоятни бир ой муддат ичида кўриб чиқишлари шарт. Фуқаронинг шикоятига рад жавоб берилган ҳолда ёки шикоят берилган кундан эътиборан бир ой ичида жавоб олинмаган тақдирда, фуқаро шикоят билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

ФПКнинг 270-моддасида судга шикоят билан мурожаат қилиш муддатлари белгилаб қўйилган.

Судга шикоят билан мурожаат қилиш учун қуйидаги муддатлар белгиланган:

1) фуқарога ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги маълум бўлган кундан эътиборан уч ой;

2) фуқаро юқори органдан, мансабдор шахсдан шикоятини қаноатлантириш рад этилганлиги тўғрисида ёзма маълумот олган кундан эътиборан бир ой ёки фуқаро ўзининг шикоятига қонунда белгиланган муддатда ёзма жавоб олмаган бўлса, шикоят берилган кундан эътиборан бир ой ўтгандан кейин берилиши мумкин.

Шикоят бериш муддати узрли сабабларга кўра ўтказилиб юборилган тақдирда суд бу муддатни шикоятчининг илтимосига асосан тиклаши мумкин.

Суд фуқаронинг берган шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳал қилув қарори чиқаради.

Суд шикоятнинг асосли эканлигини тасдиқловчи далиллар етарли, деб топиб, уни қаноатлантириш тўғрисида хулосага келса, шикоятни келиб чиқишига сабаб бўлган ҳатти-ҳаракатни ёки қарорни ғайриқонуний, деб топади, аввало жавобгар томонга фуқаронинг талабини қаноатлантириш вазифасини юклайди ва унга нисбатан қўлланган жавобгарлик чораларини бекор қилади ёки унинг бузилган

ҳуқуқлари ва эркинликларини ФКнинг 11-моддасида белгиланган усуллар билан тиклайди.

Шикоятга сабаб бўлган ҳатти-ҳаракатларни ёки қарорни қонуний ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилмаган, деб топган тақдирда, суд шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай унинг кўчирмаси ҳар икки томонга, тегишли орган ёки мансабдор шахсга, шунингдек шикоят берган фуқарога юборилиши керак.

Ҳатти-ҳаракати ёки қарори устидан шикоят берилган орган ёки мансабдор шахс ҳал қилув қарорининг ижроси ҳақида қарорни олгандан кейин бир ойдан кечиктирмай судга ва шикоят берган фуқарога маълум қилиши шарт. Суднинг ҳал қилув қарорини ижро этмаган мансабдор шахсга нисбатан ФПКнинг 381-моддаси тартибида энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиниши ва ҳал қилув қарорини бажариш учун янги муддат тайинланиши керак.

Сайлов комиссиясининг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятларни кўриш муддати ва тартиби ФПКнинг 272-моддасида кўрсатилган.

3) Фуқаро ўзининг сайловга иштирок этишга бўлган шахсий ҳуқуқини ҳимоя қилиб, сайловчилар рўйхатидан тушиб қолганлиги ёки нотўғри рўйхатга олинганлиги, шунингдек фамилияси, исми ва отасининг исми нотўғри ёзилганлиги ва бошқа масалалар бўйича судда иш қўзғатиши мумкин. Шу билан бирга бошқа шахслар ҳамда прокурор ҳам ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Шикоят тегишли сайлов участкаси жойлашган судга берилиши керак. Суд туман ҳокими томонидан шикоятга рад жавоби берилган ҳолдагина шикоятни қабул қилади.

Сайлов комиссиясининг ҳатти-ҳаракатлари ёки қарорлари устидан берилган шикоятлар суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқиши, агар сайлов кунига олти кундан кам вақт қолган бўлса, шикоят дарҳол кўрилиши керак.

Шикоят суд томонидан тегишли ариза берган шахс, шикоят дахлдор бўлган шахс, сайлов комиссиясининг вакили ва прокурорнинг иштирокида кўрилиши шарт.

Суднинг бундай ҳал қилув қарори чиқарилиши биланоқ дарҳол тегишли сайлов комиссиясига ва шикоят берган фуқарога юборилиши керак. Ҳал қилув қарори дарҳол қонуний кучга киради ва унинг устидан шикоят ёки протест кассация тартибида берилмайди.

Амалиётда, бундай шикоятларнинг судда кўрилиш ҳоллари деярли учрамайди. Одатда, сайловчилар рўйхатларида йўл қўйилган камчиликлар сайлов комиссиялари томонидан ўз вақтида тузатилади.

Бу масалаларни судда кўриш тартибининг қонунда белгилаб қўйилганлиги фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий кафолат ҳисобланади.

3. Нотариуснинг, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органининг муайян ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги ёки нотўғри бажарганлиги устидан шикоятлар

«Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, нотариус ўзига мурожаат қилган барча шахслар учун қонунда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, битим ва аризаларнинг лойиҳаларини тузиш, ҳужжатларнинг нусхаларини ва улардан кўчирмаларни тайёрлаш, шунингдек нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилишига доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш, жисмоний ва юридик шахслардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Нотариус, жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериши, томонларга тақдим этилган битимлар лойиҳаларини мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириши, битимлар мазмуни томонларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш - келмаслигини текшириши, юридик жиҳатдан беҳабар юридик ва жисмоний шахслар зарарига фойдаланилмаслиги учун амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида уларни огоҳлантириши, қонун ҳужжатларига мос келмайдиган нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиши, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонунчилик бузилганлигини аниқлаган тақдирда, зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли корхона, муассаса ташкилотларга ёки прокурорга бу ҳақда хабар қилиши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, мерос ёки ҳадя тартибида ўтаётган мол-мулкдан ундириладиган солиқни ҳисоблаб чиқиш учун фуқароларнинг мулкига айланаётган мол-мулкнинг қиймати тўғрисида солиқ органига маълумотнома бериши шарт («Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси).

Мансабдор шахс томонидан бажарилган нотариал ҳаракатларни ёки қонун билан белгиланган нотариал ҳаракатни бажариш рад

этилганлигини нотўғри, деб ҳисоблаган манфаатдор шахс судга шикоят билан муурожаат қилишга ҳақли.

Бундай ишлар шикоят қилинаётган нотариал ҳаракатни амалга оширган орган жойлашган ҳудуддаги судда кўрилади.

Мансабдор шахслар томонидан васиятномалар ва ишонч қоғозларни тасдиқлаш вақтида йўл қўйилган камчиликлар ёки уларни тасдиқлаш рад этилганлиги устидан берилган шикоятлар тегишли даволаш ва даволаш - профилактика муассасаси, санаторий, қариялар ва ногиронлар уйи, экспедиция, ҳарбий даволаш муассасаси, ҳарбий қисм, қўшилма, ҳарбий ўқув юрти, жазони ижро этиш жойи ўрнашган ҳудуддаги суд томонидан кўрилиши керак.

Нотариал ҳаракат амалга оширилганлиги маълум бўлган кундан эътиборан йигирма кун ичида нотариал ҳаракатнинг нотўғрилиги ёки уни бажариш рад этилганлиги устидан шикоят берилиши мумкин. Шикоят бериш муддати ўтказилиб юборилганда уни тиклаш ҳақидаги илтимоснома суд томонидан умумий асосларда кўрилиб, ҳал қилинади. Шикоятда бажарилган нотариал ҳаракатнинг ёки бундай ҳаракатни бажаришни рад этишнинг нотўғрилиги нималардан иборат эканлиги, албатта, кўрсатилиши лозим.

Қарздорнинг нотариус ёки консул томонидан берилган ижро хати хусусидаги шикояти умумий тартибда даъво қўзғатиш йўли билан амалга оширилади. Шикоят қаноатлантирилган тақдирда суд бажарилган нотариал ҳаракатни бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради ёки нотариус ёхуд нотариал ҳаракатларни амалга оширган бошқа мансабдор шахс зиммасига зарур ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайди.

Фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органининг муайян ҳаракатларни бажаришни рад қилганлиги ёки нотўғри бажарганлиги устидан ҳам судга шикоят қилиш мумкин.

Агар фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органлари фуқаролик ҳолати тўғрисидаги ёзувга тузатишлар киритишни сўраб берган аризани асоссиз рад этса, фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш дафтаридаги нотўғриликларни белгилаш тўғрисидаги ишларни суд кўриб чиқади.

Фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш дафтаридаги хатоликлар нималардан иборат эканлиги, тузатиш киритиш ҳақидаги илтимос қачон ва қайси фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органи томонидан рад этилганлиги шикоятда албатта аниқ кўрсатилиши керак.

Фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш дафтаридаги нотўғриликлар кўрсатилган суднинг ҳал қилув қарори фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органларининг бундай ёзувларга тузатиш киритиши учун асос бўлади.

4. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний, деб топиш ҳақидаги аризаси

«Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига асосан прокурор ўз ваколати доирасида назоратни амалга ошириш чоғида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар, ҳокимлар, ҳарбий қисмлар ва жамоат бирлашмалари ҳужжатлари, шунингдек мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳатти-ҳаракатлари Конституцияга ва қонунларга мос келмаса, уларга нисбатан протест қилиш ҳуқуқига эга.

Прокурорнинг протести, одатда, қонунга зид бўлган ҳуқуқий ҳужжатга нисбатан, ана шу ҳужжатни чиқарган идорага ёки юқори турувчи идорага киритилади. Мансабдор шахснинг ҳатти-ҳаракатига нисбатан ҳам худди шундай тартибда протест келтирилади.

Прокурор келтирган протест кўпи билан ўн кун ичида кўриб чиқилиши ва бу ҳақда прокурорга дарҳол ёзма равишда маълум қилиниши керак.

Протест ғайриқонуний ҳуқуқий ҳужжатни чиқарган идора ёки юқори турувчи идора томонидан рад этилган тақдирда, шунингдек протест қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган ҳолларда, прокурор тегишли судга ана шу ҳужжатни ғайриқонуний, деб эътироф этиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Судга ариза протест рад этилганлиги тўғрисида ахборот қилинган пайтдан бошлаб бир ойлик муддат ичида ёки кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин берилиши мумкин. («Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддаси).

Бундан ташқари, прокурор қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний, деб топиш ҳақида ариза билан бевосита судга мурожаат қилишга ҳақли.

«Прокурорнинг судга ариза бериши, - дейилади ФПКнинг 276-моддасида, - иш судда кўриб чиқилгунга қадар ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилишини тўхтатиб қўяди».

Прокурорнинг аризасини суд йиғирма кун ичида кўриб чиқиши керак. Ишни судда кўришда прокурорнинг иштирок этиши, шунингдек протестни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган ёхуд протестни кўриб чиқмаган органнинг раҳбари ёки унинг вакилининг иштирок этиши шарт.

Ғайриқонуний ҳужжатни қабул қилган, прокурорнинг протестини рад қилган ёки уни вақтида кўрмаган органнинг раҳбари

ёки унинг вакили уэрсиз сабаб билан суд мажлисига келмаганлиги прокурорнинг аризасини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди. Аммо бу шахсларнинг суд мажлисига келишини шарт, деб ҳисоблаган суд, уларнинг иштирокини таъминлаш чораларини кўриши керак.

Прокурорнинг аризасини асосли, деб топган тақдирда, суд аризани қаноатлантириш ва ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний, деб топиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаради.

Ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний, деб топиш ҳақидаги прокурорнинг аризаси бўйича суднинг чиқарган ҳал қилув қарори ғайриқонуний ҳужжатни қабул қилган, протестни рад қилган ёки протестни белгиланган муддатда кўрмаган орган раҳбарига юборилади.

VI - БОБ. АЛОҲИДА ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИШ

1. Умумий қоидалар

Фуқаролик суд иш юритишида даъво ишларини юритиш ва давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш билан бир қаторда алоҳида тартибда иш юритиш мавжуд бўлиб, бунда мақсад фуқаролик ҳуқуқи ҳақидаги низони ҳал қилиш эмас, балки фуқаронинг субъектив ҳуқуқини бир тарафлама низосиз тасдиқлашдан иборат.

Алоҳида тартибда иш юритишда суд ҳимоянинг махсус восита ва услубларини қўллаш йўли билан юридик факт, ҳаракат, ҳодиса ва ҳолатларни аниқлаб, фуқаролар ва ташкилотларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилади.

Алоҳида тартибда иш юритиш фуқаролик ҳуқуқи ҳақида низоли бўлмаган, судда кўриш учун махсус белгиланган маълум бир тоифа фуқаролик ишлари бўйича фуқаролик суд иш юритишининг мустақил бир шакли ҳисобланади.

Бунда ҳуқуқий тартибга солишлик фақат гумон қилинмайдиган юридик фактга асосан бўлиши мумкин.

Масалан, фуқаронинг пенсия олишга бўлган шахсий ҳуқуқи фақатгина унинг ёши, меҳнат стажи ва ногиронлигининг аниқ белгиланиши билан боғлиқ.

Факт икки йўл билан, яъни маъмурий ва суд тартибида белгиланиши мумкин. Расмий ҳужжатлар билан тасдиқланадиган факт маъмурий тартибда гувоҳлантирилиши мумкин.

Расман қайд қилинмайдиган, яъни оталикни тан олиш, бедарак йўқолганлик ва ҳоказо фактлар ёки расмий ҳужжат билан тасдиқлаш имкони бўлмаган ҳолларда, суд тартибида гувоҳлантирилади.

Даъво ишларини юритишда маълум бир юридик фактни аниқлаш фуқаронинг шахсий ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун керак бўлади. Алоҳида тартибда иш юритишда арз қилувчининг талаби фақат фактни тасдиқлаш ёки гувоҳлантириш билан чегараланади.

ФПКнинг 279-моддасига асосан қуйидаги ишлар суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўрилади:

1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;

2) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар;

3) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар;

4) мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ишлар;

5) тақдим этувчига, деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги ишлар (чақириб иш юритиш).

Кўрсатилган алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар, ФПКнинг 30-35-бобларида назарда тутилган тартибда ва қўшимчалар билан фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қоидаларига асосан амалга оширилади.

Алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишларнинг суд мажлисида кўрилиши ҳақида ишда иштирок этаётган шахсларни суд хабардор қилади. Аризачи (даъвогар), ишнинг якунидан манфаатдор бўлган шахс, прокурор ва давлат бошқаруви органлари алоҳида тартибда юритиладиган ишда иштирок этувчи шахслар деб эътироф этилади.

Агар алоҳида тартибда юритиладиган ишни кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, суд аризани кўрмасдан қолдириб, ишда иштирок этувчи шахсларга умумий тартибда даъво қўзғатишни таклиф қилади. Масалан, мерос олиш учун мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлигини тасдиқлаш тўғрисидаги иш бўйича бошқа меросхўрлар томонидан низо қўзғатилган тақдирда, қарамоғида бўлганлик фактини белгилаш ҳақидаги ариза кўрмасдан қолдирилиб, манфаатдор тарафларга низони умумий тартибда даъво қўзғатиш йўли билан ҳал қилишлари мумкинлиги тушунтирилади.

Шундай қилиб, алоҳида тартибда иш юритишда ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмайди, аммо юридик фактнинг бўлиши ҳақида низо инкор қилинмайди. Шу сабабдан ҳам алоҳида тартибда иш юритишнинг ўзига хос хусусияти судда иш кўриш тартибини ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилишнинг махсус восита ва услубларини қўллашни тақоза этади.

2. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш

Алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган фуқаролик ишларининг аксарият қисмини юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш ишлари ташкил қилади.

Бундай ишларни қонуний ҳал қилиш билан, биринчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланади, иккинчидан, давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофаза қилинади.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш ҳақидаги ишлар, асосан, фуқароларнинг аризалари ёки юридик шахсларнинг муурожаатларига асосан қўзғатилади.

«Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги ишлар бўйича аризалар, - дейилади ФПКнинг 284-моддасида, - аризачи (даъвогар) яшаб турган жойдаги судга берилади.

Аризада муайян фактни аниқлаш аризачига қандай мақсадлар учун зарур эканлиги кўрсатилиши, шунингдек, аризачининг тегишли ҳужжатларни олиш имкониятига эга эмаслигини ёхуд йўқолган ҳужжатларни тиклаб бўлмаслигини тасдиқловчи далиллар келтирилиши керак».

Аризани қабул қилганда судья арз қилувчининг фактни аниқлашда юридик манфаати бор-йўқлигини, албатта, текшириши керак. Чунки суд, фақатгина, қонунга асосан фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий, мулкӣ ҳуқуқларининг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишига сабаб бўладиган юридик оқибатларни келтириб чиқарадиган фактларни аниқлаши мумкин. Юридик манфаат бўлмаган аризани қабул қилиш рад қилиниши лозим, қабул қилинган аризалар бўйича эса, иш юритиш тугатилади.

ФПКнинг 283-моддасига асосан суд қўйидаги фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларни кўради:

- 1) шахсларнинг қариндошлик алоқаларини;
- 2) шахс бировнинг қарамоғида эканлиги фактини;
- 3) оталикни тан олиш (белгилаш) фактини, боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги фактини, шунингдек туғилган вақтини;
- 4) болаликка олиш, никоҳ, ажралиш ва ўлимнинг қайд этилганлик фактини;
- 5) эр-хотиндан бирининг ўлими натижасида фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органларида никоҳни рўйхатдан ўтказиш мумкин бўлмай қолса, қонунда белгиланган ҳолларда уларнинг ҳақиқатда эр-хотинлик муносабатларида бўлганлик фактини;
- 6) шахснинг ҳуқуқни вужудга келтирувчи ҳужжатларида (жамоат бирлашмаларига аъзолик билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органлари берадиган гувоҳномалардан ташқари) кўрсатилган исми, отасининг исми ва фамилияси унинг паспортидаги ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасидаги исми, отасининг исми ва фамилияси билан мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг унга тегишлилиги ёки тегишли эмаслиги фактини;
- 7) бахтсиз ҳодиса рўй берганлик фактини;
- 8) иморатга хусусий мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилиш фактини;

9) меросни қабул қилиш ва мероснинг очилиш жойи фактини;

10) қонун ҳужжатларида уларни белгилашнинг бошқача тартиби назарда тутилмаган юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни аниқлаш.

Ариза билан судга мурожаат қилган шахс юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача тартибда олиши мумкин бўлмаса, ёки йўқолган ҳужжатларни тиклашнинг имкони бўлмаган тақдирдагина суд бу фактларни аниқлаши мумкин.

Аниқланиши лозим бўлган ҳар бир факт бўйича суд иш бўйича тақдим этилган барча далилларни текширади, иш бўйича манфаатдор шахсларнинг тушунтиришларини тинглайди ва ҳал қилув қарори чиқаради.

Суднинг алоҳида тартибда иш юритиш бўйича юридик фактни аниқлаш ҳақида чиқарган ҳал қилув қарори, ЗАГС ва бошқа органларда қайд қилиниб, бериладиган ҳужжатларнинг ўрнини босмайди ва фақатгина бундай ҳужжатларни олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шахсларнинг қариндошлик алоқаларини аниқлаш.

Қариндошлик деб икки ёки бир неча шахс ўртасидаги туғишганлик тизими туфайли вужудга келувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг юзага келиши, ўзгариши ёки тугаши билан боғлиқ бўлган қондошлик алоқасига айтилади.

Қариндошликнинг яқин - узоқлиги маълум шарт-шароитларда тегишли юридик оқибат туғдиради. Қариндошлик алоқаларини, аниқлаш кўпинча меросга бўлган ҳуқуқни белгилаш ва нафақа (пенсия) тайинлаш учун талаб қилинади. Мерос олиш мақсадида қариндошлик алоқаларини аниқлашда судлар фуқаролик қонунларида назарда тутилган қариндошлик доирасини ҳисобга олиши керак. Нафақа олиш мақсадида қариндошликни белгилашда вафот этганнинг оила аъзолари доираси нафақа қонунчилигида назарда тутилган қоидаларга асосланиши лозим.

Бундай тоифадаги ишларни кўришда манфаатдор шахсларнинг ишда иштирок этишини таъминлаш суднинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шунинг учун суд мажлисида ариза берган шахснинг тақдим этган қариндошлик муносабатлари мавжудлиги фактини тасдиқловчи далилларини синчиклаб текшириш керак.

Суднинг ҳал қилув қарорида, албатта, ариза берган шахснинг тегишли шахс билан нечанчи даражада қариндошлиги мавжудлиги кўрсатилиши керак.

Шахснинг бировнинг қарамоғида бўлганлигини аниқлаш.

Шахснинг бировнинг қарамоғида бўлганлиги фактини аниқлаш мерос

олиш, пенсия тайинлаш масаласини ҳал қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки шахснинг кимнинг қарамоғида бўлганлиги ҳеч ерда ҳужжатлар билан қайд қилинмайди. Одатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ оқсоқоллари, маҳалла қўмиталарининг далолатномалари билан шахснинг бировнинг қарамоғида бўлганлиги факти тасдиқланади. Бундай ҳужжатлар бўлмаган ҳолларда ёки низо чиққан тақдирда манфаатдор шахснинг аризасига мувофиқ қарамоғида бўлиш факти суд томонидан аниқланади. Қарамоғида бўлиш фактини аниқлаш меросхўрни белгилаш учун, боқувчисини йўқотгани учун нафақа тайинлаш ёки етказилган зарарни қоплаш учун талаб қилинади.

Мерос олиш ҳуқуқининг вужудга келиши учун мерос қолдирувчи вафот этган пайтда унинг қарамоғида бир йилдан кам бўлмаган муддатда бўлиши ва меҳнатга қобилиятсиз бўлиши юридик аҳамиятга эга бўлади. Бундай ҳолларда мерос қолдирувчи билан унинг қарамоғида бўлган шахс ўртасида меросга бўлган ҳуқуқ нуқтан назаридан қариндошлик алоқалари бўлиши шарт эмас.

Оталикни тан олиш. Оила кодексининг 62-моддасига асосан, ўзаро никоҳда бўлмаган эр-хотиндан бола туғилган тақдирда, эркак ва аёлнинг биргаликдаги аризаси ёки эркакнинг оталикни тан олганлик ҳақидаги аризаси бўлмаса, оталик суд тартибида белгиланади.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси, деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд томонидан белгиланади.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин суд шу қарор нусхасини бола туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборadi.

Она вафот этганда ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилганда, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда оталик ва оналик васийлик ва ҳомийлик органи билан келишилган ҳолда ўзини боланинг отаси, деб тан олаётган шахснинг аризасига биноан белгиланади.

Болаликка олиш, никоҳ, ажралиш ва ўлимнинг қайд этилганлик фактини белгилаш ҳам юридик аҳамиятга эга ва маълум ҳуқуқий муносабатларни туғдиради. Аммо айрим ҳолларда ушбу ҳодисаларни тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса, уларнинг ҳақиқийлиги шубҳа туғдиради. Бундай ҳодисаларни аниқлаш учун ҳужжатларни олиш имконияти бўлмаган ҳолларда, тегишли ҳодиса (болаликка олиш, никоҳ, ажралиш, туғилиш, ўлиш факлари) суд тартибида белгиланади. Суд ариза берувчидан тегишли ҳужжатни олиш имконияти йўқлиги ҳақида ёзма далил талаб қилиши керак.

Бирга яшаб турган эр-хотиндан бирининг ўлими натижасида фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органларида никоҳни рўйхатдан ўтказиш мумкин бўлмай қолган тақдирда, қонунда белгиланган ҳолларда, уларнинг ҳақиқатда эр-хотинлик муносабатларида бўлганлик факти суд тартибида аниқланади.

Эр-хотиннинг ҳақиқатда никоҳ муносабаотида бўлганликлари факти 1944 йил 8 июлдан олдин вужудга келган ҳоллардагина суд томонидан белгиланади ва юридик аҳамиятга эга бўлади.

Ҳуқуқни вужудга келтирувчи ҳужжатларда кўрсатилган шахснинг исми, отасининг исми ва фамилияси унинг паспортидаги ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасида кўрсатилганига мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг мазкур шахсга тегишлилиги ёки тегишли эмаслиги факти ҳам суд томонидан аниқланиши мумкин. Аммо жамоат бирлашмаларига аъзолик билети, ҳарбий билетлар, паспортлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органлари томонидан бериладиган ҳужжатларда кўрсатилган шахснинг исми, ота исми, фамилияси ёки бошқа маълумотлар суд йўли билан белгиланмайди. Ҳужжатлардаги маълумотни ўзгартириш учун ариза берувчидан суд, албатта, бундай маълумотларни ҳужжатни вақтида берган тегишли муассаса унга ўзгартириш кирита олмаслиги ҳақида далиллар тақдим этишни талаб қилиши керак. Бундай ташкилот ёки муассасанинг тугатилганлиги ёки архивдаги ҳужжатларга асосан ўзгартириш имконияти йўқлиги ҳақида ёзма ҳужжат ишга тикилиши керак.

Амалиётда кўпинча йўл қўйладиган камчиликлар фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органлари томонидан бериладиган ҳужжатларни муайян шахсга тегишлилик фактини судлар томонидан аниқланишидир.

Бундан ташқари айрим судлар маълум ҳужжатни муайян шахсга тегишлилик фактини аниқлаш ўрнига, ҳужжатда белгилаб қўйилган фактни аниқлаш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарадилар ёки ҳужжатни муайян шахсга тегишлилик фактини аниқлаш ўрнига ҳар хил ҳужжатларда ҳар хил номланган шахсларнинг бир шахслигини аниқлайдилар ва ҳоказо.

Ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларнинг маълум шахсга тегишлилик фактини аниқлаш ҳақидаги ишларни кўришда суд, албатта, ҳужжатдаги маълумот билан муайян шахснинг паспортидаги маълумотнинг фарқ қилиши сабабларини аниқлаши, ҳужжатни мазкур шахсга тегишлилигини тасдиқловчи далиллар талаб қилиши керак.

Бахтсиз ҳодиса рўй берганлик ҳақидаги фактни белгилаш, аввало корхона маъмурияти билан касаба уюшмалари вазифасига

киради. Ҳар бир бахтсиз ҳодиса ҳақида ўз вақтида тегишли ҳужжатлар ёзилиб, расмийлаштириши лозим.

Бахтсиз ҳодисанинг рўй берганлигини сўзсиз аниқлаш имконияти бўлмаган ҳоллардагина, бундай ишларни суд ўз иш юритишига қабул қилиб, кўриши мумкин.

ФКнинг 212-моддасига асосан иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин. Иморатга хусусий мулк ҳуқуқи асосида эгалликни тасдиқловчи ҳужжатлар йўқолган ва уни тиклаш имконияти бўлмаган ҳолларда суд йўли билан эгаллик қилиш фактини аниқлаш мумкин бўлади.

Меросни ворислар томонидан қабул қилиш ва мероснинг очилиш жойини аниқлаш мерос ҳуқуқида юридик аҳамият касб этади.

Мерос очилган кундан эътиборан олти ой давомида мерос мулкдан воз кечганлиги ҳақида нотариал идорасига хабар бермаган, мерос очилган жойда ҳозир бўлган ворис меросни қабул қилган бўлиб ҳисобланади. Мерос мулкни эгаллашга ёки идора қилишга ҳақиқатан киришган ёки мерос очилган жойдаги нотариал идорасига меросни қабул қилганлик тўғрисида ёки меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб мурожаат қилган ворис меросни қабул қилган ҳисобланади.

Мерос очилган жойни аниқлаш факти ҳам юридик аҳамиятга эга, чунки меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани мерос очилган жойдаги нотариус бериши мумкин, холос.

ФПКнинг 283-моддасида назарда тутилган юридик фактлардан ташқари бошқа юридик оқибатларни, ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирадиган, бекор қиладиган юридик фактларни ҳам суд алоҳида тартибда иш юритиш бўйича кўриб, ҳал қилиши мумкин.

3. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш

Шахснинг доимий яшаш жойида маълум бир вақт давомида бўлмаслиги ва унинг турар жойининг аниқ эмаслиги маълум ҳуқуқий муносабатлар билан унга боғлиқ бўлган шахсларнинг манфаатларига путур етказиши мумкин. Мана шу шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонун турар жойи аниқ бўлмаган шахсни бедарак йўқолган деб топиш ёки ўлган деб эълон қилиш имкониятини назарда тутлади.

ФКнинг 33-моддасига асосан, агар фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд бу фуқарони бедарак йўқолган, деб топиши мумкин. Йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган кунни аниқлаш мумкин бўлмаса,

бедарак йўқолган деб ҳисоблаш муддати йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан, бу ойни белгилаш мумкин бўлмаган тақдирда эса, кейинги йилнинг биринчи январидан бошланади.

Агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот бўлмаса, манфаатдор шахснинг аризасига мувофиқ суд уни вафот этган, деб эълон қилиши мумкин.

Агар фуқаро ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган, деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида олти ой мобайнида маълумотлар бўлмаган тақдирда ҳам манфаатдор шахснинг аризасига асосан суд уни вафот этган, деб эълон қилиши мумкин (ФКнинг 36-моддаси).

Ҳарбий ҳаракатлар муносабати билан бедарак йўқолган ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқаро ҳарбий ҳаракатлар тамом бўлган кундан эътиборан камида икки йил ўтгандан кейин суд томонидан вафот этган, деб эълон қилиниши мумкин.

Суднинг фуқарони вафот этган, деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган кун вафот этган, деб эълон қилинган фуқаронинг ўлган куни, деб ҳисобланади.

Ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган, деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган фуқаро вафот этган, деб эълон қилинган тақдирда, суд унинг тахмин қилинган ҳалокат кунини ушбу фуқаронинг ўлган куни, деб топиши мумкин.

Фуқарони вафот этган, деб эълон қилиш бундай фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари борасида унинг ўлими олиб келиши мумкин бўлган оқибатларни вужудга келтиради.

Фуқарони бедарак йўқолган, деб топиш ёки фуқарони ўлган, деб эълон қилиш тўғрисидаги ариза уни берувчи шахснинг яшаш жойидаги судга берилади.

Аризада фуқарони бедарак йўқолган, деб топиш ёки уни ўлган, деб эълон қилиш қандай мақсадлар учун зарур эканлиги, албатта, кўрсатилиши керак.

Бундан ташқари, аризада фуқаронинг бедарак йўқолганлигини тасдиқловчи далиллар, бедарак йўқолган одамга ўлим хавфини солган ёки муайян бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлган, деб тахмин қилишга асос бўладиган ҳолатлар баён қилиниши лозим.

Аризада фуқарони бедарак йўқолган, деб топиш ёки уни ўлган, деб эълон қилиш қандай мақсад учун кераклигини кўрсатиш, биринчидан, ариза берган шахсларнинг юридик манфаати бор-йўқлигини текшириш имкониятини тугдириш ва иккинчидан, ишда

иштирок этиши лозим бўлган манфаатдор шахсларнинг доирасини белгилашга ёрдам беради.

Амалиётда, бундай тоифа ишлар кўпинча никоҳдан ажралиш ёки никоҳни бекор қилиш, нафақа тайинлаш, мерос олиш ва уй-жойда яшашга бўлган ҳуқуқи йўқолганини тан олиш каби фактларни аниқлаш билан боғлиқ.

ФПКнинг 287-моддасига асосан судья ишни суд мажлисида кўришга тайёрлашда бедарак йўқолган шахс тўғрисида кимлар (қариндош-уруғлари, бирга хизмат қилувчилари ва шу кабилар), маълумот бера олиши мумкинлигини аниқлайди. Шунингдек, бедарак йўқолганнинг маълум бўлган сўнги яшаш жойи ва иш жойидаги тегишли ташкилотлардан бедарак йўқолган шахс тўғрисида бор маълумотларни сўраб олади.

Судья аризани қабул қилиб олгач, айти вақтда васийлик ва ҳомийлик органига бедарак йўқолганнинг мол-мулкини сақлаш, бошқариш учун одам тайинлашни таклиф қилиши мумкин.

Ишни кўриш учун тайёрлаш жараёнида судья ишдан манфаатдор бўлган барча шахсларни ишда иштирок этишга жалб қилиши ва прокурорнинг ишда иштирокини, ишни кўриш учун етарли далиллар тўплашни таъминлаши керак. Прокурор фуқарони бедарак йўқолган, деб топиш ёки фуқарони ўлган, деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар кўрилганда, албатта, иштирок этиши мажбурийдир (ФПКнинг 288-моддаси).

Иш бўйича барча манфаатдор шахслар ишда иштирок этишга жалб қилиниши лозим. Чунки, шахсни бедарак йўқолган ёки уни ўлган, деб эълон қилиш, нафақат ариза берган шахс учун, шу билан бирга, бошқа манфаатдор шахслар учун ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдиради.

Суднинг фуқарони бедарак йўқолган, деб топиш ҳақидаги ҳал қилув қарори бедарак йўқолган шахснинг мол-мулки турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органининг бу мулкка нисбатан бошқарувчи тайинлаши учун асос бўлади.

Суднинг фуқарони ўлган, деб эълон қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарори фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органининг фуқаролик ҳолатини қайд этиш дафтарига мазкур фуқарони ўлган, деб ёзиб қўйиши учун асос бўлади.

Бедарак йўқолган, деб топилган ёки ўлган, деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келган ёки унинг турар жойи аниқланган тақдирда, суд янгидан ҳал қилув қарори чиқариб, ўзининг аввалги ҳал қилув қарорини бекор қилади. Янгидан қабул қилинган суднинг ҳал қилув қарори мулкка нисбатан бошқарувчини ёки фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш дафтаридаги фуқаронинг вафоти тўғрисидаги ёзувни бекор қилиш учун асос бўлади.

4. Фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш

Фуқаронинг муомала лаёқати унинг ҳуқуқий мақомининг асосий қисмларидан ҳисобланади.

Фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати муомала лаёқатини ташкил этади.

Муомала лаёқати фуқаронинг ўн саккиз ёшга тўлиши билан тўла ҳажмда вужудга келади. Бундан ташқари ФКнинг 28-моддасига асосан, ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли, деб эълон қилинади. Тўла муомалага лаёқатли, деб эълон қилиш васийлик ва ҳомийлик органларининг қарорига мувофиқ ёки ота-оналари розилик билдирмаса, суднинг қарори билан амалга оширилиши мумкин.

ФКнинг 31-моддасига асосан, спиртли ичимликларни ёки гиёвандлик воситаларини суистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан фуқаролик процессуал қонунда белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши мумкин. Унга ҳомийлик белгиланади. Бундай, фуқаро майда маиший битимларни мустақил тузиш ҳуқуқига эга, бошқа битимларни эса, ҳомийнинг розилиги билангина тузиши, шунингдек иш ҳақи, нафақа ва бошқа даромадлар олиши ҳамда уларни тасарруф этиши мумкин. Бироқ бундай фуқаро ўзи тузган битимлар бўйича ва етказган зарари учун мустақил равишда мулкий жавобгар бўлади.

Қонунда белгиланган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳеч кимнинг муомала лаёқати чекланиши мумкин эмас. Фуқароларнинг муомала лаёқатини чеклашнинг қонунда белгилаб қўйилган шартлари ва тартибига риоя қилмаслик давлат органининг тегишли чеклашни белгилайдиган ҳужжати ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Фуқаронинг муомала лаёқатидан тўла ёки қисман воз кечиши ва муомала лаёқатини чеклашга қаратилган бошқа битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайди.

«Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида, - дейилади ФКнинг 30-моддасида, - ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб

топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни унинг васийи амалга оширади».

Фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги фуқаролик иши унинг оила аъзолари, васийлик ва ҳомийлик органлари, даъволаш муассасалари ва бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмалари ҳамда прокурорнинг берган аризаларига асосан қўзғатилиши мумкин.

Ариза фуқаронинг яшаб турган жойидаги, агар у даъволаш муассасасига жойлаштирилган бўлса, мазкур муассаса жойлашган ҳудуддаги судга берилади.

Фуқарони муомала лаёқати чекланган, деб топиш ҳақидаги аризада спиртли ичимлик ичиб ёки гиёҳвандлик моддаларини суистеъмол қилиб ўз оиласини моддий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўйганлигини исботловчи далиллар келтириб, ҳолатлар баён этилиши керак.

Муомалага лаёқатсиз, деб топиш ҳақидаги аризада шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги, шунинг оқибатида у ўз ҳатти-ҳаракатларини англай олмаслигидан ёки бошқара олмаслигидан далолат берувчи ҳолатлар баён қилиниши керак.

Судья аризани қабул қилиб олгач, ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида, фуқаронинг руҳий ҳолати бузилганлиги ёки ақли заифлиги тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд бўлса, унинг руҳий аҳволини аниқлаш учун суд - руҳий экспертизасини тайинлайди.

Фуқарони муомала лаёқати чекланган, деб топиш тўғрисидаги иш, шу фуқаронинг (жавобгарнинг), албатта, иштирокида, ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи вакили ҳамда прокурорнинг иштирокида кўрилиши керак. Жавобгар суд мажлисига келмаса ФПКнинг 261-моддаси қоидалари қўлланилади.

Фуқарони муомалага лаёқатсиз, деб топиш тўғрисидаги иш ҳам прокурорнинг, васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирокида кўрилиши шарт. Фуқаронинг ўзи ҳам соғлиғи имкон берган ҳолда суд мажлисига чақирилиши мумкин.

Суднинг фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз, деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори васийлик ва ҳомийлик органининг муомала лаёқати чекланган шахсга ҳомий тайинлаш, муомалага лаёқатсиз, деб топилган шахсга эса, васий тайинлаши учун асос бўлади.

Фуқаронинг муомала лаёқати чекланган, муомалага лаёқатсиз, деб топишни сўраб судга мурожаат қилган шахсларнинг аризаларига биноан, қонунда назарда тутилган ҳолларда, фуқаронинг ўзи, унинг

ҳомийси берган аризасига асосан суд фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашни ва унга нисбатан белгиланган ҳомийликни бекор қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

5. Мол-мулкни эгасиз деб топиш

Эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган мулк (ашё) эгасиз мулк ҳисобланади. Эгасиз мулкни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

«Эгасиз кўчмас ашёлар, - дейилади ФКнинг 191-моддасида, - тегишли давлат органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига мувофиқ кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига олувчи орган томонидан ҳисобга олинади.

Эгасиз кўчмас ашё ҳисобга олингандан кейин уч йил муддат ўтгач, давлат мол-мулкни бошқаришга ваколати бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бу ашёни давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига кирган, деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиши мумкин».

Мол-мулкни эгасиз, деб топиш ҳақидаги ариза молия органи ёки бошқа ваколатли орган, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан эгасиз мол-мулк турган жойдаги судга берилади. Аризада қайси мол-мулкни ёки ашёни эгасиз, деб топиш лозимлиги кўрсатилиши, шунингдек мол-мулк (ашё) эгасини белгилашнинг имкони йўқлигини тасдиқловчи далиллар келтирилиши керак.

Мол-мулкни эгасиз, деб топиш ҳақидаги иш суд томонидан очиқ суд мажлисида фуқаролик иш юритишнинг алоҳида тартибида ва умумий қоидалари асосида манфаатдор шахслар иштирокида кўрилади. Судья ишни судда кўришга тайёрлашда мол-мулк (ашё) кимга тегишли эканлиги тўғрисида маълумот бериши мумкин бўлган шахсларни (мол-мулкнинг (ашёнинг) мулкдорлари, унга амалда эгалик қилиб турганлар, қўшнилари ва бошқалар) аниқлайди, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан мол-мулкка доир мавжуд маълумотларни сўрайди.

Мерос мулкнинг эгасиз, деб топилиши учун бўлган асослар ФКнинг 1157-моддасида белгиланган. Қонунда белгиланган асосларда меросдан четлаштирилган меросхўрлардан бошқа қонун бўйича ворислар бўлмаса ва мерос мулк ҳеч кимга васият қилиб қолдирилмаган бўлса, барча меросхўрлар меросни қабул қилишдан воз кечиб, меросни қабул қилиб олмасалар ёки мерос қолдирувчининг қонун бўйича ворислари бўлмасдан, мерос ҳеч кимга васият қилинмаган бўлса, мерос мулкни эгасиз, деб топиш масаласини суд кўриб, ҳал қилади.

Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан бир йил ўтгандан кейин суднинг қарори, асосида эгасиз, деб топилади.

Шундай қилиб, суднинг ҳал қилув қарори билан эгасиз, деб топилган мол-мулк (ашё) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи эгаллигига ёки давлат мулкига ўтади.

6. Тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш (чақириб иш юритиш)

Жамгарма банкларида расмийлаштирилган тўловларни тақдим этувчига бериш тўғрисидаги ҳужжатлар жамгарма банкларидаги ҳисобларда бўлган маблағларни олиш учун бирдан-бир ҳужжат ҳисобланиб, уни тақдим этган ҳолатдагина маблағ шу шахсга берилди. Шу сабабдан ҳам тақдим этувчига, деб берилган ҳужжатлар йўқолган ҳолларда ёки уларда ёзилган ибораларни ўқиш имконияти бўлмасдан қолган тақдирда, жамгарма банки тўловни амалга оширишни рад қилганда, бу ҳужжатларга бўлган ҳуқуқларни тиклаш талаб қилинади.

Шахс пул маблағлари қўйилганлиги ҳақида ёки қимматли нарсалар ёхуд давлат заёми облигацияларини сақлаш учун топширилганлиги тўғрисида банк томонидан тақдим этувчига берилган қийматли ҳужжатни йўқотиб қўйган тақдирда, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда, суддан йўқолган ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб топиш ва йўқолган ҳужжат бўйича ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилишга ҳақли.

Судга берилган аризада тақдим этувчига, деб берилган ҳужжат қандай вазиятда йўқолганлиги, ҳужжатни берган муассасанинг номи, ҳужжатнинг номи, унинг алоҳида белгилари кўрсатилиб, йўқолган ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги илтимос баён қилиниши керак.

Ариза тақдим этувчига, деб ҳужжат берган муассаса жойлашган ҳудуддаги туман (шаҳар) судига берилди.

Аризани қабул қилиб олган судья ариза берувчининг ҳисобидан маҳаллий газетада эълон чиқариш тўғрисида, тақдим этувчига, деб ҳужжат берган муассасанинг йўқолган ҳужжат бўйича тўловларни амалга оширишини ва пул беришини иш судда кўрилгунига қадар таъқиқлаш тўғрисида ажрим чиқариши ва бу ажримнинг кўчирма нусхасини ҳужжатни берган муассасага юбориши керак.

Матбуотда чиқариладиган эълонда, ҳужжат йўқолганлиги ҳақида ариза тушган суднинг номи, аризачининг фамилияси, исми ва

отасининг исми ҳамда унинг яшайдиган жойи, ҳужжатнинг номи ва унинг алоҳида белгилари, шу билан бирга йўқолганлиги ҳақида ариза берилган ҳужжатни сақловчига эълон чиққан кундан эътиборан уч ой муддат ичида ўзининг мазкур ҳужжатга бўлган ҳуқуқлари тўғрисида судга арз қилиши ҳақидаги таклиф кўрсатилиши шарт.

Йўқолганлиги ҳақида ариза берилган ҳужжатни сақловчи матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб уч ой ичида ўзининг ҳужжатга бўлган ҳуқуқи ҳақида судга ариза бериши ва шу билан бирга ҳужжатнинг асл нусхасини тақдим этиши шарт. Бундай аризани олган судья ўзининг ажрими билан бу ҳақда ҳужжатнинг йўқолганлиги ҳақида ариза берган шахсга хабар беради ва ҳужжатни сақловчидан ҳужжатни олиб қўйиш ҳақида унга умумий тартибда қарши даъво қўзғатиш учун икки ойдан ошмаган муддат беради. (ФПКнинг 304-305-моддасида).

Агар аризачи белгиланган муддат ичида ҳужжатни сақловчига нисбатан қарши даъво қўзғатмаса, судья чақириб иш юритиш тартибида кўрилган чоралар (ФПКнинг 306-модда) ўз кучини йўқотгани ҳақида ажрим чиқаради ва бу ҳақда ҳужжат берган муассасани хабардор қилади.

Агар эълонда кўрсатилган муддат ичида ҳужжатни сақловчидан ариза тушмаса, судья ишни кўришга тайинлайди. Иш кўриладиган кун тўғрисида аризачи ҳам, ҳужжатни берган муассаса ҳам хабардор қилинади. Бироқ, уларнинг суд мажлисига келмаслиги ишни кўришга тўсқинлик қилмайди.

Судья ишни тўпланган ҳужжатларга асосан кўриб ҳал қилув қарори чиқаради. Агар ариза қаноатлантирилса, судья ўзининг ҳал қилув қарорида йўқолган ҳужжат ҳақиқий эмаслигини кўрсатиши керак.

Бундай ҳал қилув қарори арз қилувчига омонатни ёки ҳақиқий эмас, деб топилган ҳужжатнинг ўрнига янгилисни бериш учун асос бўлиб ҳисобланади.

«Ҳужжатни сақловчи, - дейилади ФПКнинг 309-моддасида, - ҳужжатга бўлган ҳуқуқлари тўғрисида бирор сабаб билан ўз вақтида арз қилмаган бўлса, йўқолган ҳужжат ўрнига янгилисни олиш ҳуқуқи берилган шахсга нисбатан асоссиз бойиш тўғрисида даъво тақдим этиши мумкин. Бундай даъво суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейингина судга берилиши мумкин».

VII - БОБ. СУД ҚАРОРЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ВА ҚАЙТА КЎРИШ

1. Умумий қоидалар

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, биринчи навбатда фуқаролик процессида, бевосита биринчи инстанция судида амалга оширилади.

Қоида тариқасида, фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиш асосан, икки инстанция доирасида, биринчи инстанция ва кассация инстанциясида тамомланади.

Кассация инстанцияси фақатгина берилган шикоят ёки келтирилган протестга асосан, суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорларини қонуний, асосли ва адолатлилигини текширади. Аммо дарҳол қонуний кучга кирган суднинг ҳал қилув қарорлари, шунингдек шикоят берилмаган ёки протест келтирилмаган ҳал қилув қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги текширилмасдан қолиши мумкин.

Уларнинг қонунийлигига, асослилигига ва адолатлилигига кафолат бериш қийин. Шу билан бирга кассация инстанциясида кўрилган ишлар бўйича ҳам ҳамма вақт хатоликка йўл қўйилмаган, деб бўлмайди.

Шунинг учун ишда иштирок этаётган шахсларга суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақида шикоят (ариза) билан қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган. Судья ҳам ўзи чиқарган ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори бекор қилинишидан рози бўлмаган тақдирда, назорат тартибида протест келтириш учун тегишли ваколатли мансабдор шахсга тақдимнома киритишга ҳақли.

Прокурор муайян ишда иштирок этган-эتماгандан қатъий назар, суднинг қилув қарори, ажрими, қарори устидан ўз ваколати доирасида протест келтириши мумкин.

Демак, суднинг ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорлари, белгиланган тартиб бўйича кассация ва назорат тартибида қайтадан кўриб чиқилиши мумкин. Суднинг кассация тартибида кўрилган ҳал қилув қарорлари иш бўйича берилган шикоят ёки протест рад қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Суднинг чиқарган қарорлари қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текширув, ФПКнинг 311-моддасига биноан қуйидаги асосларда:

1) қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори юзасидан берилган кассация шикояти ёки кассация протести бўйича;

2) биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ажримни устидан берилган хусусий шикоят ёки хусусий протест бўйича;

3) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорга нисбатан назорат тартибида протест келтириш ҳақида берилган ариза бўйича ва ниҳоят;

4) қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги ариза бўйича қўзғатилади.

Қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, суднинг ҳал қилув қарорлари кассация ва назорат тартибида бекор қилиниши мумкин.

Бу асослар ФПКнинг 312-моддасида белгилаб қўйилган.

1) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;

2) суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

3) суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;

4) моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги, суд қарорларини бекор қилишга асос бўлиши мумкин.

Бундан ташқари суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар янгидан очилган ҳолатлар бўйича ФПКнинг 362-моддаси асосларда қайтадан кўрилиши мумкин.

Суднинг мазмунан тўғри чиқарган ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори фақат расмий асосларга кўра бекор қилиниши мумкин эмас.

Агар расмий асослар суднинг ҳал қилув қарори чиқаришда унинг қонуний ва асослилигига таъсир қиладиган бўлса, бундай асослар ҳам, айниқса, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган ҳолларда, албатта, ҳисобга олиниши керак.

Агар суд ҳал қилинадиган масала бўйича татбиқ қилиниши лозим бўлган қонунни қўлламаса ёки татбиқ қилишмаслиги лозим бўлган қонунни қўллаган бўлса, шунингдек қонун нотўғри талқин этилган ҳолларда моддий ҳуқуқ нормалари бузилган ёки нотўғри қўлланган ҳисобланиб, суднинг бундай қарорлари бекор қилиниши керак.

ФПКнинг 314-моддасига асосан процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги ишнинг нотўғри ҳал этилишига сабаб бўлган ёки сабаб бўлиши мумкин бўлган тақдирдагина, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорини бекор қилишга асос бўлади.

Агар:

1) иш суд томонидан ғайриқонуний таркибда кўрилган бўлса;

2) иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мужлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса;

3) иш кўрилаётганида иш юритиладиган тилга доир қоидалар бузилган бўлса;

4) суд ишда қатнашишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилган бўлса;

5) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор чиқаришда суд маслаҳатининг сир сақланишига доир қоидалар бузилган бўлса;

6) ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор судьялардан бирортаси (судья) томонидан имзоланмаган ёки ҳал қилув қарори, ажрим, қарор улар кўрсатилмаган судьялар (судья) томонидан имзоланган бўлса;

7) ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ишни кўрмаган судьялар томонидан чиқарилган бўлса;

8) ишда суд мажлиси баённомаси мавжуд бўлмаса ёки у имзоланмаган бўлса, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор мажбурий тартибда албатта бекор қилиниши шарт.

Кассация ёки назорат инстанциясида ишни кўрган суд томонидан аниқланган хатоликлар ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун, уни ўзгартириш ёки янги ҳал қилув қарори чиқариш учун етарли асос бўлмайди, деган хулосага келганда, бу ҳақда ажримда, қарорда ёки махсус қабул қилинадиган хусусий ажримда, кўрсатилиши лозим.

Кассация, назорат инстанцияси судининг ажрими (қарори) чиқарилиши биланоқ дарҳол қонуний кучга киради.

«Ишни кассация ёки назорат тартибида кўрган суднинг ажрими ёки қарорида баён қилинган кўрсатмалари, - дейилади ФПКнинг 317-моддасида, - мазкур ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Ишни кассация ва назорат тартибида кўраётган суд ишни янгидан кўриш учун юборганда, у ёки бу далилнинг ишончли ёки ишончсизлиги, бир далилнинг бошқасидан устунлиги тўғрисидаги, шунингдек, иш янгидан кўрилганида қандай қарор чиқариш кераклиги масалаларини олдиндан белгилаб қўйишга ҳақли эмас».

Кассация ва назорат тартибида чиқарилган қарорлар ва ажримларнинг нусхаси улар чиқарилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай суд мажлисига келмаган ва иш назорат тартибида кўрилганда қатнашмаган тарафларга юборилиши керак.

ФПКнинг 315-моддасига асосан кассация ва назорат инстанцияси судининг ажрими ёки қарорида қуйидагилар, албатта, кўрсатилиши лозим:

- 1) ажрим ёки қарор чиқарилган вақт ва жой;
- 2) ажрим ёки қарор чиқарган суднинг номи ва таркиби;

3) тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг иштироки тўғрисида маълумотлар;

4) иш кимнинг шикоятни ёки протести бўйича кўриб чиқилганлиги;

5) шикоят берилган ёки протест келтирилган ҳал қилув қарорининг (ажрим ёки қарорнинг) номи ва унинг қисқача мазмуни;

6) шикоятда ёки протестда баён этилган важлар, тақдим этилган материалларнинг қисқача мазмуни, ишни кўришда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурорнинг хулосаси;

7) кассация ёки назорат инстанцияси суди хулосага келишига асос бўлган далиллар ҳамда суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари;

8) қарорнинг хулоса қисми.

Ҳал қилув қарори, ажрим қарор бекор қилинган ва иш янгидан кўриб чиқиш учун юборилган тақдирда, суд ишни янгидан кўрганда қандай ҳолатлар аниқланиши зарурлигини, қандай далиллар талаб қилиб олинishi кераклигини, шунингдек, иш топширилаётган суд бошқа қандай ҳаракатларни бажариши лозимлигини кўрсатиши шарт.

Суд протест ёки шикоятни рад қилса, қандай асосларга кўра протест ёки шикоятдаги важларни нотўғри, деб ёки қарорни бекор қилиш, ўзгартириш ёки янги ҳал қилув қарори чиқариш учун асос бўлмайди, деб топганлигини ҳам ўз ажрида ёки қароридан кўрсатиши шарт.

Кассация ва назорат тартибда ишни кўрган суд йўл қўйилган қонунни бузиш ҳоллари қарорни бекор қилиш, ўзгартириш ёки янги қарор чиқаришга асос бўлмайди, деб топса, бу ҳақда хусусий ажрим чиқариши мумкин. Юқори инстанция судининг кўрсатмаси мазкур ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир. Аммо юқори суд инстанцияси муайян далилни ишончли ёки ишончсизлиги, бир далилнинг иккинчи далилдан устунлиги, қандай қарор чиқариш кераклиги ҳақида кўрсатма бериши мумкин эмас.

2. Суднинг ҳал қилув қарорлари устидан кассация шикоятни бериш (протест келтириш)

Фуқаролик процессида амалга ошириладиган одил судловнинг шакл ва услублари биринчи инстанция суди томонидан чиқариладиган ҳал қилув қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлайди.

Аммо фуқаролик процессуал қонунлари қанчалик такомиллашган бўлмасин, қабул қилинган суд қарорларининг хатосиз бўлишига кафолат бериб бўлмайди.

Қонунларни ҳаётда амалиётда татбиқ қилишда ҳар хил қийинчиликлар, бир-бири билан чалкаш низоли воқеа ва ҳодисаларга тўғри баҳо бериб, ҳал қилишга тўғри келади. Суд қарорларини чиқаришда хатоликларга йўл қўйишнинг объектив ва субъектив сабаблари бўлиши мумкин. Судлар томонидан қабул қилинган ғайриқонуний, асосланмаган ва адолатсиз қарорларнинг қонуний кучга кириши ва ижро этилишининг олдини олиш мақсадида, процессуал қонун ишда иштирок этаётган шахсларга қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқини беради. Суд қарорлари устидан шикоят бериш фуқаролик процессида тарафларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолати ҳисобланади.

«Суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан, - дейилади ФПКнинг 320-моддасида, - йигирма кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти беришлари, прокурор протест келтириши мумкин».

Кассация шикояти кассация инстанцияси суди номига ёзилиб, ҳал қилув қарори чиқарган судга берилади.

Агар кассация шикояти вакил томонидан бериладиган бўлса, унга тегишли тартибда гувоҳлантирилган ишончнома ёки вакилнинг ҳуқуқларини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат (адвокатларга берилган ордер) илова қилиниши керак. Кассация шикояти ёки протест ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда кўчирма нусхалари билан берилади. Судья кассация шикояти берган шахс ёки кассация протести келтирган прокурор зиммасига шикоят ёки протестга илова қилинган ёзма ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ишда иштирок этувчи шахслар сонига мутаносиб миқдорда топшириш мажбуриятини юклаши мумкин.

Тегишли туман (шаҳар) судларининг ҳал қилув қарори устидан берилган шикоятларни (протестларни) Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари ва Тошкент шаҳар суди, гарнизонлар ҳарбий судларининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган шикоятларни (протестларни) Қуролли Кучлар ҳарбий суди кассация тартибида кўради.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳар судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган шикоятларни (протестларни) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Қуролли Кучлар ҳарбий судининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган шикоятларни (протестларни) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳарбий ҳайъати ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг ҳал қилув қарорлари устидан берилган шикоятларни (протестларни) - Олий суд Раёсати кўради.

Кассация шикояти (протести) нинг мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- 1) шикоят ёки протест берилаётган суднинг номи;
- 2) шикоят ёки протест келтираётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- 3) шикоят қилинаётган ёки протест келтирилаётган ҳал қилув қарори ва уни чиқарган суд;
- 4) ҳал қилув қарорининг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги;
- 5) шикоят бераётган ёки протест келтираётган шахснинг илтимоси;
- 6) шикоят ёки протестга илова қилинган ёзма ҳужжатларнинг рўйхати.

Шикоят бераётган шахс қўшимча равишда янги далилларни келтирган тақдирда, уларни биринчи инстанция судига тақдим этилмаганлиги сабабларини, албатта, асослаб бериши керак.

Кассация шикояти шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Кассация протестини ишда иштирок этган-этмаганидан қатъий назар прокурор ёки унинг ўринбосари келтиради ва имзолайди.

Процессда шикоят берган тараф томонида қатнашган шерик иштирокчилар ва учинчи шахслар берилган шикоятга қўшилишлари мумкин. Шикоятга қўшилиш ҳақида берилган ариза бўйича давлат божи олинмайди.

Биринчи инстанция судида ишни кўрган судья ёки суд раиси кассация шикояти ёки протестни олгандан сўнг: ишда иштирок этаётган шахсларга шикоят ёки протестнинг кўчирма нусхаларини юбориши; ишда иштирок этаётган шахсларга кассация инстанцияда ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида маълум қилиши; ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ёки протест келтириш учун белгиланган муддат ўтган вақтдан эътиборан ўн кун ичида ишни шикоят ёки протест билан бирга кассация инстанцияси судига юбориши шарт.

Ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ва протест келтириш учун белгиланган муддат ичида ҳеч ким, шу жумладан прокурор ҳам, ишни суддан талаб қилиб олиши мумкин эмас. Ишда иштирок этаётган шахслар иш материаллари ва тушган шикоятлар ёки протест билан судда танишишга ҳақлидирлар.

Агар кассация шикояти бериш ёки протест келтириш пайтида ФПКнинг 322 ва 323-моддасида белгиланган тартиблар бузилган ёки давлат божи тўлашдан озод қилинмаган шахс шикоят бериш учун бож тўламаган бўлса, кассация шикояти ёки протест ҳаракатсиз қолдирилади.

Судья шикоят ёки протестнинг ҳаракатсиз қолдиришга асос бўлган камчиликларни ва уларни тузатиш учун берилган муддатни кўрсатиб ажрим чиқаради.

Ажримда кўрсатилган камчиликлар белгиланган муддатда тугатилган тақдирда, шикоят ёки протест дастлаб судга тақдим этилган кунда берилган ҳисобланади. Акс ҳолда шикоят ёки протест берилмаган ҳисобланиб, бу ҳақда ажрим чиқарилади ва шикоят берган ёки протест келтирган шахсга қайтарилади.

Кассация инстанциясида шикоят (протест) ни кўриш.

Кассация инстанция судида ҳам иш юритиш худди биринчи инстанция судида иш юритиш сингари тегишли демократик тамойилларга асосланган. Шу билан бирга, кассация инстанцияси олдига қўйилган мақсад ва унинг низолашиш, предмети бўйича ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш юритилади. Кассация инстанциясининг фаолияти иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашга қаратилган бўлмасдан, балки биринчи инстанцияси суди томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг қонунийлиги, асосли ва адолатли эканлигини текширади, тарафлар ўртасида фуқаролик ҳуқуқи тўғрисидаги низони мазмунан ҳал қилмайди.

Кассация инстанцияси суди ишни шикоят (протест) билан бирга олгандан сўнг, зарур ҳолларда, ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят ёки протест юзасидан тушунтириш (эътироз) беришни тавсия қилади. Тушунтириш (эътироз), шунингдек уларга илова қилинган ҳужжатлар ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда кўчирма нусхалари билан тақдим этилади. Бу нусхаларни суд ишда иштирок этаётган шахсларга топширади. Ишда иштирок этаётган шахсларнинг илтимоси ёки ўзининг ташаббуси билан суд далилларни талаб қилиб олади.

ФПКнинг 327-моддасига асосан, ишда иштирок этаётган шахслар шикоят ёки протест юзасидан судга тушунтириш беришга (эътироз билдиришга) ҳақлидирлар. Бу тушунтиришни (эътирозни) тасдиқлайдиган ҳужжатлар илова қилиб топширилади. Тушунтириш (эътироз) ишда иштирок этаётган шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда кўчирма нусхалари билан тақдим этилади.

ФПКнинг 330-моддасига асосан, кассация шикояти ёки протест берилгандан кейин даъвогар ишни кўриш вақтида арз қилган талабидан воз кечса, жавобгар арз қилган талабни тан олса ёки тарафлар келишув битими тузсалар, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади ва баённома даъвогар, жавобгар ёки ҳар иккала тараф томонидан имзоланади.

Суд даъводан воз кечишни ёки келишув битимини қабул қилиб тасдиқлашдан олдин даъвогарга ёки тарафларга бундай процессуал ҳаракатнинг оқибатларини тушунтиради.

Кассация инстанция суди даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилганида ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаганида суднинг чиқарган ҳал қилув қарорини бекор қилиб, иш юритишни тугатади. Бундай ҳолда айни шу тарафлар ўртасидаги, айнан шу нарса тўғрисидаги ва айни шу асослар бўйича низо юзасидан судга иккинчи марта мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

Суд ишни кассация тартибида кўрганда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текширади. Суд янги далилларни биринчи инстанция судига тақдим этиш имконияти бўлмаган, деб топса, ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин.

Шу билан бирга кассация инстанция суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўла ҳажмда текшириши шарт.

Кассация шикоятни ёки протести билан тушган ишни кассация инстанцияси йигирма кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак. Иш мураккаб бўлган ёки бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли суднинг раиси бу муддатни кўпи билан яна ўн кунга узайтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди кассация шикоятни ёки протест билан тушган ишни бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқиши лозим. Алоҳида ҳолларда Олий суднинг раиси ёки унинг ўринбосари бу муддатни кўпи билан яна бир ойга узайтириши мумкин.

Ишни кўриш муддати узайтирилганда бу ҳақда ишда иштирок этадиган шахсларга иш кўриладиган кун олдиндан хабар қилиниши керак.

Кассация инстанциясида суд мажлиси, асосан уч қисмдан иборат бўлади.

Суд ҳал қилув қарори устидан берилган шикоят ёки протест кассация инстанцияси судининг очиқ мажлисида кўрилади. Раислик қилувчи суд мажлисини очади ва кимнинг шикоятни ёки протести бўйича ҳамда қайси суднинг ҳал қилув қарори юзасидан қандай иш кўрилишини эълон қилади. Ишда иштирок этаётган шахсларнинг қайси бири келган ва қайси бири келмаганлигини, келмаганлик сабаби тўғрисида қандай маълумотлар борлигини аниқлаб, судга келганларнинг шахсини, мансабдор шахслар ҳамда вакилларнинг ваколатини текширади.

Раислик қилувчи суд таркибининг эълон қилиб, суд мажлисининг котиби, прокурор, эксперт, таржимон сифатида кимлар қатнашаётганлигини маълум қилади ва уларга четлатиш (рад қилиш) ҳақида арз қилиш ҳуқуқларини, шу билан бирга ишда иштирок

этаётган шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради.

Ишда иштирок этиши лозим бўлган шахслардан бирортаси суд мажлисига келмаган бўлса ва у ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишлича хабардор қилинганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради. Аммо тегишли тартибда ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди. Бироқ келмаслик сабабларини уэрли, деб ҳисоблаган ҳолда суд ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли.

Прокурор ёки адвокат уэрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаган тақдирда, бу ҳақда суд хусусий ажрим чиқариши ва тегишли юқори турувчи прокурор ёки адвокатлар малака комиссиясига маълум қилиши мумқин.

Ишни кассация инстанциясида кўриш билан боғлиқ барча масалаларга оид ишда иштирок этаётганларнинг илтимослари ва аризалари тарафларнинг фикр-мулоҳазалари тинглангандан кейин суд томонидан ҳал қилинади.

Ишни кассация инстанцияси судида кўриш раислик қилувчи ёки судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади. Маърузачи ишнинг ҳолатини, биринчи инстанция суди чиқарган ҳал қилув қарорининг мазмунини, кассация шикоятни ёки протестда келтирилган далилларни ва улар юзасидан берилган тушунтиришларни, эътирозларни, келтирилган янги далилларнинг мазмунини, шунингдек ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш учун суд кўриши зарур бўлган барча маълумотларни баён қилади (ФПКнинг 339-моддаси).

Суд маърузадан кейин суд мажлисига келган ишда иштирок этаётган шахсларнинг тушунтиришларини тинглайди.

Даставвал, кассация шикоятини берган шахс ва унинг вакили ёки иш протест бўйича кўрилаётган бўлса, прокурор сўзга чиқади. Ҳал қилув қарори устидан ҳар икки тараф ҳам шикоят берган бўлса, биринчи бўлиб даъвогар сўзлайди.

Бу шахслар кассация шикоятни ёки протестда кўрсатилмаган важлар келтиришга ва қўшимча материаллар тақдим этишга ҳам ҳақлидирлар.

Қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилган давлат бошқарув органлари, ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек айрим фуқаролар, агар улар суднинг ҳал қилув қарори устидан шикоят бермаган бўлсалар, кассация судида тарафлар ва учинчи шахслардан кейин сўзга чиқадилар. Иш прокурорнинг протестига асосан кўрилмаётган бўлса, ишда иштирок этаётган

шахсларнинг тушунтиришларидан кейин прокурор ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосли ва адолатли эканлиги тўғрисида хулоса беради (ФПКнинг 340-моддаси).

Прокурорнинг хулосаси оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши мумкин. Ёзма шаклда берилган прокурорнинг хулосаси суд мажлисида ўқиб эштирилади.

«Ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурорнинг хулосаси тинглаб бўлинганидан кейин, - дейилади ФПКнинг 342-моддасида, - кассация инстанцияси суди ажрим чиқариш учун маслаҳатхонага чиқади».

Маслаҳатхонада масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилиш биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори чиқариш бўйича белгиланган тартибда амалга оширилади.

Кассация инстанцияси суди иш бўйича ФПКнинг 7 бобида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда иш юритишни тўхтатиши мумкин.

«Кассация инстанцияси судининг ажрими иш кўрилганидан кейин дарҳол чиқарилади.

Алоҳида ҳолларда асослантирилган ажримни тайёрлаш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин. Лекин ажримнинг хулоса қисмини суд ишни кассация тартибида муҳокама қилиш тамомланган мажлиснинг ўзидаёқ эълон қилиши керак» (ФПКнинг 342-моддаси)

Судьяларнинг маслаҳатлашуви, ажрим чиқариш ва уни эълон қилиш тўғрисида қонун билан белгиланган суд томонидан масалаларни ҳал қилиш тартиби ФПКнинг 14-моддаси ва маслаҳатлашувнинг сир тутилиши қоидалари (ФПКнинг 204-моддаси) асосида амалга оширилади.

Суд ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли эканлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш бўйича кассация инстанциясининг қабул қилган қарори кассация ажрими дейилади.

Кассация инстанцияси судининг ажримида шикоятда ёки протестда келтирилган вазларга улар тўғри, деб ҳисобланганда ҳам ва нотўғри, деб топилганда ҳам тўлиқ жавоб берилган бўлиши шарт.

Шикоятда ёки протестда келтирилган вазларнинг тўғри ёки нотўғрилигини кассация инстанция суди, тақдим қилинган қўшимча далиллар, ҳужжатлар, шу билан бирга ишда мавжуд бўлган материалларни текшириш натижасида аниқлайди.

Кассация тартибида иш кўраётган суд биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятли ҳамма ҳолатларни тўлиқ текширганми, суд аниқланган, деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятли ҳолатлар исботланганми, суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосалари иш ҳолатларига мувофиқ келадими, моддий ва процессуал

ҳуқуқ нормалари бузилмаганми ёки улар нотўғри қўлланилмаганми, деган масалаларни аниқлаши керак.

Шунинг билан бирга кассация инстанцияси суди ўзининг ажримда биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган бошқа, шикоят ёки протестда кўрсатилмаган камчиликларни ҳам аниқлаб, баён қилиши мумкин.

Кассация инстанцияси суди ишни кўриб чиқиб, ўз ажрими билан:

1) ҳал қилув қарорини ўзгартиришга, шикоят ёки протестни эса, қаноатлантirmасликка;

2) ишни янгидан кўриш учун юбормасдан, ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ёки бутунлай ёхуд қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқаришга;

3) агар биринчи инстанция суди йўл қўйган хатони ишда мавжуд бўлган далиллар ва қўшимча далиллар билан бартараф қилишнинг имкони бўлмаса, ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборишга;

4) ҳал қилув қарорини бутунлай ёки қисман бекор қилишга ҳамда ФПКнинг 97 ва 100-моддаларида кўрсатилган асосларга кўра, иш юретишни тугатишга ёхуд аризани кўрмай қолдиришга ҳақли. (ФПКнинг 343-моддаси)

Агар иш бўйича иккинчи марта шикоят ёки протест билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинса, кассация инстанцияси суди ишни умумий асосларда биринчи инстанция суди сифатида кўриш учун қабул қилиб олиши керак.

Белгиланган муддатда ёки ўтказиб юборилган муддат тиклангандан кейин берилган кассация шикояти ёки протест иш кассация инстанцияси судида берилган бошқа шикоятга асосан кўрилгандан кейин келиб тушса, суд уларни қабул қилиб, кўриши шарт. Бундай шикоят ёки протестни кўришда чиқарилган ажрим ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши лозим, деган хулосага келса, суд ажрим чиқариб ишни тақдимнома билан суд раисига юбориб, бир ёки ҳар иккала ажрим устидан назорат тартибида протест келтириш масаласини ҳал қилишни сўрайди.

3. Биринчи инстанция суди ажримлари устидан шикоят бериш (протест келтириш)

Фуқаролик ишларини кўриш жараёнида биринчи инстанция суди томонидан чиқариладиган ажримларга нисбатан кассация тартибида шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин. Бундай ажримлар устидан бериладиган шикоят хусусий шикоят, прокурорнинг протести эса хусусий протест деб аталади.

Биринчи инстанция судининг чиқарган ҳамма ажримларига нисбатан ҳам шикоят бериб ёки протест келтириб бўлмайди.

Биринчи инстанция судининг ажримлари устидан икки ҳолда ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят бериш ёки протест келтириш мумкин.

Биринчидан. шикоят бериш ёки протест келтириш процессуал кодекс моддаларида махсус назарда тутилган ҳолларда;

Иккинчидан. суднинг ажрими ишнинг илгарилашига, тўсқинлик қиладиган ҳолларда, суд томонидан ажрим топширилган кундан эътиборан ўн кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этаётган бошқа шахслар кассация инстанцияси судига суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят беришлари, прокурор эса, протест келтириши мумкин.

Биринчи инстанция судининг бошқа ажримлари устидан хусусий шикоят берилмайди ва хусусий протест келтирилмайди, бироқ, бундай ажримларга қарши эътирозлар кассация шикояти ёки протестига киритилиши мумкин (ФПКнинг 346-моддаси).

Қандай ажримларга шикоят бериш ёки протест келтириш мумкинлиги ФПКда махсус кўрсатилган бўлади.

Масалан, ФПКнинг 19-моддасига асосан суд фуқаролик ишларини кўраётганида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунлар ёки ҳуқуқ-тартиботлар бузилганлигини аниқлаган тақдирда хусусий ажрим чиқариб, уни тегишли органлар ва мансабдор шахсларга чора кўриш учун юборади. Мана шу хусусий ажримнинг устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

ФПКнинг 99-моддасига асосан аризани кўрмасдан қолдириш ҳақидаги суднинг ажрими, ФПКнинг 130-моддасига асосан ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклашни рад қилиш тўғрисида чиқарилган суднинг ажрими, ФПКнинг 152-моддасига асосан аризани қабул қилишни рад қилиш тўғрисидаги ва ФПКда тўғридан тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Ишни мазмунан кўриш учун суд жараёнининг давом этишига ҳалақит бермайдиган суднинг ажримлари устидан хусусий шикоят берилиши ёки прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин эмас.

Масалан, суд жараёни давомида тарафлар томонидан қўшимча гувоҳларни ишга жалб қилиш ҳақидаги талабнинг суд томонидан рад қилиниши иш бўйича суд жараёнини давом эттиришга ҳалақит бермайди.

Шунинг учун, суднинг бундай ажримлари нотўғрилиги ҳақидаги тарафларнинг арзлари иш бўйича берилган кассация шикоятларида баён қилиниши мумкин.

Суд ажримлари устидан хусусий шикоят бериш ҳуқуқи ишда иштирок этаётган барча шахсларга берилган.

Прокурор, ишда иштирок этган ёки этмаганидан қатъий назар, суднинг шикоят қилиниши лозим бўлган барча ажримларига хусусий протест келтириши мумкин.

Хусусий шикоятлар ва хусусий протестлар ФПКнинг 37-бобида назарда тутилган қоидаларга асосан, кассация шикояти ёки кассация протестини кўриш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Кассация инстанцияси суди хусусий шикоят ёки хусусий протестни қараб чиқиб:

1) суднинг ажримини ўзгартирмасдан, хусусий шикоятни ёки хусусий протестни қаноатлантирмасликка;

2) ажримни бекор қилиб, ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборишга;

3) ажримни бутунлай ёки қисман ўзгартириб ёхуд бекор қилиб, масалани мазмунан ҳал қилишга ҳақли.

Кассация инстанцияси судининг хусусий шикоят ёки хусусий протест бўйича чиқарган ажрими дарҳол қонуний кучга киради ва унга нисбатан шикоят берилиши мумкин эмас.

4. Қонуний кучга кирган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш

Фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш асосан бевосита биринчи инстанция судида амалга оширилади ва таъминланади.

Биринчи инстанция суди қарорларининг қонуний, асосли ва адолатлилиги, кассация шикояти ёки кассация протести мавжуд бўлганда, биринчи навбатда, кассация инстанцияси суди томонидан текширилиб, ҳал қилинади. Аммо, кассация инстанцияси суди томонидан йўл қўйилган камчиликлар, гайриқонуний ҳаракатлар, ноқонуний қарорларни кўриб чиқиш ва ҳақиқатни аниқлаш орқали қонун устиворлигини таъминлаш талаб қилинади.

Бундан ташқари, айрим ҳолларда, биринчи инстанция судининг гайриқонуний қарорлари ўз вақтида шикоят қилмасдан, қонуний кучга кириб, ижрога берилиши мумкин. Бундай ҳолатларни тузатиш назорат суди зиммасида бўлади.

ФПКда қонуний кучга кирган суд қарорларини текшириш учун судлардан фуқаролик ишларини талаб қилиб олиш, назорат тартибда протест келтириш ҳуқуқи берилган мансабдор шахсларнинг, шунингдек назорат тартибда протестларни кўрадиган судларнинг тизими белгилаб берилган.

Демак, суд назорати тартибда иш кўриш қонуний кучга кирган суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатлилигини текширишнинг

махсус тартиби бўлиб, қонун билан ваколат берилган мансабдор шахсларнинг протестлари бўйича махсус назорат органлари томонидан амалга оширилади.

Кассация шикоятни бериш ҳуқуқи ишда қатнашган барча шахсларга, прокурор ва унинг ўринбосарига берилган бўлса, назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи фақатгина қонунда белгиланган прокуратура ва суд органларининг айрим мансабдор шахсларига берилган ва фақат шу мансабдор шахслар назорат тартибида ишни қайта кўриш учун протест келтиришга асослар борлигини аниқлайди.

Туман (шаҳар) прокурорлари ва туман (шаҳар) судьялари назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга эмаслар. Вилоят прокурори ва вилоят суди раислари эса қонунда белгиланган ваколат доирасида назорат протести келтириш ҳуқуқига эга.

ФПКнинг 349-моддасида назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар белгиланган. Кимлар ва қайси судларнинг қарорлари ва ажримларига назорат тартибида протест келтиришлари мумкин?

1. Қорақалпоғистон Олий Суди раиси, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди ва Қуролли кучлар ҳарбий суди раислари тегишли туман (шаҳар) судларининг, гарнизон ҳарбий судларининг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди ва Қуролли кучлар ҳарбий судининг фуқаролик ишларини кассация тартибида кўрган судлов ҳайъатларининг ажримлари устидан назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг қарорларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси барча судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан назорат тартибида протест келтириши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раиси Ўзбекистон Республикасининг барча судлари, шу жумладан Олий Суд Пленумининг қарори устидан ҳам, назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга.

4. Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари, Қуролли Кучлар ҳарбий прокурорлари тегишли туман (шаҳар) судларининг, гарнизонлар ҳарбий судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва Қорақалпоғистон Олий Суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари ҳамда Қуролли Кучлар ҳарбий судининг ишларни кассация тартибида кўрган судлов ҳайъатларининг ажримлари устидан назорат тартибида протест келтиришга ҳақли.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва унинг ўринбосарларига Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қароридан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи берилган.

Назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлмаган туман (шаҳар) прокурорлари, туман (шаҳар) судьялари, иш бўйича манфаатдор бўлган бошқа шахслар назорат тартибида протест келтириш тўғрисида тегишли прокуратуранинг ёки суднинг ваколатли мансабдор шахслари номига тегишли суднинг ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан назорат тартибида протест келтиришни сўраб мурожаат қилишлари мумкин. Бу ҳақдаги прокурор ёки суднинг тақдимномаси, бошқа шахсларнинг аризасининг мазмуни ФПКнинг 323-моддасида назарда тутилган кассация шикоятининг шаклига ва мазмунига мувофиқ тарзда бўлиши керак.

Шу билан бирга, тақдимномага (аризага) назорат тартибида протест қилиш талаб қилинган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорларнинг кўчирма нусхаси илова қилиниши керак.

ФПКнинг 350-моддасига асосан аризага тегишли ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорнинг кўчирма нусхаси илова қилинмаган ва давлат божи тўланмаган тақдирда, назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза ҳаракатсиз қолдирилади ва аризаچига камчиликларни бартараф этиш тартиби ва муддати тушунтирилади. Ариза бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши ва протест келтириш учун асос бўлмаганда, ариза берган шахсга аризани қаноатлантирмасдан қолдириш сабаблари кўрсатилиб, ёзма тарзда назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли мансабдор шахснинг имзоси билан жавоб берилиши керак.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди раиси, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди ва Қуролли Кучлар ҳарбий судининг раиси томонидан протест келтириш рад этилган тақдирда, аризаچи Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосарлари номига шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

Худди шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят прокурорлари, Тошкент шаҳар прокурори ва Қуролли Кучлар ҳарбий прокурори томонидан назорат тартибида протест келтириш рад этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари номига шикоят билан мурожаат қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарлари, Бош прокурорнинг ўринбосарлари томонидан назорат тартибида протест келтириш рад қилинган ҳолларда аризаچи Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки Бош прокурор номига шикоят бериш ҳуқуқига эга.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил ўтгандан кейин берилган аризалар кўрилмайди.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин назорат тартибида протест келтиришга асос бор-йўқлиги масаласини текшириш ва ҳал қилиш учун ўз ваколатлари доирасида тегишли судлардан фуқаролик ишларини назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар ҳамда туман (шаҳар) прокурори талаб қилиб олишга ҳақлидирлар.

Ишни талаб қилиб олгач, назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар тегишли ҳал қилув қарори, ажримлар ва қарорларнинг ижросини назорат тартибида иш юритиш тамом бўлганга қадар тўхтатиб туришлари мумкин. Аммо ФПКнинг 219-моддасида назарда тутилган дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳал қилув қарорларининг ижросини тўхтатишга йўл қўйилмайди.

Назорат тартибида протест келтириш учун асос бўлмаган ҳолда, тегишли ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб туриш бекор қилиниши керак. Тўхтатиб туриш ва тўхтатиб туришни бекор қилиш ҳақида манфаатдор шахсларга, ташкилотларга ва тегишли судга маълум қилинади.

Протест келтириш учун асос мавжуд бўлган тақдирда, ваколатли манфаатдор шахснинг имзоси билан протест тегишли судга кўриш учун фуқаролик иши билан бирга юборилади.

Протестнинг мазмуни ФПКнинг 323-моддасида назарда тутилган тартибда кассация протести мазмунига мос келиши лозим ва протест судда иштирок этадиган шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда кўчирма нусхалари билан тақдим қилинади.

ФПКнинг 354-моддасига кўра қўйидаги судлар назорат тартибида протестларни кўрадилар.

1. Туман (шаҳар) судлари, гарнизон ҳарбий судларининг ҳал қилув қарорлари ва ажримларига нисбатан келтирилган назорат тартибидаги протестларни, шунингдек, Қорақалпоғистон Олий Суди, вилоятлар судлари, Тошкент шаҳар суди ва Қуролли Кучлар ҳарбий судининг кассация тартибида чиқарган ажримлари устидан келтирилган протестларни шу судларнинг Раёсатлари кўриб чиқадилар.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар судининг биринчи инстанция тартибида чиқарган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Судида кассация тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан келтирилган назорат тартибидаги протестларни, шунингдек кўрсатилган судлар Раёсатларининг қарорлари устидан келтирилган протестларга доир фуқаролик ишларини Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳаёти кўради.

3. Қуролли Кучлар ҳарбий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судида кассация тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан, шунингдек Қуролли Кучлар ҳарбий суди Раёсатининг қарорлари устидан келтирилган назорат тартибидаги протестларга доир фуқаролик ишларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳарбий ҳайъати кўриб чиқади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатларининг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан келтирилган назорат тартибидаги протестларга доир фуқаролик ишларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати кўриб чиқади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари устидан келтирилган назорат тартибидаги протестларга доир фуқаролик ишларини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми кўради.

Демак, назорат тартибида протест, қоида тариқасида, суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини назорат тартибида текшириш ҳуқуқига эга бўлган суднинг назорат органига киритилиши керак.

Назорат тартибида ишни кўрадиган суд тарафларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга иш бўйича келтирилган протестнинг кўчирма нусхасини юборади. Зарур ҳоларда уларни ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Суд ишни кўриш вақтини тайинлаганида ишда иштирок этувчи шахслар протест юзасидан ёзма тушунтириш ёки эътирозларини ва қўшимча материалларни судга тақдим этиш имкониятига эга бўлишларини ҳисобга олиши керак.

Назорат тартибида протест келтирган ёки юқори турган мансабдор шахс протест кўриладиган суд мажлиси бошлангунгача протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олишга ҳақли.

Бу ҳақда, албатта, ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинишлари шарт.

Протест суд мажлисида кўрилади бошлагандан кейин уни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олишга йўл қўйилмайди.

Назорат тартибида келтирилган протестни кўриш кассация протестини кўриш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Судлов ҳайъатида, суд Раёсати ва Пленумида раис ёки унинг топшириғига асосан илгари мазкур ишни кўришда қатнашмаган судья, Раёсат ёки Пленум аъзоси иш юзасидан маъруза қилади.

Маърузада ишнинг ҳолатлари, иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор, шунингдек протестнинг мазмуни баён этилади.

Суд мажлисида иштирок этишни хоҳлаган барча шахсларга ишда иштирок этишга рухсат берилиши ва уларга иш юзасидан маъруза қилингандан кейин тушунтириш беришга рухсат этилади.

Суд ишни назорат тартибида кўрганида биринчи инстанция ва кассация инстанцияси судлари томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини ишдаги мавжуд материаллар бўйича протестда келтирилган важлар доирасида қанчалик тўғри қўлланилганлигини текширади.

Назорат суди, башарти суднинг қарорида бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилганлигини аниқлаган тақдирда, назорат протести доирасидан четга чиқиши мумкин.

Ишни назорат тартибида кўраётган суднинг ваколатлари ФПКнинг 361-моддасида белгиланган.

Назорат тартибида ишни кўрган суд ўзининг ажрими ёки қарори билан:

1) ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни ўзгартиришсиз қолдириб, протестни қаноатлантирмай қолдиришга;

2) ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни бутунлай ёки қисман бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция суди ёки кассация инстанцияси судига юборишга;

3) ҳал қилув қарорини, ажрим ёки қарорни бутунлай ёки қисман бекор қилиб, иш юритишни тугатиш ёки аризани кўрмасдан қолдиришга;

4) иш бўйича илгари чиқарилган ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарордан бирини ўз кучида қолдиришга;

5) моддий ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатога йўл қўйилган бўлса, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун юбормасдан, янги ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли.

Назорат тартибида протестларни кўриш ва ажрим ёки қарор чиқариш ФПКнинг 14 ва 204-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Назорат тартибида ажрим ёки қарор маслаҳатхонада чиқарилади ва ҳар бир масала судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал қилинади. Протестни қондиришни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, протест рад этилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди судлов ҳайъатининг назорат тартибидаги протест бўйича чиқарган ажрими суднинг тўлиқ таркиби томонидан имзоланиши керак.

Суд раёсатининг қарори раёсат мажлисида раислик қилувчи томонидан, Ўзбекистон Республика Олий Суди Пленумининг қарори эса, Ўзбекистон Республика Олий Суди раиси ва Пленум котиби томонидан имзоланади.

Назорат тартибида иш кўрилатганда судлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида ва мансабдор шахслар томонидан

қонун бузилган бўлса, хусусий ажрим ёки хусусий қарор чиқарилиши мумкин.

5. Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тартиби ФПКнинг 362-369 - моддаларида белгилаб қўйилган.

Қонуний кучга кирмаган суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримларини кассация тартибида кўриш ва қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни назорат тартибида кўриш билан бир қаторда, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳам фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, иш бўйича қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқаришни таъминлашга қаратилган суд босқичидир.

Суд қарорларини текшириш суд процессининг ҳар учала босқичида ҳам одил судловни амалга ошириш мақсадига хизмат қилади, шу билан бирга қайтадан кўриш асослари, иш юритишни қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг доираси ва қайтадан кўриш процессуал тартиби бўйича бир-бирларидан жиддий фарқ қилади.

ФПКнинг 362-моддасига асосан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун қуйидаги асослар бўлиши керак:

1) аризаچига номаълум бўлган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, лекин иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар;

2) суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва ноқонуний, асоссиз ёки адолатсиз қарор чиқарилишига сабаб бўлган ҳолатлар, яъни гувоҳнинг била туриб берган ёлғон кўрсатуви, экспертнинг била туриб берган ёлғон хулосаси, атайин нотўғри қилинган таржима, қалбаки ҳужжатлар ёки ашёвий далиллар;

3) суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган тарафларнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ёки судьяларнинг муайян ишни кўришда содир этган жиноий қилмишлари;

4) суд чиқарган ҳал қилув қарори, ҳукм, ажрим ёки қарорнинг ёхуд шу ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишига сабаб бўлган бошқа органлар қарорининг бекор қилиниши.

Янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этган шахслар

ёки прокурор томонидан ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни чиқарган судга берилади. Ишда иштирок этаётган шахслар бундай аризани ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриб чиқиш учун асос бўладиган ҳолатлар маълум бўлган кундан эътиборан олти ой муддат ичида беришлари мумкин. (ФПКнинг 364-моддаси).

ФПКнинг 362-моддасининг биринчи бандида назарда тутилган ҳолларда, яъни аризаچига номаълум бўлган ва маълум бўлиши ҳам мумкин бўлмаган, лекин иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар асос бўлганда, ариза бериш муддати шу ҳолатлар очилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган тарафларнинг, ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг ёки судьяларнинг муайян ишни кўришда содир этган жиноий қилмишлари, гувоҳлар, экспертлар, таржимонларнинг атайин нотўғри берган кўрсатма ва хулосалари оқибатида чиқарилган қарорларни қайтадан кўриш учун ариза бериш муддати суднинг ҳукми қонуний кучга кирган кундан эътиборан ҳисобланади.

Ниҳоят, суд чиқарган ҳал қилув қарори, ҳукм, ажрим ёки қарорнинг ёхуд шу ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишига сабаб бўлган бошқа органлар қарорларининг бекор қилиниши янгидан ишни кўришга асос бўлган ҳолларда - қайта кўрилаётган ҳал қилув қарорига, ажрим ёки қарорга асос бўлган ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорга мазмунан қарама-қарши бўлган суд ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор қонуний кучга кирган кундан ёхуд бошқа органнинг ана шундай қарори чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади.

Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича кўриш учун берилган ариза шу ҳал қилув қарорини чиқарган суд томонидан аризаچини ва ишда иштирок этган шахсларни хабардор қилган ҳолда қайта кўрилади. Бироқ, бу шахсларнинг судга келмаслиги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Биринчи инстанция суди чиқарган ҳал қилув қарорини ўзгартирган ёки янги ҳал қилув қарори чиқарган, кассация ёки назорат инстанцияси судларининг ажрим ва қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳал қилув қарорини ўзгартирган ёки янги ҳал қилув қарори чиқарган суд томонидан амалга оширилади (ФПКнинг 363-моддаси).

Суд янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриб, уни қаноатлантириш ва ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни бекор қилиш ёхуд ишни қайта кўришни рад қилиш ҳақида ажрим чиқаради.

Булардан фақат ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани

қаноатлантириш тўғрисидаги суд чиқарган ажрим устидан шикоят берилиши мумкин эмас.

Бундай ҳолларда, иш суд томонидан умумий асосларда кўрилади.

Ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани рад қилиш тўғрисидаги ажрим устидан қонунда белгиланган умумий тартибда шикоят бериш ёки протест келтириш мумкин.

VIII - БОБ. СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ИЖРОСИ

Суд қарорларини ижро этиш суд иш юритишининг якунловчи босқичи ҳисобланади.

Суд ҳал қилув қарорини ижро этиш босқичи биринчидан, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш натижалари бўлса, иккинчидан, унда шахсий фуқаролик ҳуқуқларининг ҳимояси ўзининг ҳақиқий ижроси ва ечимини топади.

Суд иш юритишида бу босқичнинг ўзига хослиги шундаки, унда нафақат суднинг ҳал қилув қарорлари, шунингдек қонунда белгиланган бошқа айрим давлат органларининг қарорлари ҳам ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 5 февралдаги «Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида биноан Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Олий хўжалик суди билан Адлия вазирлиги зиммасига «Суд қарорларини ижро этиш ҳамда суд ижрочисининг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси юклатилган. Шунга асосан Олий Мажлис томонидан махсус қонун қабул қилиниши назарда тутилган. Шу муносабат билан ФПКнинг суд қарорларининг ижроси тўғрисидаги бобида ушбу масала асосий умумий қоидалар акс эттирилган.

Фуқаролик ишларини кўришдан мақсад қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарори чиқаришдан иборат бўлиб, қонуний кучга кириши билан бу ҳал қилув қарори ҳамма учун мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжатга айланади.

«Суднинг қонуний кучга кирган қарорлари, - дейилади ФПКнинг 370-моддасида, - барча давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу кодекс ва бошқа қонунларда белгиланган тартибда ижро этилади».

Суднинг ҳал қилув қарори, агар унинг устидан кассация тартибида шикоят берилмаган бўлса ёки прокурор томонидан протест келтирилмаган бўлса, қонунда белгиланган шикоят бериш ёки протест келтириш муддати тугаши билан кучга киради.

Агар суднинг ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти берилган бўлса ёки протест келтирилган бўлса, иш кассация инстанцияси томонидан кўрилиб, ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

Суднинг ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирган заҳоти ижро этилиши керак. Суднинг ҳал қилув қарорларининг дарҳол ижро этилиши шарт бўлган фуқаролик ишлар тизими ФПКнинг 219-моддасида белгилаб қўйилган.

Булар - алимент ундириш тўғрисидаги; ходимга уч ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги; майиб бўлганлик ёки соғлиқка бошқача тарзда шикаст етиши, шунингдек боқувчисининг ўлими натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун тўловлар ундириш ҳақидаги; меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда тўхтатилган ходимни ёки гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги; шунингдек меҳнат шартномасини тўхтатиш асосларининг таърифини ўзгартиш тўғрисидаги ва судда ишни кўриш вақтида жавобгар даъвои бутунлай ёки қисман тан олганлигига қараб, уни тўлиқ ёки қисман қаноатлантириши лозимлиги хусусида чиқарилган ҳал қилув қарорларидир.

Бундан ташқари қуйидаги ҳолларда суд ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман дарҳол ижро этилишига йўл қўйиши мумкин: (ФПКнинг 220-моддаси)

Булар: суднинг ҳал қилув қарорига ва унинг дарҳол ижро этилишига даъвогар ва жавобгар рози бўлган ҳолларда; муаллифнинг интеллектуал фаолияти натижасидан фойдаланганлик учун унга ҳақ ундириб бериш тўғрисидаги ҳал қилув қарори; алоҳида ҳолатлар натижасида ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ундирувчи учун кўп зарар келтириши мумкин бўлган ёки ижронинг бажарилиши мумкин бўлмай қолган бошқа ҳамма ишлар бўйича.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг суд томонидан ундирувчига ижро варақаси берилади, дарҳол ижро этиш ҳолларида эса, ижро варақаси ҳал қилув қарори чиқарилиши билан дарҳол берилади.

Суд қарорининг мажбурий ижроси қарорни қабул қилган суд берадиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Ижро варақаси одатда ҳар бир ҳал қилув қарори бўйича битта берилади. Ижро турли жойларда ёки бир неча ундирувчининг фойдасига ёхуд бир неча қарздорларга нисбатан амалга ошириладиган тақдирда, суд ундирувчиларнинг илтимосига биноан ижро жойини ёки ҳал қилув қарори ижросини ҳар бир ижро варақасига тегишли қисмини аниқ кўрсатган ҳолда бир неча ижро варақаси бериши мумкин.

Шерик жавобгарлардан пул маблағлари ундириш тўғрисидаги ҳукм ёки ҳал қилув қарорига асосан шерик жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда бир неча ижро варақаси берилади. Ҳар бир ижро варақасида ундириладиган пулнинг умумий суммаси кўрсатилиши ва жавобгарларнинг ҳаммаси шерик жавобгар эканлиги кўрсатилган ҳолда санаб ўтилмиши лозим.

Ижро варақаси ундирувчининг илтимосига кўра ижро қилиш учун бевосита суд томонидан юборилиши мумкин.

Жиноят содир қилиш натижасида етказилган зарарни ундириш, алимент ундириш, майиб бўлганлик ёки соглиққа бошқача тарзда шикаст етганлик, шунингдек боқувчисини йўқотгани оқибатида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш, ходим билан меҳнат шартномасини гайриқонуний равишда тўхтатиш ёки гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда ёхуд суднинг ишга тиклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини бажармасликда айбдор бўлган мансабдор шахслардан пул ундириш, мулкни мусодара қилиш, давлат даромадига пул маблағлари ундириш ишлари бўйича суд ижро варақасини ўз ташаббуси билан ижро этишга юборди ва бу ҳақда тегишли молия органига ёки ундирувчига хабар қилади.

Ижро варақасида уни берган суднинг номи, ижро варақасининг қайси иш юзасидан берилганлиги, ҳал қилув қарорининг чиқарилган вақти, ҳал қилув қарорининг хулоса қисми сўзма-сўз тўлиғича, кўрсатилиши, шунингдек, ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кирган вақти, ижро варақасининг берилган вақти, ундирувчи ва қарздорларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда уларнинг манзилгоҳлари аниқ кўрсатилган ва ижро варақаси, албатта, судья гомонидан имзоланган бўлиши шарт.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган пайтидан бошлаб уч йил ичида мажбурий тартибда ижро этиш учун суд ижрочисига топширилиши мумкин.

Даврли тўловларни ундириш учун берилган ижро варақалари бу тўловлар ундириладиган бутун давр ичида ижрога топширилиши мумкин. Ижро варақаси ижрога берилганга қадар ўтган вақт учун даврли тўловлар қонунда белгиланган муддатлар доирасида ундирилади.

Суд ҳал қилув қарорининг мажбурий тартибда ижро этилиш муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача белгиланган бўлмаса, умумий даъво муддати уч йил амалда бўлади. Бу муддатларнинг ўтиши ҳар бир тўлов муддати тугаган кундан эътиборан давом этади.

Ижрога бериш муддати, қонунда бошқача тартиб ўрнатилган бўлмаса, ижро варақасининг ижрога берилиши, шунингдек ҳал қилув қарори қисман ижро қилиниши билан узилади. Муддат узилгандан сўнг унинг ўтиши янгидан бошланади. Бунда олдинги ўтган вақт янги муддат ҳисобига киритилмайди.

Агар ижро варақаси тўлиқ ёки қисман ундирилмай қайтарилса, ижро варақасини ижрога топшириш учун янги муддатни ҳисоблаш ижро варақаси ундирувчига қайтарилган кундан эътиборан бошланади.

Ижро варақасини ижрога топширишнинг ўтказиб юборилган муддати, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, суд узрли, деб топган сабабларга кўра тикланиши мумкин.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза ҳал қилув қарори чиқарган судга ёки ижро қилинадиган жойдаги судга берилади. Аризани суд кўрганда, албатта, ишда иштирок этган шахсларни хабардор қилиши керак. Бироқ, бу шахсларнинг келмаслиги муддатни тиклаш тўғрисидаги масалани кўриб, ҳал қилиш учун тўсқинлик қилмайди.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза рад қилинган тақдирда, суднинг бу ҳақдаги ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Ижро варақасини ижрога топширишнинг ўтказиб юборилган муддати, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, суд уни узрли, деб топган сабабларга кўра тикланиши мумкин.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза ҳал қилув қарори чиқарган судга ёки ижро қилинадиган жойдаги судга берилади. Аризани суд кўрганда, албатта, ишда иштирок этган шахсларни хабардор қилиши керак. Бироқ, бу шахсларнинг келмаслиги муддатни тиклаш тўғрисидаги масалани кўриб, ҳал қилиш учун тўсқинлик қилмайди.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза рад қилинган тақдирда, суднинг бу ҳақдаги ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Ундирувчи, қарздор ёки суд ижрочисининг аризасига биноан суд ҳал қилув қарорининг ижросини қонунда белгиланган тартибда кечиктиришга ёки унинг бўлиб-бўлиб бажарилишига йўл қўйишга ёхуд уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга ҳақли.

Қарздор зиммасига фақат унинг ўзи бажариши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юкловчи ҳал қилув қарори ижро этилмаганлиги учун қонунда белгиланган миқдорда суд қарздорга жарима солишга ҳақли (ФПКнинг 211-моддаси). Ҳал қилув қарорини бажармаганлиги тўғрисидаги масала суд мажлисида ундирувчи ва қарздорни хабардор қилган ҳолда кўрилади. Уларнинг келмаслиги ҳал қилув қарорининг бажарилмаганлиги тўғрисидаги масалани кўриш учун тўсқинлик қилмайди.

Қарздор томонидан суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаганлиги аниқланган тақдирда, суд унга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиши мумкин. Шу билан бирга ҳал қилув қарорини бажариш учун қарздорга янги муддат тайинлайди.

Қарздор ҳал қилув қарорини ижро этиш учун белгиланган муддатларни иккинчи марта ва ундан кейин бузса, яна кўрсатилган миқдорда жарима солади. Шундай ҳаракатни суд жариманинг умумий суммаси энг кам иш ҳақининг қирқ баравари миқдорига етгангача давом этириши мумкин. Жарима тўлаш қарздорни суднинг ҳал қилув қарорида назарда тутилган ҳаракатларни бажариш мажбуриятидан озод қилмайди (ФПК нинг 381-модда).

Кўрсатилган масалалар бўйича суднинг чиқарган ҳар бир ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтириши мумкин.

Ижро этилган суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш янгидан кўриб чиқилганидан кейин талабларни қаноатлантиришни тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилганда, шунингдек иш юритишни тугатиш тўғрисида ёки аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилган тақдирда, бекор қилинган ҳал қилув қарори бўйича жавобгардан даъвогарнинг фойдасига ундирилган нарсаларнинг ҳаммаси жавобгарга яна қайтарилиб берилиши шарт. Бу ҳол ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тартибида амалга оширилади.

Ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилинади.

Ишни янгидан кўриш учун қабул қилган суд ўз ташаббуси билан қайтарма ижро тўғрисидаги масалани кўриш ва уни янгидан чиқариладиган ҳал қилув қарорида ёки иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажримда ҳал қилиши керак. Ишни янгидан кўраётган суд бекор қилинган ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси масаласини ҳал қилмаган тақдирда, жавобгар бу судга қайтарма ижро тўғрисида ариза беришга ҳақли ва бундай ариза ишда иштирок этаётган шахсларни хабардор қилган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Суднинг бу мажлисига таклиф этилганларнинг келмаслиги суд олдига қўйилган масаланинг ҳал этилиши учун тўсқинлик қилмайди.

Ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги ариза умумий даъво муддати давомида берилади ва у ҳар қандай давлат бождан озод қилинади. Суднинг ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала бўйича чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Ишни кассация шикояти бўйича ёки назорат тартибида протест бўйича кўриб чиқиш жараёнида суд унинг ажрими ёки қарори билан ҳуқуқ тўғрисидаги низони узил-кесил ҳал қилса ёки иш юритишни тамомласа, ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масалани ҳал қилиши ёки уни ҳал қилиш учун биринчи инстанция судига топшириши шарт.

Агар юқори суднинг ажримда ёки қарорида қайтарма ижро тўғрисидаги масала бўйича ҳеч қандай кўрсатма бўлмаса, жавобгар тегишли ариза билан биринчи инстанция судига мурожаат қилишга ҳақли. Бу аризани биринчи инстанция суди белгиланган тартибда кўриб чиқиб, ҳал қилиши керак.

Айрим тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорларининг қайтарма ижроси ўзига хос жиҳатларга эга.

Масалан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича пул суммаси ундириш тўғрисидаги, интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун пул

мукофоти ундириш тўғрисидаги, алимент ундириш тўғрисидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиқка бошқача шикаст етканлик, шунингдек боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарар ўрнини қоплаш учун ҳақ ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари бекор қилинган тақдирда, агар бекор қилинган ҳал қилув қарорлари даъвогар берган сохта маълумотларга ёки у тақдим этган қалбаки ҳужжатларга асосланган бўлмаса, қайтарма ижрога йўл қўйилмайди.

IX - БОБ. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ, ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

1. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаролик-процессуал ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек ташкилотларга қонунда назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликлар, шу жумладан суд органларига ва бошқа давлат органларига ўз шахсий, мулкӣ, оилавий, меҳнат ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилишни талаб қилиб, мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 386-моддасига асосан «Чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар ва фуқаролик-процессуал ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан барабар фойдаланадилар.

Чет эл ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар ва ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаролик процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар».

Хорижий давлатлардан биронтасида Ўзбекистон фуқаролари ва ташкилотларининг фуқаролик процессуал ҳуқуқлари чекланган тақдирда, шу давлатларнинг фуқаролари ва ташкилотларига нисбатан жавоб тариқасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан чеклашлар татбиқ этилиши мумкин.

ФПКнинг 387-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан баб-барабар барча процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси қонунлари чет эл фуқароларига ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида истиқомат қилиб турган фуқаролиги бўлмаган шахсларга фуқаролик суд иш юритиши соҳасида миллий мақомни беради.

Чет эл фуқароларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари мазмуни Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатлар ўртасида тузилган бир қатор шартнома ва битимларда (ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш, савдо, консул конвенцияси ва бошқалар,) очиб бериледи ва мустаҳкамланади.

Хорижий давлатлар билан тузилган шартноманинг мавжудлиги ва улардаги фуқаролик-процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг аниқ белгилаб қўйилиши, Ўзбекистон фуқароларининг ҳам чет давлатларда фуқаролик-процессуал ҳуқуқларини таъминлаш учун катта аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан тузилган шартномалари ичида МДҲ давлатлари билан тузилган ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномалар биринчи ўринда туради.

Ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномалар бўйича бир давлатнинг фуқаролари ва юридик шахслари бошқа давлатнинг ҳудудида худди ўзининг фуқаролари ва юридик шахслари каби шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишидан фойдаланадилар. Улар эркин ва тўсиқсиз суд, прокуратура ва бошқа фуқаролик, оилавий ва бошқа ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи давлат органларига мурожаат қилишга, даъво қўзғатишга ҳақлидирлар.

Чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этаётган низолар, шунингдек, тарафлардан лоақал биттаси чет элда яшаб турганлар ўртасидаги низолар бўйича фуқаролик ишлари Ўзбекистон Республикаси судларининг судловига тааллуқли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, барча фуқаролик ишлари Ўзбекистон Республикаси ФПК нормаларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

2. Чет давлатларга даъволар. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 389-моддасига асосан «чет давлатга нисбатан даъво қўзғатилишига, даъво таъминланишига ва ундирув чет давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги мулкига қаратилишига фақатгина тегишли давлатнинг ваколатли органлари розилиги билангина йўл қўйилиши мумкин.

Чет давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган дипломатия вакиллари ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ёки халқаро ҳуқуқ нормалари билан белгиланадиган доиралардагина Ўзбекистон Республикаси судининг юрисдикциясида бўладилар».

Чет давлат судлари билан Ўзбекистон Республика судлари бир-бирларига судга доир топшириқларни ижро этиш учун мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 390-моддасига асосан, Ўзбекистон судлари чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни, (масалан, чақирув қоғозлари ва бошқа ҳужжатларини топшириш, тарафлар ва гувоҳларни суроқ қилиш, экспертиза ўтказиш, жойига бериб кўриш ва бошқалар) бажариш тўғрисида белгиланган тартибда берган топшириқларини ижро қиладилар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан чет эл давлатлари ва Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва савдо алоқалари анча ривожланди, бу эса судларда фуқаролик ишларини кўришда ҳар хил фуқаролик-процессуал ҳаракатларни бошқа давлатлар ҳудудида амалга ошириш заруратини келтириб чиқарди.

Башарти давлатнинг суд ҳокимияти унинг ҳудуди билан чегараланар экан, чет давлатлар ҳудудида процессуал ҳаракатни амалга ошириш суднинг топшириғи билан маҳаллий суд ёрдамида ўтказилади. Суд топшириғининг мазмуни ва уни юбориш тартиби тўғрисида ФПКда назарда тутилган қоидалар бир давлатнинг иккинчи бир давлат судига мурожаат қилишига тўла тааллуқлидир. Суд топшириғини ижро этиш тартиби эса қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар билан белгиланади.

ФПКнинг 61-моддасига асосан хорижий давлатларнинг органларида иш юритиш учун зарур далиллар билан таъминлаш давлат нотариал идоралари томонидан амалга оширилади.

ФПКнинг 390-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси судлари чет давлат судларининг топшириқларини қуйидаги ҳолларда ижро этмайдилар:

1) топшириқни ижро этиш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлса ёки Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлигига таҳдид солса;

2) топшириқни ижро этиш суднинг ҳуқуқ доирасига кирмаса.

Чет давлат судларининг айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси судлари чет давлат судларига айрим процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисида топшириқ билан мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлат судлари билан алоқада бўлиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномалари билан белгиланади.

Бир давлатнинг суд органлари билан иккинчи бир давлатнинг суд органлари ўртасидаги ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича ўзаро муносабат, биринчидан, дипломатик ва, иккинчидан, бевосита судлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Айрим давлатлар билан тузилган икки томонлама шартномаларда суд топшириқларини бажариш масаласини дипломатик муносабат тартиби билан амалга ошириш назарда тутилган. Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги давлатлараро битимларда прокуратура, суд, юстиция муассасалари ўртасида бевосита ўзаро муносабат бўлиб, ҳуқуқий ёрдам амалга оширилиши мумкин.

ФПКнинг 391-моддасига биноан чет давлат суди ва арбитражларининг ҳал қилув қарорларини Ўзбекистон Республикасида ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари билан белгиланади.

Чет давлат суди ёки арбитражининг ҳал қилув қарори, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу қарор қонуний кучга кирган вақтдан эътиборан уч йил ичида мажбурий ижрога топширилиши мумкин.

М у н д а р и ж а

I-Боб. Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи.

1. Фуқаролик-процессуал ҳуқуқининг предмети ва унинг вазифалари...	3
2. Фуқаролик-процессуал ҳуқуқ изими.....	4
3. Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи манбаълари.....	5
4. Процессуал ҳуқуқ субъектлари.....	8
5. Фуқаролик-процессуал ҳуқуқнинг асосий амойиллари.....	9

II-Боб. Фуқаролик процесси.

1. Фуқаролик процессуал одил судлов вазифалари.....	18
2. Фуқаролик иш юритиш босқичлари ва турлари.....	22
3. Суд қарорлари ва аённомалари.....	25
4. Судья ва бошқа процесс иштирокчиларини рад этиш.....	29
5. Фуқаролик ишларининг судга ааллуқлилиги.....	31
6. Судда вакиллик.....	32
7. Суд процессида тарафлар ва учинчи шахислар.....	34
8. Далиллар.....	43
9. Аризани қабул қилиш ва кўрмасдан қолдириш.....	48
10. Иш юритишни тўхтатиш ва тугатиш.....	50
11. Суд харажатлари ва жарималари.....	52
12. Процессуал муддатлар.....	58
13. Суд хабарномалари ва чақирувлари.....	60

III-Боб. Биринчи инстанция судида иш юритиш.

1. Умумий қоидалар.....	61
2. Фуқаролик ишини кўзгатиш.....	66
3. Ишни судда кўришга тайёрлаш.....	64

4. Ишни судда кўриш.....	67
5. Суднинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари.....	73

IV-Боб. Даъво ишларини юритиш.

1. Даъво қўзғатиш.....	79
2. Даъвонинг элементлари ва турлари.....	80
3. Даъвога бўлган ҳуқуқ.....	82
4. Даъво ишларининг судловга тааллуқлилиги.....	83
5. Даъвони таъминлаш.....	86
6. Даъво ишларини кўришнинг хусусиятлари.....	88

V-Боб . Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳатти- ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш.

1. Умумий қоидалар.....	91
2. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳатти- ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят.....	92
3. Нотариуснинг, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органининг муайян ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги ёки нотўғри бажарганлиги устидан шикоят.....	95
4. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни гайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси.....	97

VI- Боб. Алоҳида тартибла иш юритиш.

1. Умумий қоидалар.....	99
2. Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш.....	100
3. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш.....	105

4. Фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш.....107
5. Мол-мулкни эгасиз деб топиш.....109
6. Тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш (чақириб иш юритиш).....111

VII- Боб. Суд қарорлари устидан шикоят бериш ва қайта кўриш.

1. Умумий қоидалар.....113
2. Суднинг ҳал қилув қарорлари устидан кассация шикояти бериш (протест келтириш).....116
3. Биринчи инстанция суди ажримлари устидан шикоят ва протест келтириш.....123
4. Қонуний кучга кирган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш.....125
5. Қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш.....131

VIII- Боб. Суд қарорларининг ижроси......133

IX-Боб. Фуқаролик процессида чет эл фуқаролари ва ташкилотлари. Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг иштироки.

1. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқлари.....138
2. Чет давлатларга даъволар.....139

Буюртма № 27. Шартли босма табағи 9,25. Адади 1000 нусха.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўлдаги ижара
китоб фабрикасида босилди. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44, 1999 йил.

